ISSN 2181-9599

DoiJournal 10.26739/2181-9599

ЎТМИШГА НАЗАР ЖУРНАЛИ

JOURNAL OF LOOK TO THE PAST

ЖУРНАЛ ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ

№1 (2019)

TOSHKENT-2018

DOI http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599
Ўтмишга назар / Взгляд в прошлое / Look to the past
№1 (2019) DOI http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2019-1

Бош муҳаррир:
Муртазаева Раҳбар Ҳамидовна,
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Бош муҳаррир ўринбосари:
Джураева Нилуфар Далибаевна,
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон жаҳон тиллари университети

Ўтмишга назар журнали таҳририй маслаҳат кенгаши
International Editorial Board of the Journal Look to the past
Международный редакционный совет журнала Взгляд в прошлое

1. Кебадзе Мадонна - Доктор исторических наук,Телавский государственный университет (Грузия)
2. Бурдиашвили Майя - Доктор исторических наук,Телавский государственный университет (Грузия)
3. Кожакеева Ляззат Темирбековна - тарих фанлари доктори, доцент, Хотин-қизлар давлат педагогика университети, Қозоғистон Республикаси.
4. Сагдуллаев Анатолий Сагдуллаевич - тарих фанлари доктори, профессор, академик,Ўзбекистон Миллий университети
5. Бобожонова Дилором Бобожоновна - тарих фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон жаҳон тиллари университети
6. Зияева Доно Хамидовна - тарих фанлари доктори, профессор, ЎзР ФА Тарих институти
7. Аширов Адҳам Азимбоевич - тарих фанлари доктори, профессор, ЎзР ФА Тарих институти
8. Агзамова Гулчехра Азизовна - тарих фанлари доктори, профессор, ЎзР ФА Тарих институти
9. Халикова Раҳбар Эргашевна - тарих фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат техника университети
10. Ишанходжаева Замира Раимовна - тарих фанлари доктори, профессор в.б., Ўзбекистон Миллий университети
11. Кобзева Ольга Петровна - тарих фанлари доктори, профессор в.б., Ўзбекистон Миллий университети
12. Одилов Аброр Анварович - тарих фанлари номзоди, доцент, Ўзбекистон Миллий университети
13. Ерметов Аваз Абдуллаевич - тарих фанлари номзоди, доцент, Ўзбекистон Миллий университети
14. Саипова Камола Давляталиевна - тарих фанлари номзоди, доцент, Ўзбекистон Миллий университети
15. Джоробекова Айнур Эшимбековна - тарих фанлари номзоди, профессор, Ташқи ишлар вазирлиги қошидаги Дипломатия академияси, Қозоғистон Республикаси.

Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz
ООО Expert Lawyers город Ташкент, Сергели 6, улица Мехригиё, 1-А.
www.tadqiqot.uz Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz
Expert Lawyers LLC The city of Tashkent, Sergeli 6, Mehrigiyo Street, 1-A.
Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000

№1 (2019) DOI http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2019-1

1. Бабажанова Дилорам Бабажановна
ЎЗБЕКИСТОНДА ТУРИЗМНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ САМАРАЛИ МЕХАНИЗМИ.....4
2. Зияева Доно Хамидовна
XIX АСР ОХИРИ - XX АСР БОШЛАРИДА ЎЗБЕКИСТОН МАДРАСАЛАРИДА ТАЪЛИМ ДАСТУРИ МУАММОЛАРИ.....11
3. Шадманова Санобар Базарбаевна
Д.ПАЛИЕНКО ВА МАҲАЛЛИЙ ХОТИН-ҚИЗЛАР УЧУН МЎЛЖАЛЛАНГАН ДОЯЛАР ТАЙЁРЛОВЧИ МАКТАБ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДАГИ МУНОЗАРАЛАР.....17
4. Djuraeva Nilufar Dalibayevna
SOCIAL STATUS OF WOMEN IN THE HISTORY OF UZBEKISTAN.....22
5. Исакова Муҳайё Сражиддиновна
ТУРКИСТОН ЎЛКАСИДА АЁЛ-ВРАЧЛАРНИНГ ФАОЛИЯТИ.....32
6. Масалиева Олтиной Масалиевна
БУХОРО ХОНЛИГИ ТАРИХИ МАНБАШУНОСЛИГИНИНГ АЙРИМ ЖИҲАТЛАРИ.....38
7. Мадаминова Дурдона Искандаровна
ЕИ ДАВЛАТЛАРИДАГИ МУҲОЖИРЛАРНИНГ ТИЛГА АСОСЛАНГАН ИНТЕГРАЦИЯЛАШУВ ОМИЛИ: ГЕРМАНИЯ МИСОЛИДА.....44
8. Базарова Муслма Маҳмудовна
ШАРҚИЙ ҲИНДИҚУШ ЭТАКЛАРИДАГИ КОФИР ҚАБИЛАЛАРИНИНГ КЕЛИБ ЧИҚИШИ БОРАСИДАГИ АЙРИМ ФАРАЗЛАР.....49
9. Балтабаева Манзурахон Мирзажановна
МИКРОКРЕДИТЛАР - ТАДБИРКОР ХОТИН-ҚИЗЛАР ФАОЛИЯТИНИ ЯХШИЛАШ ВА МОЛИЯВИЙ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШНИНГ САМАРАЛИ МЕХАНИЗМИДИР.....53
10. Расулова Дурдона Бахроновна
МАРКАЗИЙ ОСИЁДАГИ ИНГЛИЗ-РУС РАҚОБАТИ МАСАЛАЛАРИНИНГ ФРАНЦУЗ ТАРИХШУНОСЛИГИДА ЎРГАНИЛИШИ.....61
11. Умаров Сардор Якубович
ЎЗБЕКИСТОН - ГЕРМАНИЯ: ИШОНЧЛИ ҲАМКОРЛИК.....71
12. Хакимова Саида Бахтиёровна
XIX АСРДА СИРДАРЁНИНГ ИЛМИЙ ЎРГАНИЛИШИ ТАРИХИДАН.....75
13. Эшмуродов Суҳроб
ЎЗБЕКИСТОНДА СОЛИҚ СОҲАСИДА АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН ИСЛОҲОТЛАР ВА ФУҚАРОЛАРГА БЕРИЛАЁТГАН ИМКОНИЯТ ВА ИМТИЁЗЛАР.....73
14. Мамадалиев Хушнуд Исломжонович
ФАРҒОНА ВОДИЙСИ ШАҲАРЛАРИ ҲУДУДИ ВА АҲОЛИ ТАРКИБИДАГИ ЎЗГАРИШЛАР XIX аср охири XX аср бошлари.....87
15. Тоғаева Анора Зайниддиновна
РУС ТАДҚИҚОТЧИЛАРИ ТОШКЕНТ-ОРЕНБУРГ ТЕМИР ЙЎЛИНИНГ ИҚТИСОДИЙ АҲАМИЯТИ ХУСУСИДА.....92
16. Салимов Шерзод Юнусович
МЕҲНАТ РЕСУРСЛАРИ ВА БАНДЛИК МУАММОСИ: ТАРИХИЙ МЕРОС, ЗАМОВИЙ ҲОЛАТИ ВА ЕЧИМЛАР.....100
17. Дармонова Машкура Адилжон қизи
ТОШКЕНТ ШАҲАР ДАВЛАТ АРХИВИДАГИ СОВЕТ ДАВРИГА ОИД ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ ЖАМҒАРМАЛАРИ ХУСУСИДА.....105
18. Азизов Икромжон Шадибаевич
ТОШКЕНТДАГИ БИРИНЧИ ЭРКАКЛАР АМБУЛАТОР ШИФОХОНАСИНИНГ ТАШКИЛ ЭТИЛИШИ.....112
19. Юсупова Севара Низамитдиновна
ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ ЎЗГАРИШЛАРНИНГ ФАРҒОНА ВОДИЙСИ АҲОЛИСИ ТУРМУШИДА АКС ЭТИШИ.....117
20. Якубова Мухтарам Бакаевна
НЕМИС ОЛИМИ ЭДУАРД ЭВЕРСМАННИНГ МАРКАЗИЙ ОСИЁ ТАБИАТШУНОСЛИГИГА ОИД ТАДҚИҚОТЛАРИ.....121
21. Ширинова Наргиза Фахритдинбек қизи
XIX АСР ОХИРИ XX АСР БОШЛАРИДА ТИББИЁТ ВА ХАЛҚ ТАБОБАТИГА ОИД ТОШБОСМА АСАРЛАР.....125
22. Ҳайдаров Ғайратбек Мирзаўлатович
ЎЗБЕКИСТОННИНГ РОССИЯ ФЕДЕРАЦИЯСИ БИЛАН ҲАМКОРЛИК АЛОҚАЛАРИ (1992 - 2013 йй.).....130
23. Юлдашева Дилноза Улугбековна
ЎЗБЕКИСТОНДА МОДДИЙ-МАДАНИЙ ЁДГОРЛИКЛАРНИНГ МУҲОФАЗА ҚИЛИНИШИ ТАРИХИДАН.....130

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ
LOOK TO THE PAST
ЎТМИШГА НАЗАР

Бабажанова Дилорам Бабажановна,
Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари
университети профессори,
тарих фанлари доктори

ЎЗБЕКИСТОНДА ТУРИЗМНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ САМАРАЛИ МЕХАНИЗМИ

http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2019-1-1

АННОТАЦИЯ

Мақолада Ўзбекистонда туризм соҳасини, айниқса экологик туризмни ривожлантириш давлат сиёсатининг устувор масаларидан бирига айлангани, ушбу соҳанинг ривожланиши мамлакат иқтисодиётини тараққий эттиришда муҳим омил эканлиги, туризм соҳасини жаҳон талаблари даражасига кўтариш учун бу соҳага хизмат қилиш тузилмаларини ривожлантириш ҳам талаб этилиши ҳукумат қарорлари асосида таҳлил этилган.

Калит сўзлар: туризм, экологик туризм, зиёрат туризми, инфратузилма, иқтисодий сиёсат, инновация.

Бабажанова Дилорам Бабажановна,
Профессор, доктор исторических наук
Узбекский государственный университет мировых языков

ЭФФЕКТИВНЫЙ МЕХАНИЗМ РАЗВИТИЯ ТУРИЗМА В УЗБЕКИСТАНЕ

АННОТАЦИЯ

В статье на основе постановлений правительства анализируются вопросы развития туризма, особенно, экотуризма в Узбекистане. Освещаются задачи по превращению этой сферы в одно из приоритетных направлений государственной политики, дается анализ развития данной сферы, как важного фактора развития экономики страны и, следовательно, делаются выводы по развитию сервисной инфраструктуры в целях поднятия сферы туризма в Узбекистане на уровень мировых стандартов.

Ключевые слова: туризм, экологический туризм, религиозный туризм, паломничество, инфраструктура, экономическая политика, инновация

Babajanova Diloram Babajanovna,
Professor Uzbek state world languages university
Doctor of Historical Sciences

EFFECTIVE MECHANISM OF DEVELOPMENT OF TOURISM IN UZBEKISTAN

ANNOTATION

The article analyzes the development of tourism, especially ecotourism in Uzbekistan, on the basis of government decrees. It highlights the task of turning this sector into one of the priority directions of state policy, analyzes the development of this sector as an important factor in the development of the country's economy and, therefore, draws conclusions on the development of service infrastructure in order to raise the tourism industry in Uzbekistan to world standards.

Key words: tourism, ecological tourism, religious tourism, pilgrimage, infrastructure, economic policy, innovation.

Мамлакат ижтимоий-иқтисодий тараққиётига салмоқли ҳисса қўшиб келаётган энг муҳим тармоқлардан бири - туризм ҳисобланади.Яратиб берилган имкониятлардан самарали фойдаланган ҳолда, мазкур тармоқни янада такомиллаштириш зарурлигини бугунги кунда замоннинг ўзи талаб қилмоқда. Тарихан ҳам саёҳат, ҳам зиёрат учун қулай мамлакат бўлган Ўзбекистон, деб аталган она заминимизда бутун дунёга маълум ва машҳур бўлган буюк алломалар яшаб, ижод қилганлар. Аждодларимиз қолдирган бой илмий-маънавий мерос халқаро майдонда катта қизиқиш уйғотган. Туризмсоҳасини янада ривожлантириш учун, аввало, зарур инфратузилмани такомиллаштириш шарт[1], эканлиги Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевтомонидан таъкидлангани ҳам бежиз эмас.Зеро, бугунги кунда туризм дунё мамлакатларида миллий иқтисодиётга салмоқли даромад келтирувчи соҳалардан бири ҳисобланган асосий манбадир.Маълумотларга қараганда, 2008 йилда жаҳон миқёсида туризм индустриясида 250 млн. дан ортик ишчи хизмат қилди ва ундан олинган даромад 720 млрд. АКШ долларини ташкил этди[2]. Келтирилган рақамлар туризм ҳамда туристик хизматларнинг тобора ривожлана бориши натижасида сўнгги йилларда янада жадал равишда ўсганлигини таъкидлаш жоиз. Туризм индустрияси ўзига катта сармоя ва ресурларни мужассамлаштириши билан бир қаторда давлат ва жамият учун зарур бўлган маънавий-маданий вазифаларни ҳам бажарувчи иқтисодиёт тармоғи ҳисобланади. Шу билан бир қаторда,унинг ноанъанавий турлари-экотуризм, агротуризм, археологик, этнографик, диний туризм, экстремал шароитлар туризми, зиёрат туризми ва бошқалар шу давр мобайнида шаклланади. Айниқса, ушбу йўналишлар мутахассислар томонидан тез тараққий этаётган, тобора ривож топиб бораётган соҳалар сифатида эътироф этилаётганлигини айтиш лозим.Жаҳон туризм ташкилоти туризмнинг қўйидаги турлари энг истиқболли йўналиш, дея эътироф этмоқда, булар: саргузашт туризми, денгиз ва сув туризми ва экотуризм[3]. Бу туризм турлари ичида ёш ва истиқболли йўналишлардан бири экотуризм бўлиб, у ниҳоятда ривожланиб бораётганлиги ҳамда сердаромадлилиги билан алоҳида ажратиб кўрсатиш мумкин. Дарҳақиқат, Жаҳон Туристик Ташкилоти (ЖТТ) томонидан экологик туризмнинг ривожланиш тенденциялари аниқланган бўлиб, бу ташкилотнинг таҳминига кўра 2020 йилга қадар экологик туризм асосий стратегик йўналишлар қаторидан жой

эгаллайди.Охирги пайтларда экотуризмнинг жаҳон туризми индустриясидаги ҳиссаси тобора кўпайиб бораётгани билан изоҳлаш мумкин.

Ўзбекистон Республикасида экотуризмнинг ривожланишида аввало, сайёҳлик имкониятларининг мавжудлиги катта ўрин тутсада, бундан ташқари ташкилий, ҳуқуқий, сиёсий ва бошқа омиллар ҳам экотуристик ҳамда туризм юксалиши ва истиқболида муҳим аҳамият касб этади.Ўзбекистоннинг экотуристик ва умуман туризм соҳасини ривожлантириш ва келажакда жаҳон талаблари даражасида сайёҳлик индустриясини фаол йўлга қўйиш учун ташкилий асосларни яратиш муҳим аҳамиятга эга. Бу борада мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб қонунлар ва ҳуқуқий нормалар яратиш учун шарт-шароитлар етарли даражада яратиб берилди.Сабаби, собиқ Иттифоқнинг парчаланиши натижасида амал қилиб келинган меъёрий ҳужжатларнинг аҳамияти йўқолди ва халқаро талаблар доирасида қонунлар яратиш зарурияти пайдо бўлди. Республикада экотуристик соҳани ва умуман туризмни ривожлантириш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 8августдаги "Сайёҳлик ташкилотлари фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш тўғрисида", 1999 йил 20 августда эса "Туризм тўғрисида"ги қонунлар қабул қилиниши алоҳида аҳамиятга моликдир. Ушбу қонунлар Республикада йирик туризм индустриясини ва унга хизмат қиладиган инфратузилмани вужудга келтириш учун асос бўлиб хизмат қилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 1- февраль куни "Мамлакатимизда туризм соҳасини янада ривожлантириш ва туризм хизматлари экспортини оширишни таьминлашга қаратилган аниқ чора-тадбирларни амалга ошириш" га бағишлаб ўтказилган йиғилишида ҳам минтақаларда экотуризмни ривожлантириш масалаларига кенг эътибор қаратилганлигини таъкидлаш жоиз. Шу билан бир қаторда Президент Ш.Мирзиёевнинг 2017 йил 12 июлдаги "Туризм соҳасини ривожлантиришда маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг масъулиятини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори билан Хоразм, Бухоро, Самарқанд ва Тошкент вилоятлари ҳокимларининг туризмни ривожлантириш масалалари бўйича ўринбосарлари лавозимлари жорий қилинди.

2017 йил 16 августдаги Президентнинг "2018-2019 йилларда туризм соҳасини ривожлантириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори бу борадаги ишларни янги босқичга кўтарди. Мазкур ҳужжатга кўра, 2018-2019 йилларда соҳа олдида турган муҳим масалалар ечимига бағишланган алоҳида дастур тасдиқланди, дастур доирасида туризмнинг тиббий, рекреация, агро ва экотуризм йўналишлари бўйича алоҳида дастурлар қабул қилиниши ҳам белгилаб берилди.

Мамлакавтимизда экологик туризмни ривожлантиришда "Ўзбекистонда экологик туризмни ривожлантириш Концепцияси" дастурлари бўйича катта ишлар амалга оширилмоқда. Шу билан бирга, Республикамизда экологик туризмни ривожлантириш борасида ўз ечимини кутаётган жиддий муаммолар ҳам мавжуд бўлиб, бу борада Президент Шавкат Мирзиёев "Туризм - иқтисодиётнинг муҳим тармоқларидан бири. Мавжуд имкониятлардан самарали фойдаланган ҳолда, ушбу тармоқни янада такомиллаштириш зарур, буни даврнинг ўзи тақозо этмоқда"[8], дея таъкидлайди.

Биргина 2017 йилнинг ўзида Хоразм, Бухоро, Самарқанд, Сурхондарё, Қашқадарё, Жиззах ва Фарғона вилоятларида туризм инфратузилмасини яхшилаш, янги сайёҳлик йўналишлари ташкил этиш ҳамда ҳудудларнинг туризм

салоҳиятини кенг тарғибот қилишга қаратилган дастурлар, жумладан, Бухоро ва Самарқанд шаҳарларида сайёҳлар учун куну тун фаолият кўрсатувчи, ҳар бирининг ҳудуди 10 гектардан иборат "Қадимий Бухоро" ва "Самарқанд сити" туризм ҳудудларини барпо этиш бўйича ишлар олиб борилмоқда. Тошкент вилоятининг Бўстонлиқ, Паркент ва Оҳангарон-Ангрен туризм кластерлари ҳудудларида меҳмонхоналар ташкил этиш бўйича комплекс чора-тадбирлар ишлаб чиқилди ва бугунги кунда амалиётга жорий этила бошлади.

Туризм соҳасидаги ишларни янада такомиллаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси туризм салоҳиятини ривожлантириш учун қулай шароитлар яратиш бўйича қўшимча ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 3 февраль Фармони[9], 2018 йил 6 февралдаги "Кириш туризмини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисиди"ги ПҚ-3509-сон[10], 2018 йил 6 февралдаги "Ўзбекистон Республикаси туризмни ривожлантириш давлат қўмитасининг фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-3510-сон[11], 2018 йил 7 февралдаги "Ички туризмни жадал ривожлантиришни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-3514-сон қарор[12] лари ҳам қабул қилинди.

Мамлакатимизнинг қайси бир худудига назар ташламайлик, барча жойларда экотуризмни ривожлантириш етарли имкониятлар мавжуд. Масалан, биргина Самарқанд вилоятининг ўзида улкан сайёҳлик салохияти мамлакатимизнинг иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳаётида муҳим ўрин тутади. Бу ўлканинг бетакрор обидалари, сўлим табиати, айни пайтда бағрикенг ва меҳмондўст халқи, ширин-шакар, сархил мевалари, энг муҳими, қулай инфратузилма тармоқлари тўғрисида фикр билдириб Ўзбекистон Президенти Ш.Мирзиёев шундай таъкидлайди: "Самарқанднинг туристик салоҳиятини янада ривожлантириш мақсадида яқин беш йилда вилоятда 40 дан зиёд янги меҳмонхона қуриш ва 12 та меҳмонхонани кенгайтириш мўлжалланмоқда. Бунинг натижасида меҳмонхоналардаги ўринлар сони 7 мингтага етади ёки ҳозиргига нисбатан 1,5 баробар кўпаяди"[13].Самарқандаги тарихий обидалар, муқаддас қадамжоларни таъмирлаш ва ободонлаштириш ишлари изчил давом эътирилиши, қадимда Амир Темур бунёд этган машҳур боғларнинг қайтадан тикланиши буларнинг бари экологик туризмни янада ривожлантиришга катта ҳисса қўшади.

Хорижий меҳмонлар экотуризм орқали Ўзбекистон тўғрисида ҳамда унинг бой ва бетакрор табиати ҳақидаги тасаввурга эга бўлсалар, фуқаролар эса ўз Ватани билан яқиндан танишадилар. Туризм орқали уларда она юртига нисбатан миллий ифтихор ҳамда ғурур туйғусини шакллантириш имкконияти туғилади. Шу ўринда таъкидлаш керакки, ушбу ижобий функцияларни юзага келтириш учун илмий асосланган экотуристик таълим ва тарбияни йўлга қўйиш асосий вазифалардан биридир. Ўзбекистоннинг деярли барча вилоятлари оммавий экотуризм марказлари бўлиши мумкин.

Худди шунингдек,республикадаги сингари, биргина Наманган вилоятида ҳам ушбу соҳани ривожлантириш мақсадида, вилоят ҳокимилигининг "2016-2017 йилларда Наманган вилоятида туризм соҳасини ривожлантириш" дастури тўғрисидаги 2016 йил 16февралдаги 66-сонли қарори қабул қилиниб, вилоятга келадиган сайёҳларга жаҳон андозаларига мос келадиган маиший ва маданий шарт-шароитлар яратиш юзасидан бир қатор ижобий ишлар амалга оширилмоқда. Наманган вилоятига ташриф буюраётган сайёҳлар асосан маҳаллий ҳисобланиб,

Андижон, Фарғона, Тошкент, Самарқанд ва бошқа вилоятлардан келади. Баъзан вилоятдаги археологик топилмаларни ўрганиш мақсадида чет эллик сайёҳлар ҳам ташриф буюришади. Хорижий эллик сайёҳларнинг ишончини оқлаш, хавфсизлигини кафолатлаш, сиёсий вазиятни тўғри талқин этиш бевосита халқаро сайёҳликнинг ўсиши ва ривожланишида муҳим аҳамият касб этади. Бинобарин вилоят экотуризми ва экотуристик истиқболини белгилаш, келажакда сайёҳликнинг юксалтириш ва сайёҳлар оқимини ошириш турли хил шарт-шароит, ички ва ташқи вазиятга боғлиқдир. Шу ўринда айтиш жоизки, сайёҳлар экспорт қиладиган етакчи давлатлар қизиқишини ўрганиш ва сайёҳлар оқимини янада кўпроқ жалб қилиш йўлларини топиш вилоятда экотуризмни ривожлантиришда муҳим аҳамиятга эгадир. Экотуризм тараққиёти, яъни сайёҳлар оқимини кенгайиши иқтисодиёт тармоқлари, қурилиш, транспорт, савдо ва бошқаларни ривожланишига сабаб бўлади. Бинобарин, туризм инфратузилмасини ташкил қилиш билан бир вақтда ҳар-хил хизматлар соҳасини ривожлантириш ҳам талаб этилади. Мисол учун, меҳмонхона хўжалиги, ресторанлар ва озиқ- овқат корхоналари, совғабоп буюмлар ишлаб чиқариш, коммунал ҳамда маиший корхоналар сайёҳлар учун хизмат кўрсатишнинг мажмуали соҳасидир. Шундай қилиб, экотуризм аслида дам олишдан иборат бўлиб, сайёҳларга хизмат қилиш билан боғлик тармоқларни ҳам қамраб олади. Ваҳоланки, вилоятда экотуризмни ташкил этиш ва ривожлантириш барча соҳаларининг иқтисодий ўсишига, аҳолининг бир қисмини иш билан таъминлаш муаммосини ҳал этиш ҳамда экотуристик объектларини қайтадан қуриш, таъмирлаш ва кенгайтиришни тақозо этади.

Наманган вилояти сайёҳликни ривожлантиришда кўпгина ташкилий чора-тадбирлардан бири - экотуризм индустуриясини яхши тушунадиган, унинг янги замонавий турларини яратадиган мутахассис кадрлар тайёрлашдир. Бу борада вилоятда бир қанча ишлар амалга оширилиши лозим. Жумладан, Олий ўқув юртларида юқори савияли таржимон ва экскурсовод(гид)лар тайёрлайдиган "Экотуризм", "Туроператор"каби йўналишларини очиш мақсадга мувофиқдир. Ўзбекистонда туризм соҳасида ўз ечимини кутаётган қатор муаммолар мавжуд бўлиб, уларни босқичма-босқич ҳал этиш келажакда ушбу тармоқни макроиқтисодиётининг асосий таркибий қисмига айлантиришга хизмат қилади. Чунончи, Наманган вилоятида экотуризмни юксалтиришда сайёҳлар айрибошлашни яхши йўлга қўйиш энг катта муаммолардан ҳисобланади. Шу ўринда маҳаллий ва халқаро сайёҳларнинг минтақалар бўйича ҳудудий тақсимланишида сайёҳлик корхоналари ва ташкилотларининг ҳамкорликда иш олиб боришлари катта аҳамиятга эгадир. Вилоятга келадиган сайёҳларнинг сонини ошириш ва жаҳон андозалари талабида хизмат кўрсатишни ташкил этиш минтақа туризмининг энг муҳим вазифаларидан биридир. Бунинг учун сайёҳлик билан шуғулланувчи ўрта, кичик туристик фирма ва корхоналар фаоллигини ошириш, сайёҳлар талабини ўрганиш каби муаммоларни ҳал қилиш талаб этилади. Тадқиқотлар шуни кўрсатадики вилоятда экотуристик объектлар баландлик минтақаланиш қонуниятига кўра жойлашган[4.23]. Шу жиҳатдан экотуристик объектлар ўзининг ландшафт хусусиятлари ва табиий шароитига кўра қулайлиги билан ажралиб туради. Лекин баъзи бир экотуристик объектларга олиб борадиган транспорт йўлларнинг ноқулайлиги, экотуристик инфратузилманинг ривожланмаганлиги сайёҳлар оқимининг келишига акс таъсир кўрсатмоқда.

Бундай муаммоларни ҳал қилиш учун шаҳарда фаолият кўрсатаётган туристик корхона ва фирмалар қизиқишини ошириш, шаҳар ҳокимлиги томонидан уларга имкониятлар яратиш мақсадга мувофиқдир. Шунингдек, вилоятнинг қишлоқ жойларида яшайдиган аҳолининг ҳам қисқа муддатли сўровномалар ўтказиш, хоҳиш ва истакларини ўрганиш муҳимдир.

Вилоятда экотуризмни олдида турган энг муҳим муаммолардан яна бир қисқа муддатли сайёҳликни ташкил этиш масаласидир. Кишилар жисмоний ва ақлий меҳнат қилиши натижасида толиқади ва дам олишга эхтиёж сезади[5.22]. Бинобарин, аҳолининг меҳнат қобилиятини ошириш, руҳан тетиклаштириш аввало, туристик саёҳатлар ва айни пайтда сайёҳлик хизматини қай даражада ташкил этиш билан боғлиқдир. Саёҳатлар узоқ (меҳнат таътили) ва қисқа (ҳафтанинг дам олиш кунлари ва ишдан бўш вақтлари) муддатли бўлади. Демак, узоқ муддатли саёҳатлар пайтида инсон ўз саломатлигини тиклаши, хордиқ чиқариши, гўзал ва такрорланмас жойларни томоша қилиши, бевосита аниқ маршрутлар ва йўлланмалар асосида ташкил этилади. Қисқа муддатли саёҳатлар эса дам олиш кунлари ёки иш юзасидан бирор жойда, ўлкада, мамлакатда бўлиш пайтида билвосита саёҳатнинг ушбу турида иштирок этишидир. Вилоятда экотуризмни истиқболини белгилашда шаҳар ва қишлоқ аҳолисининг қисқа муддатли саёҳатларини ташкил этиш катта аҳамиятга эга. Шаҳар ва қишлоқ аҳолисининг қисқа муддатли дам олишни йўлга қўйиш учун бир қанча ишларни амалга оширишни талаб этади. Наманганда шаҳар аҳолиси дам олиш кунлари ва ишдан бўш пайтларида Подшоотасой, Ғовасой, дарё соҳилларига ва бошқа жойларга дам олишга чиқишади. Бу хусусда шаҳар аҳолисининг қисқа муддатли дам олишни ташкил этиш учун катта имкониятлар мавжудлигини билдиради. Демак, аҳолининг қисқа муддатли дам олишини ташкил этиш аввало аҳолининг меҳнат қобилиятини яхшилаш, иш унумдорлигини ошириш ҳамда шаҳарда ташриф буюрган маҳаллий сайёҳларнинг дам олиш вактини мароқли ўтказишда катта аҳамият касб этади.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда Наманган вилоятида экотуризмни ривожлантириш учун, бизнингча қуйидаги муаммоларни ҳал этиш лозим: - вилоятда экотуризм соҳасида фаолият кўрсатаётган тадбиркорларга амалий ёрдам бериш, хорижий ҳамкорларни топиш, хуқуқий маслаҳат ва услубий ёрдам кўрсатиш, дунё мамлакатларида ўтказиладиган сайёҳлик ярмаркаларида қатнашиш ва ушбу ярмаркаларни вилоятда ўтказишни ташкил этиш; - миллий анъаналарни намоён этувчи маҳалла ва чойхоналар ҳамда қадимий меъморчилик усуллари сақланиб қолган уйларни аниқлаш ва туристик маршрутларга киритиш; - вилоят ҳудудидаги рекреацион ва туристик объектларга борувчи йўлларни таъмирлаш ва ободончилик ишларини олиб бориш; - юқори малакали кадрлар тайёрлаш жумладан, НамДУда экотуризмни илмий жиҳатдан ўрганувчи йўналиш очиш; - вилоят ҳудудидаги тоғларнинг экотуристик имкониятлари ҳамда сайёҳлик йўналишларини аниқлаш, туманлардаги тарихий обидалар, зиёратгоҳлар, дам олиш масканларини ўрганиш, Наманган шаҳридаги "Мулла бозор Охун ва Мулла Қирғиз мадрасалари", Поп туманидаги "Мунчоқтепа" тарихий ёдгорликлари, Чуст туманида "Буонамозор", Тўрақўрғон туманидаги "Ахсикент" тарихий ёдгорликлари ва Чортоқ туманидаги "Қирқ қиз кўз ёши булоғи" қадамжоларини сайёҳлик маршрутларига киритиш. - Наманган вилоятидаги мавжуд экотуристик туристик объектларини реклама қилиш, жумладан уларни ривожланган давлатларида

рекламани ташкил этиш ва ҳоказо. Демак, Наманган вилояти экотуристик ва туризмни юксалтириш ҳамда мавжуд муаммоларнинг ечими вазирликлар, вилоят ҳокимлиги ҳамда "Ўзбектуризм" миллий компанияси ҳамкорлигида барча муаммоларнинг таркибий жиҳатларини қамраб олган ҳолда амалга ошириши лозимдир.

Ўзбекистон Марказий Осиёнинг ўрта қисмида, туризмни ривожлантириш имконияти мавжуд бўлган транспорт йўллари чорраҳасида жойлашган. Амалда эса, бу салоҳият ва имкониятлардан тўла-тўкис фойдаланишга етарлича эътибор қаратилмаётганлиги боис, республикада туристларни қабул қилиш салоҳиятига нисбатан экотуристларнинг келиб-кетиши ҳали етарли эмас. Бироқ шунга қарамай, кейинги йилларда ички ва ташқи туризмни ривожлантириш учун дастлабки қадамлар қўйилди ва шу билан бирга, мазкур соҳа инфратузилмасини ҳам жаҳон андозаларига мос равишда шакллантириш ишлари яхши йўлга қўйилаётганлигини ҳам таъкидлаш жоиз.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Халқ сўзи, №199 (6893) 04/10/2017. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев мамлакатимизда туризмни изчил ривожлантириш истиқболлари, сайёҳлик объектларидан самарали фойдаланиш, кўрсатилаётган хизмат турлари сифатини ошириш, юртимизга ташриф буюраётган сайёҳлар оқимини кўпайтириш борасида амалга оширилаётган ишлар таҳлилига бағишланган йиғилиш.
2. Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси. Дис-435/2010; Бердиёров Б.С "Экотуризм ва унинг Ўзбекистон туризм хизмати бозоридаги ўрни".:2010 й.
3."Ўзбекистонда экотуризмни ривожлантириш концепцияси".
4. Усмонова Р. Қашқадарё вилояти геотизимларидан экотуристикда фойдаланишини оптималлаштириш. География фан. ном. илмий даража. олишучундисс. Автореф. -Тошкент, 2001,-23.
5. Усмонов М. Р, Ўзбекистонда туризмни ривожлантиришнинг минтақавий хусусиятлари (Самарқанд вилояти мисолида).- География фан. Илмий даража олиш учун дисс. автореф. - 2003. - Б.22.
6. Усмонов М. Р. Самарқанд туризми ривожланишида ўрта ва кичик корхоналарнинг аҳамияти/ / Кичик ва ўрта бизнесда менежмент муамолари. Халқаро илмий-амалий конференция материаллари. -Самарқанд, 2002. - Б. 179-180.
7. Курбонниёзов Р., Саъдуллаев А., Абирқулов К. Иқтисодий экология асослари.- Тошкент, 1999.
8. http://uza.uz/oz/politics/turizmni-yanada-rivozhlantirish-masalalari-mu-okama-ilindi-03-10 2-017
9. Халқ сўзи газетаси №24 (6982) 06/02/2018, Ўзбекистон Республикаси туризм салоҳиятини ривожлантириш учун қулай шароитлар яратиш бўйича қўшимча ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 3 февраль Фармони
10. Халқ сўзи, №25 (6983) 07/02/2018. Кириш туризмини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида:Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 6 февраль Қарори.
11. Халқ сўзи, №26 (6984) 08/02/2018. Ички туризмни жадал ривожлантиришни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 февраль Қарори
12. Халқ сўзи газетаси №26 (6984) 08/02/2018, Ички туризмни жадал ривожлантиришни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 февраль Қарори
13. Ш.Мирзиёев. Буюк келажагимизни мард ва олийжаноб халқимиз билан бирга қурамиз.- Тошкент: Ўзбекистон,2017.-Б.187.

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ
LOOK TO THE PAST
ЎТМИШГА НАЗАР

Зияева Доно Хамидовна
Тарих фанлари доктори, профессор
ЎзР ФА тарих институти

XIX АСР ОХИРИ – XX АСР БОШЛАРИДА ЎЗБЕКИСТОН МАДРАСАЛАРИДА ТАЪЛИМ ДАСТУРИ МУАММОЛАРИ

http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2019-1-2

АННОТАЦИЯ

Мақолада Ўзбекистон ҳудудида, аниқроғи Бухоро, Туркистон мадрасаларида XIX аср охири - XX аср бошларида олиб борилган таълим дастури таҳлил этилади. Мадрасалар ўқув дастуридаги асосий фанлар, уларни ўқитиш жараёнидаги муаммолар, бу муаммолар ҳақида ўша давр замондошларининг қарашлари таҳлил қилинади.

Калит сўзлар: Мадраса, ислом асослари, ҳадислар, мантиқ илми, фиқҳ, ҳошиячилик, шарҳлар, мударрис, араб тили, ҳандаса, риёзиёт, диний таълим, дунёвий таълим.

Зияева Доно Хамидовна
Доктор исторических наук, профессор
Институт истории АН РУз

ПРОБЛЕМЫ УЧЕБНОЙ ПРОГРАММЫ В МЕДРЕСАХ УЗБЕКИСТАНА В КОНЦЕ XIX – НАЧАЛЕ XX ВВ.

АННОТАЦИЯ

В статье анализируется учебная программа в медресах Узбекистана в конце XIX - начале XX вв. В ней обращается внимание на основные предметы обучения, и процесс их преподавания, взгляды современников на эти проблемы.

Ключевые слова: медресе, принципы ислама, хадис, логика, фикх, каллиграфия, комментарии, арабский язык, геометрия, математика, религиозное и светское образование.

Ziyaeva Dono Xamidovna
Professor, Doctor of Historical Sciences
Republic of Uzbekistan Academy
of sciences Institute of History

THE PROBLEMS OF THE CURRICULUM IN THE MADRASAH OF UZBEKISTAN IN THE LATE XIX – EARLY XX CENTURIES

ANNOTATION

The article analyzes the curriculum in madrasasin Uzbekistan, particularly in Bukharaand Turkestan between the late XIX and early XX centuries. Main attention is drawn to the main subjects ineducation,

and the challenges in process of their teaching, the views of the intellectuals of that period on these problems.

Key words: Madrasa, principles of Islam, Hadith, Logics, Fiqh, Calligraphy, Commentaries, Arabic, Geometry, Mathematics, Religious and Secular Education.

Мусулмон оламида таълим тизимининг юқори бўғини бўлмиш мадрасалар жамиятнинг интеллектуал салоҳиятини шакллантиришда катта ўрин эгаллаган. Мадрасаларда диний соҳа учун кадрлар тайёрлаш билан бирга ўз уларда деярли ҳар бир тарихий босқичда машҳур алломалар ва олимлар етишиб чиққанлар. Зеро уларда ўз даврининг йирик уламолари, мударрислар дарс берганлар,

Ўзбекистон том маънода мадрасалар ватани эди[8]. 1890-1893 йилларда Туркистон ўлкасининг Сирдарё, Фарғона ва Самарқанд вилоятларида жами 214 та мадраса бўлиб, улардан 155 таси шаҳарларда ва 59 таси уездларда жойлашган эди. Бухоро шаҳрида 1914 йилда жами 200 га яқин мадрасалар бўлиб, шулардан 33 таси йирик, 39 таси ўрта ва қолганлари кичик мадрасалар бўлган. XX аср бошида Хива хонлигида 65-70 та мадраса [7, Б.137]фаолият юритган.

Бухоро, Тошкент, Самарқанд мадрасалари нафақат минтақада, балки мусулмон оламида ҳам жуда машҳур бўлиб, уларда таҳсил олиш учун Россия, Кавказ, Эрон, Афғонистон, Ҳиндистон, Қашғар каби мамлакатлардан мусулмон ёшлари ташриф буюрганлар.

XIX аср ўрталарида Бухорода бўлган А. Хаников маълумотларига кўра шаҳардаги мадрасаларда ўқийдиган талабаларнинг умумий сони 10 минг кишини ташкил қилган бўлса [17, Б.88], 1860 йилларда келган Ҳерман Вамберининг қайд этишича, талабалар сони 5000 нафаргача бўлган, улар орасида Ҳиндистон, Қашғар, Афғонистон, Россия ва Хитойдан келганлар толиблар ҳам бор эди [5, Б.178-181].

XIX аср охири - XX аср бошига келиб кўпчилик шаҳарларда мадраса бинолари бўшаб, талабалар сони камая бошлади. XIX аср охирида Россия империяси ҳукумати чегараларини "қўриқлаш" баҳонаси билан (аслида мусулмон давлатларининг ўзаро алоқаларини чеклаш мақсадида) бошқа мамлакатлардан келувчиларни уларнинг сонини имкон қадар камайтириш ҳақида махсус кўрсатма берилади.

Мадрасалар катта-кичиклигига, моддий таъминоти, вақф мулкларидан олинадиган даромадига кўра уч тоифага: кичик, ўрта ва йирик мадрасаларга бўлинган. Мадрасалар ўқиш босқичларига караб "адно" (бошланғич), "авсат" (ўрта) ва "аъло"(юқори) га ҳам бўлинган. Ҳар бир босқич учун одатда 3 йил ва ундан кўпроқ вақт сарфланган. Келажакда мударрис, қози, муфтий, олим бўлишни истаган ўқувчиларгина уччала босқични тўлиқ тугаллаган [6].

Фанларнинг кўп қисми диний билимлардан иборат бўлса-да, мантиқ, риёзиёт, жуғрофия, ҳандаса, адабиёт каби фанлар ҳам ўқитилган [9]. Е.Н. Павловский маълумотига кўра, XX аср бошларида мадрасаларда тарих, физика, табиат фанларидан жуда қисқа ва умумий маълумотлар берилган [12, Б.53].

Ўлка маъмурларининг расмий ҳисоботларида қайд этилишича, ёзилишича, XIX асрнинг 80-йилларга келиб, мадрасаларнинг эски бинолари, уларнинг вақф хўжалиги вайрон бўла бошлаган. Тошкент шаҳрида 1884 йилда рўйхатга олинган мадрасалар рўйҳати 1890 йилда тузилган рўйхатда тўлиқ қайд этилмаганлиги уларнинг сони қисқариб борганлигидан далолат берар эди.

Мадрасаларда ўқув жараёни 6 ой (22 сентябрдан - 22 мартгача) давом этган. Талабалар синфларга қараб эмас, балки қайси китобни ўқиётганлигига қараб жамоа-гуруҳларга ажратилган [2, Б.200]. Дарс жарёни мударрис ва талабанинг ўзаро мулоқоти асосига қурилган. Бунда ўрганилаётган масалага оид араб тилидаги матн мударрис томонидан мисоллар билан шарҳланиб, талабалар иштирокида ўзаро баҳс-мунозара қилинган, аммо кўп холатларда масаланинг моҳиятини англаш мураккаб кечган [3, Б.54]. Зеро, қўлланмалар асосан араб тилида бўлган.

Ўрта Осиё мадрасаларининг ўқув дастурлари асосан ўрта асрларда шаклланган эди. Машғулотлар олиб боришга мўлжалланган адабиётлар ислом оламининг кўп асрлик маданиятини ўзида акс эттирар эди. Мисол учун, "Шамсия" ва унга шарҳлар XIII асрда, "Ақоид" XII асрда, "Мантиқ Таҳзиб" XVI асрда, "Шариат" (Қуръони Карим ва муқаддас ривоятлар асосида баён қилинган қонун қоидалар ҳамда аҳлоқ меъёрлари тўплами) VIII-IX асрларда тузилган эди [4, Б.53-54].

Мадрасалар ўқув дастурида араб тили катта ўрин тутган ва босқичма босқич ўргатилган. Араб тили грамматикасини ўзлаштиришда А.Жомийнинг араб тилида ёзган "Шарҳи Мулла" ("Қофия") китоби муҳим рол ўйнаган. Талабалар уни ўзлаштириши учун "кунжак домла" (репетитор) ёрдамида қўшимча шуғулланишига тўғри келган [3, Б.53].

Бундан ташқари, мадрасаларда мантиқ илми ва унга шарҳлар, Калом илми ва унга ёзилган шарҳлар, диалектика, метафизика, фалсафа, ҳадислар, Қуръони Каримга шарҳлар, фиққ илми, яъни ислом ҳуқуқидан сабоқ берилган [16, Б.336].

Юқорида қайд этилган ҳар бир предмет муайян китоблар ва уларга ёзилган шарҳлар асосида ўқитилган. Масалан, ислом таълимоти асослари бўйича асосий қўлланма - калом илми Насафийнинг XII асрда ёзилган "Ақоид" асари бўлган, бу қўлланма унга XIV асрда Тафтазоний томонидан тузилган шарҳлар асосида ўрганилган. Фиққ асослари бўйича асосйи қўлланма Бурхониддин Марғинонийнинг тўрт жилдлик "Ҳидоя" асари эди, бу асар ҳам асосан унга битилган шарҳлар асосида ўқитилган.

Таълим жараёнида шунингдек, "Илми Калом", "Илми Фароиз" (мерос ҳуқуқи), "Илми Қироат" китобларини тўла ўрганиб чиқиш талаб этилган. Мерос ҳуқуқини ўрганишда мол-мулкни ҳисоб-китоб қилиш учун риёзиёт (математика)ни ҳам ўрганиш шарт эди.

Мадрасаларда жуғрофия, тариҳ, физика, табиат фанларидан қисқа ва умумий маълумотлар берилган [13, Б.53].

Умуман олганда, мадрасада ўқиш жараёнида тўлиқ ўқув курсини тамомлаш учун талаба жами 137 та дарслик, қўлланма ва шарҳлар тўпламларини ўқиб, ўзлаштириши лозим эди. Уларнинг аксариятини асосий китобларга ёзилган шарҳлар ташкил этар эди[18, Б.222]. Чунки бу даврга келиб, ўқув жараёнида ҳошиячилик, яъни шарҳга шарҳ бериш ва уларни ўрганиш кучайиб кетган эди [15, Б.57]. Ҳошиячилик - китобнинг чекка қисмига, яъни хошиясига матндаги тушунилиши қийин бўлган айрим жумла ва сўзларни шарҳлаб, изоҳ ёзиш маъносини англатган. Ҳошиялар деярли ҳар бир китобга ёзилган [14, Б.128]. Айрим китобларнинг ҳар бирига 10-15 тагача ҳошия ёзилган бўлиб, уларни ўзлаштириш учун мадраса талабалари 7-10 йилгача вақт сарфлаганлар.

Ўша давр замондошлари Абдурауф Фитрат ва Садриддин Айнийнинг қайд этишларича, Бухоро мадрасаларда Амир Музаффар ҳукмронлиги даврига келиб, ўқув жараёнида шарҳ ва ҳошияларга кўп эътибор қаратилганлиги сабабли асосий

фанлар, хусусан Қуръон тафсири ва Хадис илмига эътибор сусайган. Амир Абулаҳад даврида эса бу жараён янада кучайиб, расмий шарҳлар ҳам бутунлай йўқолиб кетган, асосий эътибор китобларга битилган дебоча ва ҳошияларни ўқишга қаратилиб, талаба 18-20 йил давомида Қуръон Тафсири ва Ҳадисларни ҳаттоки кўлга ҳам олмаган [1, Б.188].

Натижада нафақат талаба, ҳаттоки мударриснинг ўзи ҳам асосий китоб қолиб, унга ёзилган шарҳ ва ҳошияларни ўрганишга вақт сарфлаган, натижада Қуръон Тафсири, Ҳадис, Фиқҳ, Усули фиқҳ каби бирламчи манбалар вақт етишмаслиги сабабли ўзлаштирилмай қолган [14, Б.129, 162]. Бу эса, ўз навбатида диний маърифатнинг сусайишига, мутаассибликни кучайишига олиб келган. Бундай ўша даврда мадрасалар ўқув тизимида билимларни сусайишига сабаб бўлган муҳим омиллардан бири эди [14, Б.129, 162]. Ваҳоланки, бу даврга келиб бошқа мусулмон ўлкаларидаги мадрасаларнинг кўпчилигида мударрислар ҳошиячиликдан воз кечган эдилар.

Ҳаттоки араб тили дарсликларида ҳам шарҳ ва изоҳлар катта ўрин эгаллаган. Бошланғич мактабда араб алифбосини ўрганиб олган талаба мадрасада араб тили морфологияси ("сарф"), лексикаси ва синтаксиси ("нахв") ни чуқур ўзлаштириши лозим эди [19, Б.240]. Диний билимлар, хусусан, ислом асослари, шариат қонунларини ўзлаштириш учун асосий тил воситаси бўлган араб тили кундалик турмушда умуман қўлланилмаганлиги сабабли уни чуқур ўзлаштириш саноқли, ўта иқтидорли талабаларни мустасно қилганда, аксарият талабалар учун анча мураккаб бўлган.

Асосий фанлар араб тилида бўлганлиги боис улар луғатлар ёрдамида ўрганилган, бу хол уларни ўзлаштириш жараёнини янада мураккаблаштирган. Бундай шароитда шариат қонунларини чуқур ўзлаштириб, уларнинг моҳияти ва амалиёти ҳақида кенг мушоҳада қилиш, назарий билимларни реал ҳаёт билан боғлаш анча мушкул эди. Айнан шу сабабли талабаларнинг кўпчилиги мадрасалардаги ўқишни якунлаш учун йиллаб умрларини сарфлаганлар ёки уни муваффақиятли якунлай олмаганлар.

Мадрасадаги ўқув дастуридаги мантиқ, фалсафа, ҳандаса, арифметика каби предметлар бўйича ёзилган дарсликлар ҳам аксарият араб тилида ёзилган бўлиб, улар ҳам луғатлар ёрдамида ўрганилган. Бу холатларни барчаси таълим жараёнини янада мураккаблашиши ва чўзилиб кетишига сабаб бўлган.

Ўша давр зиёлиларининг таъкидлашича, мадраса таълим тизимида ўқув соатларининг катта қисмини ҳошиячилик, шарҳлар эгаллаганлиги туфайли бошқа фанлар, хусусан, дунёвий фанларга эътибор берилмай, соатлар қисқариб борганлиги [20], араб тилига катта ўрин ажратилган холда, она тили грамматикасини умуман ўргатилмаслиги, асосий фанлар араб тилида луғат орқали ўзлаштирилиши энг катта муаммолардан бири эди.

Мадрасаларда бу муаммолар кун тартибига таълим тизимини ислоҳ қилиш ғояларини сура бошлади. XIX аср бошларидаёқ бир қанча мударрислар мадрасаларидаги ҳошиячилик ва шарҳ каби фойдасиз фанларни ўқитмаслик, кўпроқ ҳадис, ислом тарихи каби фанлар билан бир қаторда, дунёвий фанларни ҳам ўқитиш кераклигини талаб қилиб чиқа бошладилар.

Бухорога Қозондан ташриф буюриб, нақшбандия - мужаддадия тариқатининг машҳур шайхларидан таҳсил олган татар уламоси Абу Носир ал-Курсавий ана шундай ташаббус билан чиққан илк уламолардан бири эди[21]. Абу Носир ал-

Курсавий 1808-1809 йилларда Бухоро амири Амир Хайдар ҳузурида бўлган уламолар мажлисида ўз қарашларини қатъият билан ҳимоя қилади ва бунинг учун дахрийликда айбланиб, тутқунликка маҳкум этилади. Қисқа фурсатда Бухородаги мударрис устозларининг талаби билан озодликка чиқарилган Абу Носир ал-Курсавий Қозонга қайтиб кетади.

XIX асрнинг 30-40-йилларида Бухоро, Самарқанд мадрасаларида таҳсил олиб, араб, форс тилларини, Шарқ фалсафаси ва тарихи, астрономия ва математикани чуқур ўрганган яна бир татар уламоси - Шахобуддин Маржоний Абу Носир ал-Курсавийнинг ислоҳотчилик ғояларини давом эттириб, мадрасаларда таълим тизимини ислоҳ қилиш дастурини ишлаб чиқади [21]. Шаҳобуддин Маржоний дастурида мадрасалар ўқув курсларида ҳошиячилик ва шарҳларга бағишланган дарсларни қисқартиш, уларнинг ўрнига Қуръони Карим, ҳадислар таржимаси, ислом тарихи каби дарсларни киритиш, арифметика, география, табобат, геометрия, мантиқ, фалсафа ҳамда бошқа дунёвий фанларни кенгроқ ўқитиш каби таклифлар илгари сурилган эди. Аммо мазкур таклифлар консерватив руҳдаги уламолар ва амир ҳукумати томонидан тан олинмай, уларнинг кескин қаршилигигадуч келди ва ўз вақтида инобатга олинмади.

XX аср бошига келиб ҳам, анъанавий таълим тизимида ўқув жараёнида хошиячилик хамон катта ўрин тутар эди. Ўқув соатларининг катта қисмини ҳошиялар, шарҳлар, яъни ислом асослари ҳақидаги дарсликларга турли муаллифлар томонидан турли даврларда ёзилган изоҳ ва тушунтириш эгаллади. Бунинг ҳисобига нафақат дунёвий, балки диний йўналишдаги асосий предметлар соатлари ҳам қисқариб кетди [22]. Бу ҳолат илғор зиёлилар томонидан кескин танқидга учрасада, мутаассиб уламолар ҳар қандай хеч бир янгиликка йўл бермадилар.

Бироқ, қаршиликларга қарамай, мамлакатдаги айрим мударрислар, хусусан Абдуллахон мадрасасининг мударриси Домла Нажмиддин, Саройи Ғишт мадрасаси мударриси ҳошиячиликдан воз кечиб, ушбу мадрасаларда Тафсири Қуръон ва Ҳадис фанларидан сабоқ бера бошлаганлар [23]. Туркистон маърифатпарварлари замонанинг ҳар бир илғор кишиси, энг аввало, ўз маданиятини англаш учун она тилини, ислом дини, маданияти ва адабиётни ўрганиш учун эса араб-форс тилларини, шунингдек, дунёвий янгиликлар ҳамда илм-фан ютуғларини билиб бориш учун рус тили ва Европа тилларидан бирини яхши билиши лозим, деган даъват билан чиқдилар [24].

Лекин мутаассиб уламолар ва консерватив кучлар қаршилиги туфайли бу ғоялар амалда кенг қулоч ёза олмади. Шунга қарамай, Бухоро, Самарқанд, Хива, Қўқон шаҳарларида сақланатган кутубхоналардаги катта илмий мерос,бу шаҳарларда шаклланган адабий муҳит, илмга чанқоқлик шароитида мадрасани битирган иқтидорли ва илғор фикрли талабалар ўз устиларида мустақил ишлаб, ислом оламидаги ислоҳотчилик ҳаракатлари таъсирида ўз даврининг йирик мутафаккирлари - Маҳмудхўжа Беҳбудий, Абдурауф Фитрат, Ибрат каби ўнлаб маърифатпарварлар зиёлилар етишиб чиқдилар ва бошланғич таълим тизимида ислоҳотлар амалга оширила бошланди.

Хулоса қилиб айтганда, XX аср бошида Ўзбекистонда анъанавий маданий ҳаётнинг муҳим йўналиши ҳисобланган таълим тизими замон талабларидан ортда қолиб, ислоҳотлар ўтказиш эҳтиёжи кучайиб борди. Аммо янгилик билан эскилик, тараққийпарварлар билан мутаассиб кучлар ва мустамлакачилар ўртасидаги кескин зиддиятлар ва тўқнашувлар бу жараёнларга жиддий тўсиқ бўлди.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Айний С. Асарлар. 1-жилд. - Тошкент, 1963. - Б. 188.
2. Айний. С. Асарлар. 5-жилд. Тошкент, 1965. - Б. 200.
3. Айний С. Асарлар. 6-жилд.Тошкент, 1965. -Б. 54.
4. Бендриков К.Е. Очерки по истории народного образования в Туркестане 1865-1924 гг. Москва: "Наука", 1960. -С.53-54.
5. Вамбери Г. Путешествие по Средней Азии. -С.179-181.
6. Гейер И.И. Туркестан. Ташкент, 1909. -С.25.
7. Гиршфельд, Галкин. Военно-статистическое описание Хивинского оазиса. Ч. II. - Ташкент, 1903. С. 137.
8. Зиёев Х. Ўзбекистон мадрасалар ватани. Тошкент. 2013.
9. КеренскийФ. М. Наши учебные заведения: Медресе Туркестанского края // Журнал Министерства народного просвещения, 1892, № 11.
10. Гейер И.И. Туркестан. Ташкент, 1909. -С.25.
11. Остроумов Н.П. Исламоведение // Введение в курс исламоведения. - Ташкент, 1914. -С. 167.
12. Павловский Е.Н. Очерки Самаркандской области. (С рисунками в тексте) // Туркестанский сборник. Т.554. Ташкент, 1915. -С.53.
13. Павловский Е.Н. Очерки Самаркандской области. (С рисунками в тексте) // Туркестанский сборник. Т.554. Ташкент, 1915. -С.53.
14. Фитрат А. Мунозара // Шарқ юлдузи. 1997. № 1. -Б. 128, 162.
15. Фитрат А.Танланган асарлар. 1-жилд. - Тошкент, - Б. 57.
16. Фитрат А. Танланган асарлар. 4-жилд. - Тошкент, 2006. -Б. 336.
17. Ханыков А. Описание Бухарского ханства. - СПб., 1848. -С.88.
18. Ханыков Н. Описание Бухарского ханства. - СПб., 1843. -С.222.
19. Наливкин В. Что даёт среднеазиатская мусульманская школа. -С.240.
20. Ниёзий Ражабзода. // Ойина. 1914, № 38.
21. www.islomqomusi.info
22. Ойина. 1914. № 38.
23. Ойина. 1914. № 17.
24. Бехбудий М. Тил масаласи // Ойна. 1915. № 11, 12. Б. 274-277, 306-311.

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ
LOOK TO THE PAST
ЎТМИШГА НАЗАР

Шадманова Санобар Базарбаевна,
Тарих фанлари доктори, профессор
ЎзР ФА Тарих институти

Д.ПАЛИЕНКО ВА МАҲАЛЛИЙ ХОТИН-ҚИЗЛАР УЧУН МЎЛЖАЛЛАНГАН ДОЯЛАР ТАЙЁРЛОВЧИ МАКТАБ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДАГИ МУНОЗАРАЛАР

http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2019-1-3

АННОТАЦИЯ

Мақолада XIX аср охирида Туркистонда европача тиббиёт муассасаларининг вужудга келиши, айниқса, аёлларга тиббий ёрдам кўрсатилиши ҳамда маҳаллий аҳолидан доялар тайёрлаш мактабини ташкил этишга уринишлар, унда аёл ва эркак шифокорлар иштироки, уларнинг қарашларидаги ўзига хосликлар ҳақида фикр юритилади.

Калит сўзлар: Хотин-қизлар, тиббиёт, амбулатория, шифохона, шифокор, доя, туғруқ, саломатлик

Шадманова Санобар Базарбаевна,
Доктор исторических наук, профессор
Институт истории АН Р Уз

Д.ПАЛИЕНКО И ДИСКУССИИ ОБ ОБРАЗОВАНИИ ШКОЛЫ ДЛЯ ПОВИТУХ ИЗ МЕСТНЫХ ЖЕНЩИН И ДЕВУШЕК

АННОТАЦИЯ

В статье рассуждается вопросы о возникновении европейских медицинских учреждений в Туркестане в конце XIX в., особенно, об оказании медицинской помощи женщинам и попытки организации школы повитух из местного населения, участия в них женщин и мужчин врачей, особенности в их взглядах.

Ключевые слова: женщины, медицина, амбулатория, больница, врач, повитуха, роды, здоровье

Shadmanova Sanobar Bazarbaevna,
Professor, Doctor of Historical Sciences
Republic of Uzbekistan Academy
of sciences Institute of History

D.PALIENKO AND DISCUSSIONS ABOUT THE EDUCATION OF THE SCHOOL FOR THE MIDWIVES OF LOCAL WOMEN AND GIRLS

ANNOTATION

The article discusses questions about the emergence of European medical institutions in Turkestan at the end of the XIX century, especially about providing medical care for women and attempts to organize

amidwife school from the local population, participation of women and men doctors in them, especially in their views.

Key words: women, medicine, dispensary, hospital, doctor, midwife, childbirth, health

XIX асрнинг охири - XX аср бошларида Туркистонда аёлларга тиббий ёрдам кўрсатиш катта муаммолардан бири ҳисобланган. Туркистонда аёллар учун очилган махсус биринчи тиббий муассаса Тошкент шаҳрида 1883 йилда очилган эди. Шу йили Тошкентдаги Меҳр-мурувват жамияти Туркистонда комиссия тузади ва унга ушбу жамият қошидаги туғруқхона ҳузурида маҳаллий аҳоли учун доялар мактаби ташкил этиш масаласини муҳокама қилади[1].

Туркистон округи ҳарбий-тиббий инспектори 1884 йилда Тошкентдаги маҳаллий хотин-қизлар ва болалар амбулаториясини кенгайтириш масаласини кўтаради. Мазкур муаммони кўриб чиқиш учун Сирдарё вилояти шифокори Э. Околов раислигида, шифокорлар Бредов, Батиршин ва Гундиус, Послависка ҳамда Мандельштам иштирокида комиссия барпо этади[2]. Ушбу комиссия маҳаллий хотин-қизлар ва болалар амбулаторияси қошида туғруқхона ташкил этиш лойиҳасини ишлаб чиқади. 1885 йилда ушбу лойиҳа Туркистон генерал-губернаторига тақдим этилади. Аммо, қўллаб-қувватланган лойиҳа земство маблағи бўлмагани туфайли уни амалга ошириш кейинга қолдирилган. Шундай вазиятда 1886 йилда ҳарбий-тиббий инспектор тиббиёт фанлари доктори И.П.Суворов яна бир бор ушбу шифохонанинг шаҳар маблағи ҳисобидан кенгайтириш ҳақида илтимоснома билан мурожаат қилади. Сирдарё вилояти ҳарбий губернатори генерал-лейтенант Гродеков томонидан янги комиссия тузилади ва унинг таркибига вилоят шифокори Э.Околов, шифокор Бредов, аёл шифокорлар ва шаҳар бошлиғи Путинцев киритилади. Комиссия ушбу шифохонада туғруқхона билан бирга доялар мактаби очиш лойиҳасини ишлаб чиқади ва уларни шаҳар маблағи ҳисобига таъминлашни таклиф этади. Тошкент шаҳар думаси бу таклифни қўллаб-қувватлайди, аммо, уни бажаришни маблағ етишмаслиги туфайли ҳозирча амалга ошириб бўлмайди, деган хулосага келади. 1889 йилда Сирдарё вилояти ҳарбий губернатори олдида Тошкент шаҳар бошлиғи Путинцев яна маҳаллий хотин-қизлар ва болалар амбулаторияси қошида туғруқхона ҳамда унинг қошида доялар мактаби очиш масаласини қўяди. Лекин, бу масала маблағ етишмаслиги туфайли амалга ошириб бўлмаслиги таъкидланади.

Аммо, ечимини топмаган бу масала 1891 йилда Тошкент шаҳар думаси аъзоси А.П.Панкратьев томонидан яна кўтарилади, у Тошкентнинг "эски" шаҳар қисмида туғруқхона ташкил этиш лойиҳасини шаҳар бошқармасига топширади. Шаҳар думаси 1891 йил 18 декабрида мазкур лойиҳани кўриб чиқиш учун комиссия ташкил этади. А.Панкратьев лойиҳасида Тошкентдаги Меҳр-мурувват жамияти қошидаги туғруқхона ҳузурида 5 нафар русийзабон ўқувчи таълим оладиган доялар мактаби ташкил этиш, амбулаториялар қошида эса 5 ўринли туғруқхона ва маҳаллий аёллар ва болалар ётиб даволанадиган 5 ўринли жой ҳамда 20 нафар ўқувчи таълим оладиган доялар мактаби ташкил этиш таклиф қилинади, бу ишларнинг ҳаммаси учун шаҳар маблағидан 5000 рубль сўрайди. Ушбу лойиҳани қўллаб-қувватлаган шаҳар думаси маҳаллий хотин-қизлар ва болалар амбулаториясида ётиб даволанадиган иккита бўлим, бири туғруқхона ва бошқаси бемор аёллар ва болалар бўлими ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилади. Дума йилига унинг харажатлари учун 5880 рубль ажратишни тасдиқлайди. 1892

йил 27 майда дума лойиҳани тасдиқлагандан сўнг[2]ушбу шифохонани қайта ташкил этиш ҳақидаги илтимоснома Сирдарё вилояти ҳарбий губернаторига тақдим этилади.

1893 йилда Тошкент шаҳар думасида Тошкентнинг "эски" шаҳар қисмида туғруқхона ташкил этиш тўғрисида Тошкент Меҳр-мурувват жамияти қошидаги туғруқхона мудири Д.Палиенко маъруза қилади. Ушбу маъруза 1893 йил 25 августида "Туркестанские ведомости" газетасида чоп этилади[3], кейинроқ у алоҳида рисола шаклида чоп этилиб, шаҳар думаси аъзоларига тарқатилади. Унда доктор Палиенко ўзи мудирлик қилаётган туғруқхонада маҳаллий хотин-қизлар учун мўлжалланган доялар тайёрловчи мактаб ташкил этишни тавсия қилади. Доктор Палиенконинг лойиҳаси кучли баҳс-мунозарага сабаб бўлади. Айниқса, "Туркестанские ведомости" газетаси саҳифаларида аёл шифокорлар Кор-де-Лас[4] ва Мандельштам[5]Д.Палиенко лойиҳасини танқид қилиб, шаҳар думасида тасдиқланган А.Панкратьев лойиҳасини ҳимоя қилганидан сўнг бу баҳслар янада кучайиб кетади.

Шаҳар думаси тасдиқланган лойиҳа мавжуд бўлса-да, Д.Палиенко лойиҳасини муҳокамага қабул қилади, аммо кейинчалик Д.Палиенконинг лойиҳасини муҳокама қилишдан бош тортади ва Меҳр-мурувват жамияти қошидаги туғруқхона ҳузурида маҳаллий хотин-қизлар учун мўлжалланган доялар тайёрловчи мактаб ташкил этиш тавсия қилинади.

Д.Палиенко Меҳр-мурувват жамияти қошидаги туғруқхона дояларни тайёрлаш учун қатор қулайликларга эга эканини алоҳида таъкидлаган, унинг биноси 6 хонадан иборат европача типдаги бино санитария-гигиена қоидаларига тўлиқ жавоб беради, айниқса, туғруқдан кейинги ҳолатга жавоб бериши қайд этилади. Бундан ташқари, у ердаги тартиб-интизом ўқувчиларни ўқитишда қўл келишига ҳам алоҳида эътибор қаратилади. Шунингдек, Д.Палиенкодан ташқари у ерда акушерка, уч нафар шифокор ва уч нафар акушерка-экстерн фаолият юритган. Бир йилда ушбу туғруқхона 200 нафар аёлга тиббий ёрдам кўрсатиши ҳам ҳисобга олиниши ҳам таъкидланган, яъни ўқувчилар учун амалиётни ўташ имкони кенгилигига эътибор қаратилган.

Д.Палиенко дояликка ўқишни хоҳиш билдирган хотин-қизлар орасидан фақат 4 нафарини туғруқхонага олиш ва биринчи навбатда доялик қилиб юрган аёлларни ўқишга қабул қилиш таклифини илгари сурган. Уларнинг вазифаси ҳамшираларбажарадиган вазифалардан иборат бўлиши керак, туғруқ жараёнида ва хирургик операцияларда иштирок этиш ҳамда ёрдам бериш орқали улар керакли маҳоратни эгаллаши, кейинчалик тажрибали акушерлар раҳбарлигида мустақил туғдириш натижасида ўқувчиларни акушерлик усулларини эгаллаш имконини бериши таъкидланади. Д.Палиенко томонидан доялик мактабида ўқишни хоҳлаган 17 нафар аёлнинг рўйхати тақдим этилади:[1].

ГазисаГуснутдинова, 35 ёш;
In the territory of Kafiristan there live different tribes: Prasuna, Vaygal, Ashkuna, Kati and others. About an origin the Kafir'stribersexists various opinions. For example, A. Garritskiy writes that Kafirs"□ are undoubted Arias and, if to judge on their language, borrow there can be an average between Hindus and Iranians" [4]. N.Vavilov holds the same opinion: on shape they extremely remind Arias. Usually color of their skin is dark, but also groups meet white skin, a fair hair and light eyes [5] here. A.Gryunberg [6] and G.Robertson [7] write that some Kafir's tribes consider that they occurred from Arabs. That Kafirs -Kati are inclined to build themselves to the Arabs' tribes of Kurayshes report Burnes [8] and Biddulph [9]. According to Herrlich [10], a tribe Kam attributes only to himself an origin from Kurayshes, and call Abu-Gil the primogenitor, separating themselves from Kafirs-Kati; in turn the last do the same in relation to Kams. Gryunberg besides Abu Gil provides the story of inhabitants about Alexander the Macedon's campaign: "When Alexander the Great with a campaign came, he took away our many people by force with himself to India. When he died, his military leaders released our people and all of them came back home..."[7].

Most likely, Kafir's legends and giving about Alexander campaign to India and the subsequent advance the Dards' tribes (Pasha) which were mixed often withKafirs, and singularity of the social, economic device of Kafirs, their peculiar life gave a reason to consider to surrounding Muslims, and through them to the first European researchers that Kafirs are descendants of soldiers of Alexander of Macedon [12].

There are also other versions. Akbar's historiography AbulFazl believed that Kafir's tribes were lineal descendants of Greek-Macedonian soldiers of Alexander. Burnes[13] however, opposed this version because it became known - the religion of Kafirs dominating once reminded not only Hinduism and Zoroastrianism, but also Ancient Greek paganism. The Afghan researcher Garzay, by origin from a tribe Kati, under the name "The Nuristan" provides very interesting and valuable data on Kafirs in the article. He writes that some researchers believe that Kafirs occurred from Hindus and Arias of the East Afghanistan, who in the XII century refused to accept Islam and moved on the territory of Kafiristan. They professed Christianity, but assimilations with aboriginals underwent after a while and became pagans. But Garzay categorically denies versions

that Kafir's tribes were descendants of the Arab refugees or that they occurred from Alexander of Macedon's soldiers. On belief of the author of article, Kafirs occurred from Arias. He writes that researches show:

1) Languages and dialects of Kafirs in many respects remind Arias language. "Avesta" testifies to it.

2) Ancient customs and ceremonies of Arias exist and the Nuristan's tribes.

3) A set of Kafirs, as well as Arias, have a fair hair, an athletic camp, blue eyes, a high forehead, white skin and big nose□

Also data that some sports, such as a throwing a kernel, throwing of a spear meeting at the Olympic competitions are provided.

They have the Greek profile of the person, in life they have a table, a chair, a frying pan□ That is why some European considered them as descendants of troops of Macedon. But the author hold other opinion. He disproves this version and claims that Nuristan'stribes lineal descendants of Arian tribes. A fair hair and white skin, the author , result of influence on the Kafir'stribes of the nature of Kafiristan, good climate and clean air considers [12].

As we see, there are many hypotheses of an origin the Kafir's tribes. This problem is still insufficiently investigated and a lot more laborious works and researches in this area demand. Thus, the Nuristan's tribes which remained up to now in remote regions of East Hindu Kushrepresent a great interest for researchers of various profile: historians, sociologists, geographers, ethnographers□ As studying of these tribes, can give the answer to a number of the questions connected with moving of tribes, interactions with the next people and tribes and also to the questions connected with economic and social situation of Kafirs.

Literature:

1. Абаева Т.Г. Малочисленные народы Памира-Гиндикушского региона Афганистана вXIX - начале XXвв. Док.дисс. (на правах рукописи). Ташкент - 1990

2. Биддельф Дж. Народы, населяющие Гинду-Куш. Сочинение политического агента в Гильгите. Асхабад - 1886

3. RobertsonG.S. TheKafirs of Hindu-Kush. London - 1896

4. Гаррицкий А.Л. История Афганистана - ИМВ: вып.VI . Москва - 1923 (на правах рукописи)

5. Вавилов Н.И. Земледельческий Афганистан - изб.труды II. Москва Ленинград - 1959

6. ГрюнбергА.Л. Нуристан. Этнографические и лингвистические заметки//СНВ. Вып.10. СредняяиЦентральнаяАзия. Ленинград - 1972

7. РобертсонДж.С. КафирыГинду-Куша. Ташкент - 1906

8. БорнсА. ПутевыезаписискисэраАлександраБорнсав 1836, 1837, 1838 годах. Ч.2. Москва - 1847

9. BiddulphJ. TribesoftheHindiKoosh. Calcutta - 1880

10. HerrlichA. DeutscheimHindukush. BerichtderDeutschenHindukush-Expedition, 1935. Berlin - 1937

11. وکیل غرزی. نوریستان// فرهنگ مردوم (مجله). شماره ۱ سال ششم قوس و جدی ۱۳۶۲

12. Burnes A. On the Reputed Descendants of Alexander the Great, in the Valley of the Oxus. JAS of Bengal - 1833

Балтабаева Манзурахон Мирзажановна,
Андижон давлат университети таянч докторанти

МИКРОКРЕДИТЛАР – ТАДБИРКОР ХОТИН-ҚИЗЛАР ФАОЛИЯТИНИ ЯХШИЛАШ ВА МОЛИЯВИЙ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШНИНГ САМАРАЛИ МЕХАНИЗМИДИР

http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2019-1-9

АННОТАЦИЯ

Мақолада Ўзбекистонда кичик бизнес ва тадбиркорлик соҳасидаги давлат сиёсатининг янги босқичи, хотин-қизларнинг бизнесдаги молиявий аҳволи ва уларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш борасидаги ислоҳотлар архив материаллари, ҳукумат қарорлари асосида таҳлил этилган.

Калит сўзлар: ҳаракатлар стратегияси, микрокредит, "ҳар бир оила тадбиркор" дастури, Кафолот жамғарма, инновация.

Базарова Муслима Махмудовна,
Старший преподователь кафедры История Узбекистана
Узбекский государственный университет мировых языков

МИКРОКРЕДИТЫ – ЭФФЕКТИВНЫЙ МЕХАНИЗМ УЛУЧШЕНИЯ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ И ФИНАНСОВОЙ ПОДДЕРЖКИ ЖЕНЩИН ПРЕДПРИНИМАТЕЛЕЙ

АННОТАЦИЯ

В статье на основании правительственных решений и архивных материалов, дан широкий анализ новомого этапа в политике Узбекистана в сфере малого бизнеса и предпринимательства, участия женщин в бизнесе и их финансовое положение, их социальная поддержка.

Ключевые слова: стратегия действий, микрокредит, программа "Каждая семья предприниматель", Гарантийный фонд, инновация.

Baltabaeva Manzurahon Mirzajonovna,
Basic Doctoral Student Andijan State University

THE MICROCREDITS ARE THE EFFICIENT MECHANISM OF BUSINESSWOMEN'S CAREER AND SOCIAL SUPPORT

ANNOTATION

The article analyzes state polisy in the new phase of micro-business and prudence, the financial condition of women in the world of business and modifications on their social support through archive materias and govemment resolutions.

Keywords: actions strategy, microcredit, the program "every family businessman", Guarantee-fund, innovation.

Истиқлолнинг дастлабки йиллариданоқ Ўзбекистон давлат сиёсатида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш стратегик вазифа сифатида белгиланиб, босқичма-босқич қатор ислоҳотлар амалга оширилиб келинмоқда. Дунё тажрибасига назар ташлайдиган бўлсак, иқтисодиётда кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришга катта эътибор қаратилаётганига гувох бўламиз. Бу бежиз эмас, албатта. Жаҳон бозорида бозор коньюктураси ўрта ҳисобда ҳар тўққиз ойда ўзгариб туради[1, Б.15]. Шунинг учун ҳам, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев: "Жаҳон тажрибасини пухта ўрганиб, халқаро экспертларни жалб этган ҳолда, монетар сиёсатни такомиллаштириш ва нарх-наво барқарорлигини таъминлаш концепциясини ишлаб чиқишимиз зарур"[2, Б.4], деб таъкидлагани бежиз эмас.

Кичик ва ўрта тадбиркорлик субъектлари ўз фаолиятини бозор талабига тез мослаштира олади. Бу хол мамлакат иқтисодиётидаги барқарорликни сақлайди. Ўтган давр мобайнида ҳукуматимиз томонидан тадбиркорларни молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш борасидаги тизимли ислоҳотлар натижасида мамлакатимиз банклари томонидан уларга кўрсатилаётган хизматлар сифат жиҳатидан яхшиланиб борди, ажратилаётган кредит турлари ва ставкаларида ҳам ижобий ўзгаришлар амалга оширилиб келинмоқда. Бугунги кунда Республика банклари томонидан ажратилаётган имтиёзли кредитлар сифатидаги микрокредитлар соҳа ривожида муҳим аҳамиятга эга. Микрокредит сўзи (инглизча microcredit) этимологик жихатдан кичик кредит деган маънони билдиради. Микрокредитлар ахолининг камбағал қатламига, кичик тадбиркорлик билан шуғулланувчиларнинг молиявий аҳволини яхшилашлари учун мўлжалланган бўлиб, кўпгина давлатларда ночорларга берилади. Микрокредитлаш тизимининг келиб чиқиш тарихига назар ташласак унинг мохиятини яхшироқ тушунамиз. Микрокредитлар одатий банк кредитларини олишга имконияти бўлмаган одамларга бериладиган кичик миқдордаги кредитлардир.

Микрокредитлаш концепцияси иқтисодиёт фанлари профессори Муҳаммад Юнус томонидан ишлаб чиқилган.. У бангладешлик бўлиб, унинг Ватани Бангладеш дунёдаги энг ночор давлатлардан бири эди. Муҳаммад Юнус АҚШда билим олади ва 1974 йили Ватанига қайтгач, очарчиликка қарши ҳаракатга қўшилади. У ўз фаолиятида амин бўладики, ҳатто энг кам миқдордаги кредит ҳам оч қолмай яшаб қолиш учун камбағалларга хал қилувчи аҳамиятга эга экан. У ўзининг атига 27 доллар бўлган биринчи кредитини бамбукдан мебель тайёрловчи аёлга беради. Муҳаммад Юнус банклар ўзларини кредитларини ўртаҳол тадбиркорларга беришдан манфаатдор эмасликларини тушунади. Чунки бундай тадбиркорларда банк маблағини қайтара олмаслик хавфи кўпроқ. У 1976 йили "Грамин" банкига (инглизча Grameen Bank) асос солади ва унинг банки камбағал бангладешликларга микрокредитлар бериш билан шуғулланади. 1976 йилнинг ўзида унинг банки томонидан камбағалларга жаъми 5 миллиард доллар бўлган 4 миллиондан ортиқ кредитлар берилади. Кредитларнинг банкка қайтишини таъминлаш мақсадида норасмий кредит олувчилар гурухи тузилиб, унинг аъзолари бир-бирини қўллаб-қуватлайдилар. Микрокредит беришга асосланган бундай тизимни ривожлантириш мақсадида Грамин банки уй жойлар қуриш, қишлоқ хўжалик ишлари бўйича тадбиркорлик учун микрокредитлар бера бошлайди.

Микрокредитлаш тизимининг кўпчилик лойиҳалари асосан аёллар учун мўлжалланади, чунки камбағал оилаларнинг кўпчилигини нотўлиқ оилаларда

ташкил этади. Оилани боқиш ёлғиз она зиммасида бўлган бундай оилалар ночорликдан кўпроқ азобланади. Шунинг учун ҳам Грамин банки микрокредитларининг 96 фоизи аёлларга берилади. Микрокредитлаш тизими бугунги кунда жаҳоннинг кўпгина давлатларида, жумладан АҚШда ҳам қўлланилади.

Мустақиллик йилларида тадбиркорларга кредитлар бериш орқали уларни молиявий жиҳатдан қўллаб қувватлаш мақсадида 1993 йили 21 июлда Ўзбекистонда кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришга кўмаклашувчи жамғарма ташкил этилди ва у 1995 йил 26 июлда Бизнес фонд номини олди. Бизнес фонд фаолиятига тадбиркорларни бизнесга ўқитиш бўйича халқаро лойиҳалар ҳам амалга оширилди. Жумладан, шулардан бири унинг иштирокидаги чет эл инвестицияларини жалб этиш буйича умумий миқдори 3 млн. 600 минг экю бўлган бозор кўникмаларини ривожлантириш марказининг (БКРМ)"TACIS" дастури асосидаги лойиҳадир. Бизнес Фонд 1996 йилнинг 1-ярим йилида республиканинг барча вилоятларидан 72 та тадбиркор Англия ва Италияга тажриба алмашишга жўнатилди. 300 дан ортик тадбиркорлар Тошкент, Нукус, Андижон, Бухоро, Наманган, Урганч шаҳарларида икки ҳафталик ўқув курсларида ўқидилар. Бироқ, Бизнес фонд томонидан ажратилган кредитлар тадбиркорларга тўғри йўналтирилмаганлиги, ўз фаолиятларини олиб боришлари учун уларда етарли билим ва кўникмаларнинг бўлмаганлиги натижасида, Бизнес фонд фаолияти 1997 йил июлда тўхтатилди [8, Б.14].

Бизнес фонд томонидан ажратилган кредитлар тадбиркорларга тўғри йўналтирилмади, тадбиркорларда ўз фаолиятларини олиб бориш учун уларда етарли даражада билим ва кўникмалар ҳосил қилинмади. Биргина мисол, Республика бўйича молиявий ночорлиги сабабли жами 26091,1 минг сўм миқдорида кредит олган 36 та корхона, хом ашё йўқлиги сабабли жами 80246,2 минг сўм кредит олган 52 та корхона 1998 1 апрель ҳолатига фаолиятини тўхтатди[9, Б.94]. Фаолият кўрсатмаётганлиги сабабли жаъми 21935,6 минг сўм кредит олган 26 та корхона кредитни кайтариб берди[10, Б.96]. Фаолият кўрсатмаётганлиги сабабли жами 103678 минг сўм кредит олган 59 та корхонанинг иши ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига топширилди (1998 йил 1 апрель маълумот) [11, Б.98].

Жаҳон тажрибасидан келиб чиқиб, республикада 2000 йилда кичик ва ўрта бизнес субъектларига микрокредит ажратиш механизми ишлаб чиқилди ва амалиётга тадбиқ этилди[2, Б.15]. Республика статистик қўмитасининг кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожланишига оид статистик маълумотлари ҳам айнан 2000 йилдан бошланади. Бугунги кунда мамлакатимизда микрокредитлаш тизимидан - хусусий тадбиркорликни ривожлантиришдаги асосий молиявий кўмак сифатида кенг фойдаланилиб келинмоқда. Жумладан, 2006 йил 6 майда Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Микрокредитбанк акциядорлик тижорат банкини ташкил этиш тўғрисида"ги ПФ-3750-сонли фармонига асосан "Микрокредитбанк" акциядорлик тижорат банки ташкил этилди. Республика ҳукуматининг тадбиркорлик субъектларига микрокредитлар ажратиш тизимини ривожлантиришга қаратилган қатор қарор ва фармонлари[12] га асосан кичик бизнес, хусусий тадбиркорлик, ҳамда фермерликни ривожлантириш, якка тартибдаги меҳнат фаолиятини, оилавий бизнес ва касаначиликни фаоллаштириш йўли билан янги иш ўринларини яратиш, айниқса, қишлоқ жойларда аҳоли

кенг қатламларига микромолиявий маблағлар беришни янада ривожлантириш борасида кўпгина ишлар амалга оширилди.

Ўзбекистон Республикаси ҳукумати томонидан 2017-2021 йилларда мамлакатни ҳар томонлама ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси ишлаб чиқилди. Стратегияга асосан республика иқтисодиётни янада ривожлантиришдаги белгиланган вазифаларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ўрнига алоҳида аҳамият берилди. Президент Ш.М.Мирзиёев ташаббуси билан 2017 йил "Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили" деб номланди. Қабул қилинган давлат дастурига асосан республика ҳудудларида, жумладан, шаҳар ва туманларида "Халқ қабулхоналари" очилиб, уларда йиғилиб қолган муаммоларини келиб чиқиш сабабларини ўрганиш ва уларни бартараф этиш мақсадида фуқаролар билан мулоқотлар ўтказилди. Жамият ривожига тўсиқ бўлиб келаётган муаммолар демократик ошкоралик асосида очиб ташланди. Жумладан ,кичик бизнес ва тадбиркорлик соҳасининг ривожига тўсиқ бўлиб келаётган муаммолар тадбиркорлар билан бўлган мулоқотлар жараёнида ўрганилди. Эришилган ютуқлар, йўл қўйилган камчиликлар ҳар томонлама таҳлил қилинди. Президент таъбири билан айтганда, "Энг муҳими, мамлакатимиз иқтисодий сиёсатида нореал рақамлар ортидан қувиш, амалга ошмайдиган хом хаёлларни ҳақиқат сифатида тақдим этишдек номаъқул иш услуби танқидий қайта кўриб чиқилди. Амалий натижадорлик, инсон манфаати ва яна бир бор инсон манфаати ислоҳотларнинг бош мақсади этиб белгиланди" [5]. Бу очиқлик Республика банк тизимида ҳам хизмат кўрсатиш маданиятини талаб даражага кўтариш, фуқароларда, банк тизимига бўлган ишончни таъминлашда ўз ифодасини топди. Аҳолини иш билан бандлигини таъминлаш, аҳолининг кам таъминланган ва ҳожатманд қатламлари даромадларини ошириш муҳим масалага айланди.

2017 йил 31 январда Президент Ш.Мирзиёев "Кичик ва хусусий тадбиркорликни микрокредитлаш тизимини янада кенгайтириш ва соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-2746-сонли қарори бу борадаги ишларни янги босқичга кўтарди. Қарорда микрокредитлар олиш ҳуқуқига эга фуқаролар, кредит миқдори ва фоизлари кўрсатиб берилди. Улар:

- ўрта махсус, касб-ҳунар ва олий таълим муассасалари битирувчилари;
- муддатли ҳарбий хизматдан қайтган жисмоний шахслар;
- меҳнат органларида рўйхатга олинган банд бўлмаган фуқаролар;
- оилавий ва хусусий тадбиркорлик билан шуғулланаётган аҳоли, шунингдек, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари тавсияномалари бўйича ишга жойлашишга эҳтиёжманд бўлган бошқа шахслар.

Микрокредит суммаси - энг кам иш ҳақи миқдорининг 200 баробаригача бўлиб, асосий қарзни тўлашга олти ой муддатли имтиёзли даврни ҳисобга олган ҳолда уч йилгача муддатга берилади. Йиллик фоиз ставкаси миқдорлари: битта иш жойи яратилганда - 9 фоиз, иккита иш жойи - 8 фоиз, учтадан тўрттагача иш жойлари - 7 фоиз, бешта ва ундан ортиқ иш жойлари яратилганда - 6 фоизни ташкил этади[6]. Шу билан бирга бозор ислоҳотларини чуқурлаштириш, замонавий технологик ускуналарни харид қилиш, ички ва ташқи бозорларда харидоргир бўлган рақобатдош маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ўзлаштириш учун тижорат банклари томонидан бериладиган кредитлар олиш имкониятларини кенгайтириш йўли орқали кичик тадбиркорлик субъектларини жадал ривожлантириш учун янада қулай шарт-шароитлар яратиш, бунинг асосида мамлакатни ижтимоий-

иқтисодий ривожлантиришда кичик тадбиркорликнинг ролини ошириш мақсадида Кафолат жамғармаси ташкил этилди[3].

Кафолат жамғарма Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, Молия вазирлиги, Савдо-саноат палатаси, Ўзбекистон Банклар уюшмаси, шунингдек, тижорат банклар ва суғурта ташкилотларининг акциядорлик жамияти шаклидаги жамғармаси бўлиб, акциядорлик жамияти шаклида ташкил этилди. Унинг республика худудларида ҳам филиаллари мавжуд бўлиб, асосий мақсади кичик тадбиркорликни ривожлантиришдан иборат қилиб белгиланди. Кафолат жамғармасининг асосий вазифаларига:

-кичик тадбиркорлик субъектларига янги замонавий технологик ускуналар харид қилиш ва бошқа мақсадларда бериладиган тижорат банклари кредитларининг гаров билан қопланмаган қисмини таъминлаб бериш;

-тижорат банкларидан кредитлар олиш шартлари бўйича кичик тадбиркорлик субъектларига маслаҳат ёрдамлари кўрсатиш;

-юқори технологияли ва инновациявий ишлаб чиқаришларни ташкил этиш ва кенгайтиришда кичик тадбиркорлик субъектларига кўмаклашиш;

-таъминот берилган лойиҳаларнинг амалга оширилиши устидан тизимли мониторинг олиб бориш, шунингдек, тижорат банклари томонидан берилган кредитларни ўз вақтида қайтариш ва таъминот сифатида тақдим этилган Кафолат жамғармасининг мажбуриятини қоплашни назорат қилиш;.

-кафолат жамғармасининг ресурс базасини кенгайтиришга халқаро молия институтлари, хорижий фондлар ва банкларнинг маблағларини жалб этиш киради.

Ҳукуматимизнинг соҳа ривожига қаратилган молиявий ислоҳотлари кичик бизнес ва тадбиркорлик соҳасида фаолиятини бошлаётган ва фаолият олиб бораётган хотин-қизларимиз ҳаётида ҳам ижобий ўзгаришлар ясади. Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, "Тадбиркор аёл" ассоциацияси, ЎзЛиДеП "Аёллар қаноти" ўз фаолиятларида ҳукумат қарор ва фармонларини хотин-қизларга етказиш, уларнинг ҳуқуқий билимларини ошириш ва тадбиркорлигини ривожлантиришга моливий кўмак бериш борасида қатор ишларни амалга оширдилар. Ушбу нодавлат нотижорат ташкилотлари томонидан хотин-қизлар тадбиркорлигини ривожлантиришга молиявий кўмаклашишга қаратилган қатор тадбирлар амалга оширилди. Жумладан, ЎзЛиДеП Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитасининг 2017 йил 3 февралдаги 01-08/08-сонли Қарорига асосан "Оилавий тадбиркорликдан - мустаҳкам оилага" номли лойиҳанинг туман (шаҳар) босқичларида 26 660 нафар хотин-қизлар иштирок этиб, республикамиздаги етакчи тижорат банклари томонидан 1137 нафар хотин-қизларга 9 млрд. 909 млн. 570 минг сўм миқдорида кредитлар ажратилди. Бунинг натижасида 4 598га яқин янги иш ўринлари яратилди[13].

"Аёллар қаноти" фаоллари ҳисобланган тадбиркор, фермер хотин-қизлар хонадонма-хонадон юриб кам таъминланган, уйда ўтирган хотин-қизларни тадбиркорлик, фермерлик, ҳунармандлик бўйича фаолиятга жалб этдилар Натижада, 608 нафар хотин-қизларга 4 млрд. 634 млн. сўм миқдорида кредитлар олиб берилди[14].Мамлакат тадбиркор аёлларини қўллаб-қувватлашнинг энг самарали усулларидан бири - уларнинг фаолиятига моддий кўмаклашиш, яъни тадбиркорлик фаолиятларини имтиёзли кредитлар билан таъминлашдир.

2017 йилда "Тадбиркор аёл" ассоциацияси ва "Микрокредитбанк" АТБ ўртасида тузилган ҳамкорлик меморандумига асосан аёллар тадбиркорлигини ривожлантириш учун 10 миллиард сўм имтиёзли кредит ажратилиб, минглаб тадбиркор аёлларимиз ушбу маблағлардан унумли фойдаланиб, ўз бизнесларини ривожлантиришга, юзлаб янги иш ўринлари ташкил қилишга муваффақ бўлдилар.

Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитасининг "Тадбиркор қизнинг энг яхши лойиҳаси-2017 йил" ҳамда "Маҳалланинг энг намунали тадбиркор аёли" танловлари бўйича банк тузилмалари томонидан касб-ҳунар коллежлари битирувчиларининг тадбиркорлик фаолиятларини ташкил этиш, уларнинг ўз бизнесларини йўлга қўйишлари ҳамда тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ лойиҳаларини молиялаштириш учун 11 млрд.сўм миқдорида имтиёзли микрокредитлар ажратилди[6].

"Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили"да "Ҳар бир оила -тадбиркор" дастурини амалга ошириш тўғрисида" Ўзбекистон Республикаси Президентинг 2018 йил 7 июндаги ПҚ-3777-сонли қарори[16] га асосан имтиёзли микрокредитлар ажратиш кўлами янада кенгайтирилди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва оила институтини мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида" 2018 йил 2 февралдаги ПФ-5325-сонФармонини ижросини таъминлаш мақсадида Вазирлар Махкамасининг қарорига асосан Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги "Оила" илмий-амалий тадқиқот маркази муассислигида Хотин-қизларни ва оилани қўллаб-қувватлаш жамоат фонди ташкил этилди.

Жамоат фондининг асосий вазифалари хотин-қизларни ва оилани ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, шу жумладан, оғир ижтимоий аҳволга тушиб қолган хотин-қизлар ва оилаларга, ногиронлиги бўлган аёлларга моддий ёрдам кўрсатиш, имтиёзли кредитлар бериш, хотин-қизларга оилавий ва хусусий тадбиркорлик, ҳунармандчиликни ташкил этишда, меҳнат бозорида талаб юқори бўлган касблар бўйича билим ва кўникмаларни эгаллашда ёрдам беришдан иборат.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг бу борадаги қарорининг 5-бандида Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси ва "Оила" марказининг асосланган ҳисоб-китобларига мувофиқ ҳар йили 300 млрд. сўмгача бўлган миқдорда ажратиладиган Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети маблағлари, юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳомийлик хайриялари ва қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар Жамоат фонди маблағларини шакллантириш манбалари сифатида белгилаб берилди.

Ҳар қандай давлат ва жамият тараққиётида, айниқса, иқтисодиётнинг таркибий қисми бўлган тадбиркорлик соҳасида хотин-қизларнинг мавқеи муҳим ўринга эга. Шу боисдан, 2014 йилда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти томонидан Халқаро аёллар тадбиркорлиги куни таъсис этилган бўлиб, бу сана ҳар йили 19 ноябрь куни дунё миқёсида, жумладан дунёнинг 144 мамлакатида кенг нишонланади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Халқаро муносабатлар қўмитаси, Олий Мажлисининг Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва ўзини ўзи бошқариш органларини қўллаб қувватлаш қўмитаси, Ўзбекистон Хотин - қизлар қўмитаси ,"Тадбиркор аёл" Ўзбекистон ишбилармон аёллар

ассоциацияси хамкорлигида Республикада 2016 йилдан бошлаб, 19 ноябрни аёллар тадбиркорлиги куни сифатида нишонланиб келинмоқда.

Ҳозирги кунда мамлакатимизда кичик бизнес субъектларининг 120 мингдан зиёдини, хусусан фермер хўжаликларининг 4 минг 550дан ортиғини хотин-қизлар бошқармоқда[3].Дунё миқёсида ижтимоий фойдали меҳнат билан банд бўлган аёллар кўрсаткичи ўртача 53 фоизга тенглиги эса бу борада республиканинг пешқадамлардан бири эканлигини билдиради.

Иқтисодиёт соҳада кенг қамровли ислоҳотлар олиб боришда энг аввало, Президент Ш.Мирзиёев таъбири билан айтганда: "Биринчидан, биз макроиқтисодий барқарорликни ва юқори иқтисодий ўсиш суръатини таъминлашимиз шарт. Иккинчидан, иқтисодиётимиз ривожининг муҳим шарти бўлган фаол инвестиция сиёсатини изчил давом эттирамиз" [4]. Давлатимиз раҳбари ўз маърузасида инвестицияни мамлакатга янги технологиялар, илғор тажрибалар, юксак малакали мутахассислар кириб келишининг асосий шарти дея таъкидлагани бежиз эмас.

Зеро, ижтимоий соҳани янада ривожлантириш учун ҳам, Президентимиз томонидан 2019 йил - "Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили" деб эълон қилиниши кейинги вақтларда мамлакатимизда кенг қулоч ёза бошлаган, тобора куч-қувватга тўлиб бораётган ҳаётбахш ислоҳотларнинг изчил давоми бўлади. Мазкур йилда бажарилиши энг муҳим бўлган долзарб масалалардан бири сифатида Мурожаатномада, хотин-қизлар ва ёшларни давлат томонидан ижтимоий қўллаб-қувватлашни янада кучайтириш лозимлиги таъкидланди. Чунки, бу масала Президент томонидан бироз олдинроқ ҳам кўтарилган бўлиб, хотин-қизлар фаолиятини танқидий баҳолаб, шундай таъкидлаган эди: "Аёллар учун доимий иш жойлари яратиш борасидаги муҳим масала билан бир қаторда, оилавий бизнес, касаначилик, ҳунармандчилик, томорқа хўжалигини кенг ривожлантириш ишлари ҳам оқсамоқда" [1, Б.281]. Бу борада кўрилган амалий чораларга қарамасдан, ҳалигача оғир турмуш шароитида яшаб, иш билан таъминланмаган 13 мингдан зиёд хотин-қизлар борлиги ачинарлидир. Шунинг учун ҳам Мурожаатномада Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ва Хотин-қизлар қўмитаси ҳудудий ҳокимликлар билан биргаликда ана шундай аёлларни иш билан таъминлашга қаратилган дастур ишлаб чиқилиши зарурлиги таъкидланди. Ана шу мақсадларни амалга ошириш учун, Президент Ш.Мирзиёев томонидан "Марказий банк, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри риҳбарларига 2019 йилда турмуш шароити оғир бўлган 1 минг 600 нафар хотин-қизларни имтиёзли кредитлар асосида арзон уй-жойлар билан таъминлаш вазифаси топширилади" [4], деб таъкидланиши ҳам бу борадаги ишларнинг жадал йўлга қўйилаётганлигидан далолат беради. Дарҳақиқат, аҳоли турмуш шароитини яхшилаш, уларнинг иш билан бандлигини таъминлаш ва муносиб турар жой яратиб бериш, халқимиз фаровонлигини ошириш ҳамиша ҳукуматимиз диққат-эътиборида туради.

Ўзбекистон ўз тараққиётининг янги босқичига навбатдаги қадамни ташлади. Бу қадам жамият ҳаётида инновация, инвестиция ҳамда модернизация йўналишларидаги ва айни пайтда ижтимоий соҳадаги ривожланиш янги босқичга кўтарилади. Ушбу залворли қадам халқимиз орзу-умидларини чин маънода рўёбга чиқарадиган нурафшон манзилларга элтишига ишончимиз комил.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Шавкат Мирзиёев. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. 1-жилд. - Тошкент: Ўзбекистон, 2017. - Б.281.

2. И.Каримов. Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз. Тошкент:Ўзбекистон, 2001. - 9-том. - Б.15.

3. "Кичик тадбиркорликни ривожлантириш кафолат жамғармасини ташкил этиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ-2768 сонли қарори. "Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 йил 20 февраль, 7-сон, 85-модда.

4. "Тадбиркор аёл" ассоциациясининг 2017 йил жорий архиви маълумоти.

5. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси//Халқ сўзи, 2018 йил 29 декабрь.

6. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг Халқаро хотин-қизлар байрамига бағишланган учрашувидаги нутқи//Халқ сўзи, 2018 йил 8 март, 10(748)-сон.

7. Ўзбекистон хотин қизлар қўмитасининг - танловлари бўйича 2017 йил 19 май ҳолатига ҳисоботи жорий архив маълумоти.

8. "Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 йил 13 февраль, 6-сон, 71-модда.

9. ЎзРМДА М-67. 1-руйхат, 118-йигма жилд, Бизнес Фонд вилоят бошқармалари бўлимларининг тугатилиши ҳакидаги ҳужжатлар (буйрук карор далолатнома),14-варақ.

10. ЎзРМДА, М-67, 1-руйхат, 41-йигма жилд, 94 -варақ.

11. ЎзРМДА, М-67, 1-руйхат, 41-йигма жилд, 96 -варақ.

12. ЎзРМДА, М-67, 1-руйхат, 41-йигма жилд, 98 -варақ.

13. 2008 йил 10 ноябрдаги "Микрокредитбанк" акциядорлик-тижорат банкининг тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш борасидаги фаолиятини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПФ-4051 сонли, 2010 йил 28 июлдаги ПФ-4232 сонли "Таълим муассасалари битирувчиларини тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ва 2004 йил 25 майдаги ПФ-3434-сонли "Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони.

14.ЎзЛиДеП " аёллар қаноти"нинг жорий архив маълумоти.

15.ЎзЛиДеП жорий архив маълумоти

16.https//ru.m.wikipedia.org. интернет маълумоти

17."Халқ сўзи" газетаси, 2018 йил 8 июнь. - Б.2.

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ
LOOK TO THE PAST
ЎТМИШГА НАЗАР

Расулова Дурдона Бахроновна
Самарқанд давлат университети тадқиқотчиси

МАРКАЗИЙ ОСИЁДАГИ ИНГЛИЗ-РУС РАҚОБАТИ МАСАЛАЛАРИНИНГ ФРАНЦУЗ ТАРИХШУНОСЛИГИДА ЎРГАНИЛИШИ

http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2019-1-10

АННОТАЦИЯ

Мазкур мақолада XIX аср иккинчи ярми ва XX аср бошларида Марказий Осиёдаги инглиз-рус ракобати таҳлили келтирилган. Минтақадаги инглиз-рус рақобатининг турли сабаблари ва хонликларнинг истило қилиниши масалалари ўз аксини топган. Мазкур даврнинг энг долзарб масалаларидан бири мустамлакачилик тизими ҳақида француззабон тадқиқотчилар томонидан билдирилган фикр ва мулоҳазалар таҳлил қилинган. Айни вақтда, рус мустамлакачилик тизимининг хорижий ва маҳаллий даврий матбуотдаги0 талқини ҳам келтирилган.

Таянч сўзлар: Туркистон, Марказий Осиё, тадқиқотлар, инглиз-рус рақобати, мустамлакачилик тизими, ташқи алоқалар.

Расулова Дурдона Бахроновна
Соискатель Самаркандского государственного университета

ИЗУЧЕНИЕ ВО ФРАНЦУЗСКОЙ ИСТОРИОГРАФИИ ВОПРОСЫ АНГЛО-РУССКОГО СОПЕРНИЧЕСТВО В ЦЕНТРАЛЬНОЙ АЗИИ

АННОТАЦИЯ

В данной статье раскрываются французские исследования обангло-русское соперничество в Центральной Азии второй половине XIX и начало XX века. А также, анализируются разные причины англо-русское соперничество и вопросы завоевания среднеазиатских ханств. Так как самым актуальным проблемой этого периода является колониальная политика, в статье оно освещается в разных ракурсах. В частности, приводиться анализ русской колониальной системы в отечественной и зарубежной печати

Ключевые слова: Туркестан, Центральная Азия, исследования, англо-русское соперничество, колониальной системи, внешние связи.

Rasulova Durdona Bakhronovna
Samarkand State University, researcher

STUDY OF THE ANGLO-RUSSIAN RIVALRY IN CENTRAL ASIA IN FRENCH HISTORIOGRAPHY

ANNOTATION

This article reveals the French studies of the Anglo-Russian rivalry in Central Asia in the second half of the XIX and the beginning of the XX century. And also, different reasons of Anglo-Russian rivalry and questions of conquest of the Central Asian khanates are analyzed. Since the most urgent problem of this

period is the colonial policy, the article highlights it from different angles. In particular, the interpretation of the Russian colonial system in the domestic and foreign press is given

Key words: Turkestan, Central Asia, research, Anglo-Russian rivalry, colonial system, external relations.

XIX аср иккинчи ярми ва XX аср бошларида Туркистон ўлкаси ва унга боғлиқ масалалар жаҳон миқёсида долзарб аҳамият касб этган. Францияда ҳам ўлкага нисбатан алоҳида эътибор қаратилиб, тадқиқотчилар томонидан олиб борилган изланишлар натижалари мунтазам равишда даврий матбуот саҳифаларида эълон қилинган ва асарлар чоп этилган. Мазкур манбалар таҳлили Туркистон тарихи ва сиёсий ҳаётининг европаликлар томонидан ҳайратланарли даражада кўп ўрганилганлигини кўрсатмоқда.

XIX аср иккинчи ярми - XX аср бошларида Марказий Осиё халқаро майдонда фаол мавқега эга бўлиб, минтақада инглиз-рус рақобати тобора кучайиб борган. Ушбу даврнинг оламшумул воқеалари дунё тарихида ва ғарб адабиётларида "Катта ўйин" ("Great (Grand) Game") атамаси орқали ифодаланиб, унда дунё етакчи давлатлари манфаатларининг тўқнашуви акс эттирилган.

Минтақада ҳукмронлик ўрнатиш учун бўлган инглиз-рус рақобати Марказий Осиёни руслар томонидан босиб олиниш жараёнини тезлаштирди. Акс ҳолда инглизлар Афғонистон ва Ҳиндистонда ўз позицияларини мустаҳкамлаб олиш учун Марказий Осиёдан плацдарм сифатида фойдаланиш имкониятини қўлдан чиқармас эди. Бу масала ўша давр француз тадқиқотчиларининг нашрларида ҳам ўз аксини топган эди [1].

Россия империясининг ҳарбий ҳаракатлари натижасида Туркистон уларга тобеъ ҳудудга айланди. Рус ҳукуматининг Францияга нисбатан хайрихоҳлиги француззабон тадқиқотчилар учун Туркистонни янгидан кашф этилишига сабаб бўлди. Французлар Марказий Осиё минтақасини энди Ўрта Осиё ибораси билан эмас, асосан "Рус Туркистони" ("Le Turkestan russe"), - деб атай бошладилар. Бу уларнинг нашрларида ҳам ўз аксини топган [5].

Инглиз-рус рақобати ва хонликларнинг босиб олиниши муаммолари ўзига хос геополитик мақсадлар асосида олиб борилганлиги сабабли, ушбу масала тадқиқига сиёсий жараёнлар муаммолари асосида ёндашиш зарур. Бунда тадқиқот олиб борган муаллифларнинг фикрларини холисона баҳолаш талаб этилади.

XIX аср иккинчи ярми ва XX аср бошларида маҳаллий ва хорижий даврий матбуотнинг энг жарангдор мавзуси Марказий Осиё ва унда содир бўлаётган жараёнлар бўлган. Бунинг учун асосий эътибор француззабон нашрлар таҳлилига қаратилса-да, уларни қиёсий таҳлил асосида ўрганиш учун маҳаллий нашрларни ҳам истеъмолга киритиш мақсадга мувофиқдир. Бу эса масалани икки томонлама таҳлил қилишга ва холисона хулоса чиқаришга имкон яратади.

Минтақада инглиз-рус рақобатининг кучайиб бориши масалалари Э.Жонво, Ф.Гренар, Луллие, Ф.Мартенс, Э.Реклю, Л.Болье, О.Диаманти, Дэ-Вогюэ каби тадқиқотчиларнинг изланишлари ва нашрларида ўз аксини топган. Мазкур муаллифлар ўз тадқиқотларида ҳарбий экспансия ва мустамлакачилик тизимининг турли жиҳатларини очиб беришга уринган. Кимдир уни иқтисодий жиҳатдан

келтирган фойдасини ёритган бўлса, бошқа тадқиқотчи русларнинг мустамлакачилик сиёсатини французларнинг шовинистик руҳи нуқтаи назаридан кўкларга кўтариб ёритган.

Тадқиқотчи Элизэ Реклю томонидан яратилган"Янги умумий география" номли кўп жилдли асарнинг 6 қисми Осиё ҳудудларига (Рус Осиёсига) бағишланиб, 1883 йилда рус тилида "Азиатская Россия и среднеазиатская ханства" номи остида таржима қилинган. Асар жуда қизиқарли тартибда ёзилган ва илмий қийматига кўра уни ўша даврдаги сара Европа адабиётлари қаторига киритиш мумкин. Унда айрим хатоликлар ҳам учраса-да, лекин бу Э.Реклю томонидан фойдаланилган асарлар муаллифларининг ҳудудлар ҳақида юзаки билимларга эга эканлигидан далолат беради. Бу ҳақдаги айрим мулоҳазалар даврий матбуот саҳифаларида ҳам қайд этилган.

Э.Реклюнинг фикрича, "Осиё аҳолисига Европанинг таъсири ҳамон ортиб, бу Европанинг қудратли икки рақобатчи давлати - Англия ва Россиянинг қизиқишлари билан белгиланади. Осиёда устунликни қўлга киритишга нафақат Англия ва Россия, балки Хитой ҳам уриниб кўрмоқда. Эртами-кечми шу ҳудуд масаласида кучли рақибга айланади" [6]. Демак, муаллифнинг кўрсатма беришича, бу пайтда Марказий Осиё минтақасидаги "Катта ўйин" Англия, Россия ва Хитой каби давлатлар иштирокида олиб борилган.

XIX аср иккинчи ярми ва XX аср бошларида дунёнинг мазкур етакчи давлатлари ўртасидаги геостратегик манфаатлар тўқнашувида кучлар нисбати қуйидагича изоҳланган: "Бу уч йирик мамлакатлар манфаатларини ҳозирча улкан ҳудудда ястаниб кетган чўллар ажратиб турибди. Ҳарбий жиҳатдан Хитой қолган икки давлатга бўш келади. Шунинг учун яқин келажакда у бу давлатлардан бири билан яқинлашиб олиши даргумон. Хитой урушда ўзининг кўп сонли аҳолиси билан иштирок этиши мумкин. Англияда эса унақа куч йўқ. У фақат ҳиндларнинг ёлланма аскарларидан фойдаланиши мумкин" [6]. Демак, ҳарбий жиҳатдан кучлар нисбати ҳам тенг бўлмаган ва буни атрофдаги Франция каби кутувчи давлатлар яхши тушунган.

Олим Э.Реклю инглиз-рус рақобатини минтақадан ташқарида ҳам давом эттиришни темир йўлларнинг қурилиши билан боғлаб ёритади. Бу унинг қуйидаги асосли фикрларида ўз тасдиғини топган: "Англиянинг асосий мақсади осон ва қисқа муддатда Ҳиндистонгача бўлган масофани боғлаш. Лондондан Калькуттагача бўлган йўл кафолатланмаган бўлиб, ён томондан бўладиган Россиянинг ҳужумидан хавфсирамоқда. Лекин асосийси, темир йўлларнинг Ҳиндиқуш остоналаригача давом эттирилиши, инглизларга ўз ҳарбийларини бир неча ҳафта ичида энг олис ҳудудларда ҳам йиға олиш имконини яратади" [6]. Ушбу фикр асосида геосиёсий кураш майдони кенгайиб борётганлигини англаш мумкин.

Тадқиқотчи Э.Реклю минтақадаги геосиёсий қарашларни тасвирлашда ноодатий таассуротлардан фойдаланган: "Сиёсий, диний ва савдога оид фитналар асосида эртами-кечми ушбу давлатлар ўртасида уруш бошланади. Бундай йирик ўзгаришлар қадимий дунёнинг марказида амалга оширилади. Маданиятли инсонлар ўзларининг келиб чиқишларини боғлаб кўрсатадиган Осиё ҳудудлари Европанинг икки қудратли давлатлари ўртасида сиёсий тўқнашувлар юз берган театрга айланиб

қолади. Ишонч билан айтиш мумкинки, Ҳиндистон ва Осиёнинг ғарбий қисмлари охир-оқибатда Ғарб цивилизациялари таъсирига дучор бўлиши муқаррардир" [6].

Демак, тадқиқотчи Э.Реклю томонидан минтақанинг маданий салоҳияти ва цивилизация намунаси сифатидаги беқиёс ўрни яқин келажакда сиёсий тўқнашувлар юз берадиган майдонга айланиши башорат қилинган ва Марказий Осиёдаги "Катта ўйин" тасвири образли тарзда очиб берилган.

Тадқиқотчи Ф.Гренар (Joseph-Ferdinand Grenard) Марказий Осиёдаги экспедицияси таассуротлари ҳақида Париждаги "Сиёсий фанлар мактаби" талабалари учун сўзлаган нутқида Россия, Англия ва Хитой манфаатларининг айнан шарқий Туркистон ва Тибет ҳудудларида авж олганлигини таъкидлайди [8]. Чунки, шарқий Туркистон ва Тибет Хитой ҳукуматига қарашли бўлганлиги учун ҳам, Россия ва Англия бу ҳудудлардан ўтишда ўзига хос тўсиқларга учраган. Шунинг учун Англия бу соҳада кучли фаолият олиб бориб, 1892 йил Хитой билан, 1895 йил Россия билан трактат имзолашга муваффақ бўлди. Унга мувофиқ Туркистондан Помир орқали Ҳиндистонга ва Ҳиндистондан Қошғарга томон борадиган янги йўлда ҳаракатланишга эришди. Лекин, Тибет масаласида Англия анча кучсизроқ эди. 1890 йилда имзоланган трактат унга Ҳимолай тоғининг фақат биринчи чўққисигача чегарада бўлишга, 1893 йилги шартнома эса Джилен дараси ва Лхассадан Калькуттага борадиган йўлда бозор очиш имконини берди.

Инглиз-рус рақобатини кенг очиб берган нашрлардан яна бири, француз тадқиқотчиси Эмиль Жонво (?mile Jonveaux, 1819-1871)томонидан1867 йил 15 февралда Парижнинг энг нуфузли журналларидан бири "Revue des deux Mondes" [2] саҳифаларида эълон қилинган "Руслар ва инглизлар Марказий Осиёда. Сирдарё ва Амударё ҳудудларининг истило қилиниши" номли мақола бўлди.

Э.Жонво томонидан мақолада билдирилган фикрларга раддия сифатида рус журналистлари қуйидагича изоҳ беришган: "Сирдарё ва Амударё ҳудудларининг забт этилиши" деб номланган сарлавҳанинг берилиши муаллифнинг ўзи фикр юритган масаланинг предмети билан яқиндан таниш эмаслигини англатади. Чунки, биз Амударё ҳудудларини истило қилмадик" [13].

Руслар ўзларининг ҳарбий ҳаракатларини 1848-1849 ва 1858-1859 йилларда Амударё юқори қисми ва унинг дельтасида А.И.Бутаков томонидан олиб борилган гидрографик тадқиқотлар билан изоҳлашга уринганлар. Бу ишларни фандаги янгиликлар учун қилинган истило деб тушунишни тавсия этишган. Ваҳоланки, бу пайтда А.И.Бутаков тадқиқотларидан қарийб 20 йил ўтган эди. Чунки, бунга ўхшаш масалаларни французлар эътиборсиз қолдиришмаган.

Умуман олганда, бу даврда Европа даврий матбуоти яъни француз, инглиз ва немис тилларида нашр этиладиган газета ва журналларда русларнинг Марказий Осиёдаги ҳаракатлари мунтазам равишда ёритиб борилган. Рус корреспонденцияси уларнинг ҳар бирини жиддий ўрганиб, имкон қадар таҳлилий раддиялар асосида, ёзма тарзда, мақола ва тезислар шаклида жавоб қайтарган. Русларнинг ушбу ҳаракатлари француззабон нашрларни паст савияли, маълумотлари ноаниқ, берилган кўрсатмалари ёлғон ва компилятив характерда ёзилган деган важлар билан қоралаган.

Эмиль Жонвонинг ушбу мақоласига ҳам шу тартибда баҳо берилган: "мақола компиляциядан бошқа нарса эмас. Жуда ҳам совуққонлик билан ёзилган бўлиб,

Митчелнинг "The Russians in Central Asia" асаридаги нотўғри тасаввурлар билан бойитилган [13]. "Мақоланинг мақсади эса бизнинг Марказий Осиёда қўлга киритганларимиз ҳақида Англияда хавотир уйғотиш ва Россия Ҳиндистонни босиб олади деган айбловга инглизларни ишонтиришдан иборатдир", - деб баҳо берилади [13].

Руслар хорижий тадқиқотчиларнинг билдирган фикрларини асоссиз эканлигини ифодалаш билан бирга, ўзларининг Марказий Осиёдаги босқинчилик ҳаракатларини қуйидаги иборалар билан оқлашга уринган: "Бизларнинг Ўрта Осиёдаги ҳаракатларимиз ўзимизнинг яқин келажакдаги қизиқишларимиз асосида олиб борилмоқда. Биз қирғиз даштлари билан чегарадош ҳудудларда русларнинг мол-мулки ва ҳаётини хавфдан сақлаш, уларнинг деҳқончилик ва ҳунармандчилик билан осойишта шуғулланишларини таъминлаш, савдо карвонларининг таланиши ва русларнинг одам савдосига тортилишига барҳам беришимиз лозим" [13].

Демак, рус ҳукумати Марказий Осиёга нисбатан олиб борган ҳарбий ҳаракатларини дашт ўлкаларида яшовчи халқларнинг кўрсатган жабр-зулмларига қарши олиб борилган қаршилик кўрсатиш ҳаракатлари сифатида изоҳлашга уринганлар.

Ваҳоланки, ўша даврда баъзи рус олимлари ҳам инглиз-рус рақобатини тўғри талқин этиб, моҳирона ёритган эди. Улардан бири россиялик профессор Ф.Ф.Мартенснинг Парижда француз тилида нашр этилган "Россия ва Англия Марказий Осиёда" [4] деб номланган асарини кўрсатиш мумкин. Мазкур асар инглиз ва немис тилларига ҳам таржима қилинган. Барон К.Ф.Таубе 1880 йилда уни рус тилига ўгириб, нашр эттирган. Асарнинг катта шуҳрат топишига шубҳасиз, кўтарилган муаммоларга янги ечимлар таклиф этилганлиги ҳамда муаллифнинг публицист сифатидаги авторитети сабаб бўлган.

Профессор Ф.Мартенснинг тадқиқотинини бир-бирига боғлиқ бўлган икки қисмга бўлиб ўрганиш мумкин: "Биринчиси, ҳали шу пайтгача фан тарихида эътиборга олинмаган зиёли ва варвар халқлари ўртасидаги юридик масала, иккинчиси, Россия ва Англиянинг дипломатик алоқалари ҳамда уларнинг Марказий Осиёдаги позициялари" [9]. Халқаро ҳуқуқнинг йирик мутахассиси бўлган Ф. Мартенс минтақадаги инглиз-рус рақобатини меъёрий асослар ёрдамида изоҳлайди.

"Ер юзида сўнгги йилларда Болқон ярим оролидан ташқари дунё жамоатчилиги эътиборига сазовор бўлган ҳудуд бу - Марказий Осиёдир. Сўнгги икки йил ичида бу ҳудудда ер шарининг уч йирик империяси - Россия, Англия ва Хитой пайдо бўлиб, улар ўз чегараларини бир-бирларига нисбатан яқинроқ суриб қўйишга ҳаракат қилмоқдалар" [11]. Шунинг учун ҳам Марказий Осиё дунё сиёсатчиларининг эътиборида бўлиб, бу уч империя чегараларни белгилаб олишда қандай йўл тутиши барча учун бирдек қизиқ бўлган. Бу орада Россия ва Хитой ўртасида янги трактат имзоланди. Шунинг учун ҳам Марказий Осиё масаласи бутун Европа оламида жонли қизиқишларга сабаб бўлмоқда. Сиёсий арбоблар, савдо ходимлари ва ҳатто тирикчилик ташвишларидан анча узоқ бўлган олимлар ҳам бундан мустасно бўлмаган.

Марказий Осиё ҳақидаги ҳар бир янгиликнинг, ҳар бир нашрнинг катта қизиқиш билан европаликлар жамоасида муҳокама қилинишининг сабаби ҳам шунда. Ф.Мартенснинг "Россия ва Англия Ўрта Осиёда" номли китоби нафақат жозибали номи билан, балки ундаги сиёсий қарашлар ҳам омманинг эътиборини жалб этган. Ушбу асарда Ф.Мартенс эпиграф сифатида Токвиллнинг қуйидаги сўзларини келтиради: "Тамомила янги дунё учун, замонавий сиёсий билимлар зарурдир".

Ф.Мартенс унда инглиз-рус рақобатининг нафақат нозик қирраларини, балки бошланғич нуқтасини ҳам очиб берган. Чунки, Россиянинг Марказий Осиё томон кириб бориши, гўёки инглизлар ҳудудларига нисбатан уюштирилган тажовуз сифатида баҳоланган. Лекин, инглизларда пайдо бўлган бундай ҳадиксирашнинг келиб чиқиш сабаби шу пайтгача Англияда ҳам, Европада ҳам ўрганилмаган эди. Ф.Мартенс томонидан ушбу сабабнинг очиб берилиши, унинг ёзган асарига нисбатан дунё жамоатчилигининг эътиборини тортиб, қадр-қимматини оширган.

Ф.Мартенснинг кўрсатган сабаблар қуйидагилардан иборат бўлган: 1856 йилда Париж трактати имзолангандан сўнг, Европада русларнинг Марказий Осиё ҳудудларини босиб олганлиги хусусидаги хабар тарқалди. Туркистон, Чимкент шаҳарлари босиб олиниб, руслар Сирдарёнинг юқори ҳавзаларигача кириб бордилар. Европаликлар, айниқса Англия русларнинг Осиёда кўзлаган нуқтаси Ҳиндистон эканлигига ишона бошлади. Қўқон хонлигининг босиб олиниши билан Россияга нисбатан Европанинг айбловлари яна ҳам ортиб борди. Шунда рус ҳукумати Европа билан очиқ мулоқот олиб боришга қарор қилди.

Бу 1864 йил 21 ноябрда князь Горчаков циркулярида баён этилди. Унда қуйидаги сўзлар акс эттирилган эди: "Биз чегараларимиздаги туганмас тартибсизликларга чидашимиз ёки ҳеч қандай амалий натижалар бермайдиган узоқ ва мунтазам экспедициялар уюштириб, давлат харажатларини кўпайтиришимиз ёки нотўғри йўл тутиб Англия каби босиб олишимиз керак" [11].

1865 йилда Тошкентнинг босиб олиниши, 1866 йили Бухоро амирлиги ва Қўқон хонлигига қарши янги экспедицияларнинг ташкил этилиши ва Хўжанднинг босиб олиниши бутун Европа аҳлини ушбу акт ўз кучини йўқотганлиги ҳақида огоҳлантирди. Буларнинг барчаси Англияда катта шов-шувларга сабаб бўлди ва 1868 йил 2 июлда Генри Роулинсон рус ҳукуматига қуйидагича айблов эълон қилган: "21 ноябрда ёзилган циркулярдаги сўзларнинг сиёҳи қуриб улгурмай, у ерда айтилган сўзлар ва берилган ваъдаларга хилоф иш тутилиб, сўзлар ўлик ҳарфларга айлантирилди" [11].

Францияликлар учун руслар ҳаётининг барча соҳалари қизиқ бўлган. Россияни ўрганиш дастлаб ажойиб адабиётларни ўқиш асосида олиб борилган бўлса, кейинчалик ташриф буюриб кузатиш имкони ҳам яратилди. 1888 йил 8 декабрда Сен-Симон клуби тадқиқотчи Дэ-Вогю (Charles-Jean-Melchior, marquis de Vog??, 1829-1916)нинг Марказий Осиёдаги таассуротлари ҳақидаги маърузасини эшитиш учун кўп сонли томошабинларни тўплади [14]. Унинг маърузаси Каспийортидан Самарқандгача чўзилган темирйўл қурилишига бағишланган эди. Бу ўлка энди Европа учун очиқ бўлиб, 1888 йил баҳорда темир йўл қурилиши тугалланган эди.

Муаллиф Дэ-Вогюэ русларнинг мустамлакачилик тузумига мойиллигини қуйидагича изоҳлайди: "Мен фақат рус мустамлакачилигига оид масалаларга тўхталмоқчиман. Бакудан Каспий денгизининг шарқий соҳили томон жўнаб кетаётган пароходда Тамбов губерниясидан оиласи билан кўчиб кетаётган бир неча деҳқонларни учратдим. Ўз ватанингиз билан хайрлашишга афсусланмайсизми деганимда, қўли билан Шарққа томон ишора қилинган ҳолда Ватан мен билан бораяпти, - деган жавобни олдим" [14]. Деҳқонларнинг бундай жавобидан Дэ-Вогюэ улар Марказий Осиёда бахтли ҳаёт кечиради ва бутун Россия уларга эргашиб келади деган хулоса чиқарган. Бу русларнинг мустамлакачилик миссиясига билдирилган юқори ишонч белгиси эди. Чунки, муалифнинг фикрича "руслар барча ерда ўзларини ўз уйларидагидек ҳис этишади" [7].

Франция академиясининг аъзоси, сайёҳ Дэ-Вогюэнинг фикрича, "Руслар мустамлакачиликка мойилдир. Бир хил этник бирликка эга бўлган французлар ва инглизлар яхши мустамлакачи бўла олмайди. Улар қўпол бўлганлиги сабабли, тўқнаш келган халқларига нисбатан манманлик муносабатида бўлишади. Биз Ҳиндистон ва Алжирда гувоҳи бўлганимиз каби, улар ҳукмронлик қилиш, кўрсатма бериш ва ўзи ҳақида ўқишга мажбур қилиши мумкин. Лекин, маҳаллий аҳоли билан тил топишиб, ўзини севдира олиши мумкин эмас. Бундай қобилиятга фақат рус халқи қодир" [7].

Муаллифнинг фикрича бундай мустамлакачилик қобилиятлари русларнинг ўз устида мунтазам ишлаб, мукаммаллашиш заруриятидан ҳосил бўлмаган. Бу уларнинг шахсий хизматлари ҳам эмас, балки уларга туғилгандан ато этилган тафаккур тарзи ва ахлоқида мавжуд бўлган характердир.

"Ушбу қобилият рус халқининг ўтмишидаги турли воқеалар ва тарихий жараёнлар орқали шаклланган. Уларнинг бу соҳадаги нозик сиёсати шундаки, маҳаллий халқ орасидаги етакчи шахсларни, ҳукмдорларни ўз лавозимида қолдириб, улар билан мустаҳкам алоқа ўрнатган. Мустамлакачилик сиёсати бўйича биринчилик пальмаси Россияга тегишлидир" [7].

Шундан сўнг Дэ-Вогюэ мустамлакачилик тизимида асосий ўрин тутган иқтисодий эҳтиёжларга тўхталиб ўтади. Унинг фикрича, Ўрта Осиё жуда бой ўлка бўлиб, энг муҳим маҳсулотларидан бири пахтадир. Темир йўлларнинг ишга туширилишидан олдин пахтани Россияга олиб кетиш жуда қимматга тушган, шу учун деярли фойдаланилмаган. Лекин, темир йўл ишга тушгандан сўнг омборларда Россияга олиб кетиш учун кўп миқдордаги пахта маҳсулоти навбат кутмоқда эди. Бундан Россиянинг умидлари катта бўлиб, пахтанинг осон етказиб берилиши, хорижий рақобатдан қутулишга имкон бериши қуйидагича ифодаланган: "Яқин йилларда бу ўлкада нафақат пахта сақловчи омборлар, балки уни қайта ишлаш фабрикалари ҳам қурилади. Ўлканинг минерал бойликлари ҳам ажойиб бўлиб, бу ерда нефтнинг туганмас заҳираси мавжуд. Агар ер шарининг 30-40 0 кенгликларини нефть ҳалқаси деб атасак, Орол-Каспий ҳавзаси ушбу узукнинг қимматбаҳо тоши ҳасобланади" [7].

Маърузачи Вогюэ сўзининг якунида ўзига шундай савол беради: Буларнинг барчасини Францияга қандай алоқаси бор?, Бу ўлкага ўз кучини, ўз савдосини йўналтириши мумкинми? Йўқ. Француз ҳукумати бундай қила олмас эди. Россия

бойликларга эга бўлиш ҳуқуқини ўзида сақлаб, хорижий савдони ўзига рақобатчи бўлишига йўл қўймаган. Франция Осиё мамлакатларига савдо муносабатларини ўрната олмас экан, демак, бу ўлкага бориб, мустамлакачилик сабоқларини ўргансин, деган хулосага келган эди тадқиқотчи.

Маърузачи де-Вогюэ сўзининг якунида йиғилганларга мурожаат этиб, уларга ҳам варварларга нисбатан "цивилизациялаштириш" ишларида фаол бўлишга ундайди. Аммо, француз деҳқонига ўз ери ҳеч қачон торлик қилмаган ва у қизиқарли воқеаларни ўз жойидан қидирган. Дэ-Вогюэ генерал Анненковнинг яқин қариндоши бўлганлиги сабабли, маддоҳлик усулида мақола ёзган.

Марказий Осиёда рус мустамлакачилиги ҳақида тадқиқот олиб борган олим Леруа-Больенинг "Янги халқлар колонизацияси" номли асари Франция академиясининг мукофоти билан тақдирланган. Л.Болье асарни ёзишда ўша даврдаги мустамлакачилик тизимини яъни инглизларнинг Ҳиндистондаги, французларнинг Алжирдаги фаолиятини жиддий ўрганган. Улар ўз навбатида муаллифга бой материал берган.

Л.Болье мустамлака тизимидаги икки муҳим фактор - маҳаллий халқ таълими ва маҳаллий судларнинг тузилиши масаласига жиддий эътибор қаратган. Бунда тадқиқотчи французларнинг Алжирдаги сиёсатини шарҳлаб, таълим тизими ва суд ҳокимияти фаолиятига тўхталиб ўтган.

Л.Больенинг мустамлакачилик борасида тўплаган тажрибаси ва ижодий фикрлари унинг Марказий Осиё минтақасида рус-инглиз рақобатининг кучайишига бағишланган кейинги асарларида акс эттирилган. Бунда мустамлака тизимининг энг майда деталлари ҳам эътибордан четда қолмаган.

Шундай асарлардан яна бириЛуллие томонидан "Руслар ва инглизлар Осиёда" [3] номи билан 1869 йил Парижда чоп этилган.Бунда муаллиф Осиёдан ўтадиган барча савдо йўлларида инглизларнинг устунлигини таъкидлаб, бунинг учун француз ҳукуматини қоралайди, ҳатто курашга даъват этган.

Октава Диаманти - Эрондаги Министрлар Кенгашининг собиқ котиби бўлиб, 1892 йилда 2 маротаба Марказий Осиёда бўлган. У Теҳрон - Баку - Каспийорти - Тошкент йўналиши бўйлаб, саёҳат қилган. Ташрифнинг асосий мақсади икки француз ташкилоти (бири молиявий, бошқаси саноат) топшириғи билан бўлиб, Каспийорти темирйўлини Самарқанддан Қўқонгача ва Андижондан Тошкентгача бўлган йўналишда давом эттириш таклифини билдирган [10].

Биринчи ташриф йилнинг бошида амалга оширилиб, 4 ой давом этган. Парижга қайтганда ушбу маълумотларни ҳомий ташкилотларга етказиб, улардан темир йўли қурилишига розилик олади. Франциялик ташкилотлар маҳаллий ҳукуматга ушбу таклифни билдиришган: "Ушбу ташкилотлардан бири темир йўлни қуришни ўз бўйнига олади, бошқаси эса маблағ ажратади. Бунинг учун маҳаллий ҳукумат облигация таъсис этиши лозим. Уни чиқариш иккинчи молиявий ташкилот зиммасида бўлади. Фақат ўзи истаган ва белгилаган муддатда чиқариши мумкин эди. Темирйўл қурилиши якунлангач, у маҳаллий ҳукуматнинг хусусий мулкига айланади" [7].

Француз ташкилотларининг берган таклифига хулоса билдириш ўлка ҳукуматига боғлиқ бўлмай, у олий ҳукумат ихтиёрига тақдим этилган.

Бу таклифнинг ижобий томони шунда эдики, йўл қурилиши учун сарфланган маблағ кейинчалик ундан тушадиган даромад орқали қопланган. Фойда эса жуда катта бўлиши шубҳасиз.

"Барчага маълумки, Каспийорти темир йўлининг фаолияти кенгайиб бориб, унда ташиладиган юк миқдори ҳам ошиб бормоқда:

1888 й - 5.586. 181 пуд

1889 - 7.116.082 пуд

1890 - 9.619.872 пуд

1891 - 11.595.085 пуд [10]"

Бундан ташқари бошқа кўплаб мисоллар келтирилиб Каспийорти темир йўлини Фарғонагача давом эттириш таклифи қўллаб-қувватланган.

Марказий Осиёда бўлган ҳар бир тадқиқотчи ёки сайёҳ ўзининг бой таассуротлари ва қўлга киритган илмий янгиликлари билан Париж илмий жамиятларида маъруза ўқиган. Унда кўп сонли томошабинлар жамоаси йиғилиб, улар Туркистон хусусидаги маълумотларни катта қизиқиш билан эшитганлар.

О.Диаманти ҳам 1893 йил 17 мартда Париж география жамиятида ўзининг Марказий Осиёдаги саёҳати давомидаги масалалар ҳақида нутқ сўзлаган. Унинг нутқида Россиянинг мустамлакачилик сиёсати оқлаш руҳи кучли эди. Чунки, йирик лойиҳа олиб келган сайёҳ унинг ижобий ечим топиши учун шундай йўл тутган. Қолаверса, француз ҳам мустамлакачи давлат бўлганлиги учун ҳар қандай шароитда ҳам ўз ҳамкасбларини қўллаб-қувватлаб турган. Бу етакчи давлатларнинг бирдамлигини таъминлаш учун ёрдам берган.

Бу масалада француз тадқиқотчилари ва сиёсий арбобларининг бир ёқлама фикр билидиришларини кузатиш мумкин. Чунки, унинг ғояларида доимо Россия империясини улуғлашни каби фикрларни учратиш мумкин. Табиий ва ижтимоий-иқтисодий фанлар тадқиқотларида француз олимларининг холислик тамойилларини учратиш мумкин. Лекин, инглиз-рус рақобати, темир йўл қурилиши каби геосиёсий масалаларда уларни рус ҳукуматига хайрихоҳ муносабатда эканлигини англаш қийин эмас.

Буни муаллифнинг қуйидаги фикрлари орқали билиб олиш мумкин: "Фақатгина тараққиёт ва цивилизация олиб кириш учун қилинган истило ўзини оқлайди. Қачонки мағлубларнинг эътиқоди ва анъаналари ҳурмат қилинса, вақт ўтиши билан намуна бўлиш орқали ўз ақл-идрокининг устунлигини сингдира олса - фақат ўша ғолибнинг сиёсати тўғри бўлиши мумкин" [12].

Бундан ташқари, О.Диамантининг маҳаллий аҳолининг барча ютуқларини мустамлакачиларга боғлаб кўрсатиш сиёсати ҳам мавжуд бўлиб, улар француз шовинистик ғояларининг давоми бўлган: "Цивилизация учун ёпиқ бўлган мамалакатнинг тамомила янгиланиши, қонли урушларга маҳкум бўлган халқларга ҳаётий эркинликларни қайтариш, ер остидаги бойликларини қайта ишлаш орқали саноатни ривожлантириш, сўнгги 30 йил давомида сиёсий иқтисодиёт ва цивилизация, фан нуқтаи назаридан юз берилганларга муносиб шараф Россияга тегишлидир" [12].

Француз тарихшунослигида Туркистон тарихини ёритадиган XIX аср охири - XX аср бошларига тўғри келадиган давр фактик ва аналитик материалларга бой

саналади. Маълумот алмашиши имкониятлари ошиб, ахборот тезлиги кўпаяди. Тадқиқот мавзулари ва йўналишлари кенгайиб, геосиёсий, иқтисодий, ижтимоий-сисий масалалар тадқиқотчиларнинг асосий бош мавзусига айланган эди. Шунингдек, энг қалтис масалалар ҳам шу даврда пайдо бўлиб, уларнинг "катта ўйин" иштирокчилари бўлган давлатлар томонидан халқаро муносабатлар доирасида ҳал қилиниши ҳар томонлама тинчликнинг таъминланишига асос сифатида хизмат қилган.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Heumann C. Les russes et les anglais dans l'Asie Centrale . Paris, 1885. ; Jonveaux E. Les russes dans l'Asie Centrale. Paris. //Revue des deux mondes. 1867, 15 fevrier. (INALCO).;Grenard G. La Chine, l'Angleterre et la Russie en Asie Centrale. Annales de l'ecole des sciences politique. Paris, 1897. (INALCO).
2. Jonveaux E. Les russes dans l'Asie Centrale. Paris. //Revue des deux mondes. 1867, 15 fevrier. (INALCO).
3. Lullier. Les Anglais et les Russes dans la haute Asie. - Paris, 1869.
4. Martens F. La Russie et l'Angleterre dans l'Asie Centrale. - Gand, 1879.
5. Krafft H. A travers de Turkestan Russe. Paris, Hachette et C ie, 79, BD Saint-Germain. 1902.;Woeikof A. Le Turkestan russe. - P.: Armand Colin.1914, - 360 P.; Leprince-Ringuet F. L'avenir de l'Asie russe. - P.: Flammarion. 1951, - 244 P.; Barrande J. L'Asie centrale russe. Son pass?, son present, Revue de France (Paris), 15 juin, 1 sept., 15 sept., 1 oct., 15 dec. 1877; 1 fevr., 15 mars, 15 juin 1878.; Reclus E. L'Asie russe. - Nouvelle G?ographique Universelle.Vol. 6. P., 1881, - 920 p.
6. Библиография. 6-й том "Новой всеобщей географии" Элизэ Реклю. Азиатская Россия и среднеазиатская ханства //Кавказ. 1885, № 57. Туркестанский сборник Т.389.
7. Де-Вогюэ о русской колонизации в Средней Азии // Туркестанские ведомости. 1889, 3 январь, № 1. - 3 стр.
8. Китай, Россия и Англия в Центральной Азии // Туркестанские ведомости 1897, 5 (17) январь, № 1 (1526). - 4 стр.
9. Книга Мартенса //Туркестанский сборник. Т.24. - С.94
10. Неоффициальный отдел. Ташкент, 30 ноябрь // Туркестанские ведомости. 1892, 1 декабрь. № 48. 243-244 стр.
11. Петров-Батурич С. Среднеазиатский вопрос. По поводу книги Ф.Мартенса "La Russie et l'Angleterre dans l'Asie Centrale" //Голос,1879, № 301. Туркестанский сборник. Т.295.
12. Печать О Средней Азии // Туркестанские ведомости. 1893, 9 (21) май. № 35. - 133.
13. Толки французов о наших завоеваниях в Средней Азии // Голос, 1867, 30 март. № 90. Туркестанский сборник. Т.1. 245-249 с.
14. Чтение г.де-Вогюэ О Средней Азии // Туркестанские ведомости. 1889, 10 январь, № 2. - 6 стр.

Умаров Сардор Якубович
Самарқанд давлат университети ўқитувчиси

ЎЗБЕКИСТОН – ГЕРМАНИЯ: ИШОНЧЛИ ҲАМКОРЛИК

http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2019-1-11

АННОТАЦИЯ

Мазкур мақолада Ўзбекистон ташқи иқтисодий сиёсатида асосий ўринни эгаллаб келаётган давлатлардан бири - Германия билан Ўзбекистон Республикасининг ҳамкорлик муносабатларига тўхталиб ўтилган. Шу билан бирга келгуси истиқболдаги ҳамкорлик масалалари ҳам очиб берилган.

Калит сўзлар: Германия, иқтисод, савдо, автомашинасозлик, завод, Самарқанд, истиқболли ҳамкорлик.

Умаров Сардор Якубович
Учитель Самаркандского государственного университета

УЗБЕКИСТАН – ГЕРМАНИЯ: НАДЕЖНЫЕ ПАРТНЕРСТВА

АННОТАЦИЯ

В этой статье освещается сотрудничество Германии и Республики Узбекистан, одного из ключевых игроков внешнеэкономической политики Узбекистана. В то же время, вопросы сотрудничества в будущем также разъясняются.

Ключевые слова: Германия, экономика, торговля, автомобилестроение, завод, Самарканд, перспективное сотрудничество.

Umarov Sardor Yakubovich
Teacher Samarkand State University

UZBEKISTAN – GERMANY: RELIABLE PARTNERSHIPS

ANNOTATION

This article highlights the cooperation between Germany and the Republic of Uzbekistan, one of the key players in the foreign economic policy of Uzbekistan. At the same time, the issues of cooperation in the future are also explained.

Key words: Germany, economy, trade, automotive industry, factory, Samarkand, prospective cooperation.

Ўзбекистон Республикаси ўзининг ташқи сиёсатининг устувор йўналишларидан келиб чиққан ҳолда Европанинг етакчи давлатлари билан, энг аввало, Германия, Франция ва Буюк Британия билан, шунингдек Марказий ва Шарқий Европа мамлакатлари билан ўзаро манфаатли ҳамкорликни

ривожлантиришга муҳим эътибор қаратди. Мазкур ҳудуд давлатлари билан савдо, инвестицион ва молиявий ҳамкорликни ривожлантириш, юксак технологиялар трансфери, илм-фан, техника, таълим, экология, соғлиқни сақлаш ва маданият соҳасидаги ўзаро манфаатли алоқалар, шунингдек минтақавий хавфсизликни мустаҳкамлаш борасида мустақилликнинг дастлабки йилларидан қадам қўйилди.

Ўзбекистоннинг ташқи иқтисодий алоқаларида яқин қўшнилари билан бирга Европа иттифоқи таркибидаги Германия, Буюк Британия ва Францияниг ўрни ҳам муҳим бўлди. Буни Ўзбекистоннинг ташқи сиёсий фаолият консепциясида Европа йўналишини алоҳида кўрсатилиши исботлаб беради.

Германия Ўзбекистоннинг Европа Иттифоқидаги муҳим ҳамкорларидан. Мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик мустаҳкам ҳуқуқий асосга эга. Савдо-иқтисодий ва сармоявий соҳаларда давлатларимиз ўртасида икки томонлама солиқдан қочиш, капитал киритишга кўмаклашиш ва ўзаро ҳимоя қилиш ҳамда савдо-иқтисодий ҳамкорликка оид битимлар имзоланган. Савдо бўйича энг кўп қулайлик яратиш тартиби жорий қилинган.

Мамлакатларимиз ўртасидаги иқтисодий алоқалар анъаналари чуқур илдизларга эга. XX аср бошидаёқ "Сименс" фирмаси Тошкентдаги биринчи телефон станциясини барпо қилишда иштирок этган эди. Афсуски, ўшандабошланган алоқалар кейинчалик ривожланмай қолди. Ўзбекистоннинг мустақилликка эришиши янги уфқлар очиб берди[1:71-72].

1991 йил 31 декабрда "Ўн иккиларнинг қўшма декларацияси" билан Европа ҳамжамияти Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигини эътироф этди. 1992 йил 15 апрелда "Ўзбекистон Республикаси ва Европа ҳамжамияти Комиссияси ўртасида ўзаро англашув Меморандуми" имзоланди[2]. Ўзбекистоннинг мазкур минтақа мамлакатлари орасида Германия Федератив Республикаси билан муносабатлари нисбатан кенг қамровлиги билан ажралиб туради.

1991 йилнинг 31 декабрь куни Германия Ўзбекистоннинг давлат мустақиллигини расман тан олди, 1992 йилнинг 6 мартига келиб эса, икки мамлакат ўртасида дипломатик алоқалар ўрнатилди [3]. Икки томон ҳам алоқалардан манфаатдор эди. Эндигина бирлашган Германия учун ҳам, мустақилликка эришган Ўзбекистон учун ҳам ишончли ва манфаатли ҳамкор лозим эди. шу боисдан ҳам ҳамкорлик алоқалари жадаллик билан олиб борилди. Ўзбекистоннинг Ғарбий Европадаги биринчи элчихонаси 1994 йил сентябрда айнан Германияда, Бонн шаҳрида очилганлиги (элчихона 2001 йил 3 апрелда Берлин шаҳрига кўчирилгани [4] ҳам бунинг ўзига хос исботидир. Ўтган йиллар давомида Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти Ислом Каримовнинг 1993, 1995 ва 2001 йиллардаги Германияга, Германия Президенти Р.Герцогнинг 1995 йилда, Канцлер Г.Шрёдернинг 2002 йил ҳамда 2004 йилдаги Ўзбекистонга қилган олий даражадаги ташрифлари икки мамлакат ўртасидаги муносабатларни изчил ривожлантириш учун мустаҳкам замин яратди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев таъкидлаганидек, "Ўзбекистон учун Европанинг етакчи давлатлари, аввалambор, Германия, Франция ва Буюк Британия, Марказий ва Шарқий Европа давлатлари билан ўзаро манфаатли ҳамкорликни ривожлантириш муҳим аҳамият касб этади" [5].

Ўзбекистонда хорижий сармоялар учун яратилган қулай шарт- шароитлар сабаб Германиянинг йирик фирма ва компаниялари мамлакатимизга тобора кўпроқ сармоя олиб кирмоқда. Бугун Ўзбекистонда озиқ-овқат, енгил саноат ҳамда савдо-сотиқ соҳаларида Германия билан ҳамкорликда ўнлаб қўшма корхоналар

муваффақиятли фаолият юритмоқда. Икки давлат ўртасидаги товар айрбошлаш ҳам муттасил равишда ўсиб бормокда.

Мустақилликнинг илк давриданоқ Германия Федератив Республикаси ҳукумати ва Ўзбекистон Республикаси ҳукумати ўртасида молиявий ҳамкорлик тўғрисидаги келишувга кўра Германия ҳукумати Ўзбекистон Республикасига 70 млн. немис маркасидан зиёд молиявий ёрдам кўрсатди[6].

Германия билан ҳамкорлик алоқаларининг дастлабки йили ҳисобланган 1992 йилда 94,022 млн. АҚШ долларлик экспорт ва 216,307 млн. АҚШ долларлик импорт амалга оширилди [7]. 2017 йил январ-ноябрь ойларида Ўзбекистон Республикаси ташқи савдо айланмасида Германия улуши 2,3 % ни ташкил қилди [8]. 2017 йилда Ўзбекистон ва Германия ўртасидаги савдо айланмаси ҳажми 32,5 фоизга ўсиб, 620 млн долларга яқинлашди [9].

Германия билан ҳамкорликда юздан зиёд қўшма корхоналар муваффақиятли фаолият юритмоқда 2018 йилда Ўзбекистонда хориж капитали иштирокида 5 мингдан ортиқ компания фаолият юритиб, улардан 123 таси германиялик ишбилармонлар билан ташкил этилган компания эди[10].

Бу ҳолат мамлакатларимиз ўртасида йилдан-йилга савдо-иқтисодий алоқаларнинг жадаллашиб борганлигини кўрсатиб беради.

1993 йил апрелда Ўзбекистон ва "Даймлер-Бенц" концерини ўртасида "Мерседес-Бенц" русумидаги юк автомобилларини ишлаб чиқариш бўйича Меморандум имзоланди. Хоразмдаги "Ўзавтопром" ассоцацияси негизида йилига 600 дона "Мерседес-Бенц" русумидаги юк автомобиллари ишлаб чиқарадиган заводни қурилиши бошланди [11]. 1994 йилга келиб Хоразмда Германиянинг "Даймлер-Бенц" концерини билан ҳамкорликда қурилган заводда дастлабки юк машиналари йиғилди [1, Б.126]. Бундан ташқари Ўзбекистоннинг "Ўрта Осиё Транс" компанияси билан Германиянинг "Мерседес-Бенц" фирмаси ўртасида имзоланган шартномага кўра умумий қиймати 82 млн. немис маркаси бўлган 213 та шаҳар автобуси Ўзбекистонга олиб келинди [12].

Ўзбекистон Республикасида автомобилсозлик соҳасида оғир юк кўтарувчи машиналарни ишлаб чиқаришдаги янги давр 2009-йилдан бошланди. Бу борадаги ҳамкорликни янги босқичга Германиянинг "Man Truck&Bus Group" компаниясининг маҳсулотларни Ўзбекистонга етказиб берувчи дилерларининг очилиши бошлаб берди. Автомашинасозлик соҳасида икки давлат ўртасидаги ҳамкорлик 2011 йил 22декабрда Самарқанд вилояти Жомбой туманида МАН дилерлик ва сервис марказининг очилиши билан жадаллашди.2012йилнинг 30июль куни МАН русумидаги тягач, шасси ва махсус техника ишлаб чиқарадиган, МАН дилерлик ва сервис маркази ёнгинасида жойлашган янги йиғиш заводининг очилиш алоқаларни янада мустаҳкамлади [13].

Умуман олганда ҳуқуқий жиҳатдан тенглик ва ўзаро шериклик асосида қарор топган алоқалар ўтган йиллар давомида ривожланиб борди. Ўзбекистон ва Германия ишончли шерикларга айланди.

Улкан иқтисодий имкониятларга эга бўлган Ўзбекистон Республикаси немис ишбилармон доираларини доимо қизиқтириб келган. Шу боисдан ҳам немис ишбилармонлари келгуси истиқболда ҳам Ўзбекистон ва ундаги тадбиркорлар билан ҳамкорлик қилишдан манфаатдордир. Бу борада Ўзбекистон ҳам манфаатдор бўлиб, келгусида икки давлатнинг савдо-иқтисодий соҳада ҳамкорлик қилиши юзасидан ўзининг истиқболли таклифлари - немис эркин иқтисодий зонасини

очиш, Германия-Ўзбекистон ташқи савдо палатасини тузишни таклиф қилди. бу таклифларнинг амалга ошиши икки давлатнинг савдо-иқтисодий соҳада ҳамкорлигини янада ривожлантириб, немис инвестициясини юртимизга кенг кўламда кириб келишига олиб келади.

Хулоса қисмида айтиш мумкинки, улкан иқтисодий ва техник имкониятларга эга бўлган Германия Федератив Республикаси билан ҳамкорлик қилиш Ўзбекистон учун мустақилликдан кейин кенг имкониятлар бериб, мамлакатимизни барқарор иқтисодий ривожланишига кўмаклашди.

Германия Ўзбекистон мустақиллигини Европа мамлакатлари ичида нафақат биринчилардан бўлиб тан олди, балким амалий жиҳатдан ҳам сармоявий ёрдамни амалга оширди. Германия томонидан йиллар давомида субсидия, ссуда, кредит ва инвестицияларнинг киритилиши мамлакат иқтисодини ривожланишига ҳисса қўшди.

Улкан иқтисодий имкониятларга эга бўлган Ўзбекистон Республикаси немис ишбилармон доираларини доимо қизиқтириб келган. Шу боисдан ҳам немис ишбилармонлари келгуси истиқболда ҳам Ўзбекистон ва ундаги тадбиркорлар билан ҳамкорлик қилишдан манфаатдордир. Бу борада Ўзбекистон ҳам манфаатдор бўлиб, келгусида икки давлатнинг савдо-иқтисодий соҳада ҳамкорлик қилиши юзасидан ўзининг истиқболли таклифлари - немис эркин иқтисодий зонасини очиш, Германия-Ўзбекистон ташқи савдо палатасини тузишни таклиф қилди. бу таклифларнинг амалга ошиши икки давлатнинг савдо-иқтисодий соҳада ҳамкорлигини янада ривожлантириб, немис инвестициясини юртимизга кенг кўламда кириб келишига олиб келади.

Мухтасар қилиб айтганда Ўзбекистон-Германия муносабатлари икки томон учун манфаатли кечиб, келгуси истиқболда ҳам бу ҳол сақланиб қолишидан икки давлат манфаатдор.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Каримов И. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. Т.: "Ўзбекистон".1996.
2. Юнусов Ҳ.М. Европа иттифоқи ва Ўзбекистон Республикаси ўзаро алоқаларининг ҳуқуқий асослари. Юридик фанлар номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. Тошкент, 2008. Б.53.
3. Туракулов Б., Якубова М. Узбекско-германские отношение / История международных отношений Республики Узбекистан: коллективная монография. - Ташкент: УМЭД, 2017. С. 108.
4. О здании Посольства // Посольство Республики Узбекистан в Федеративной Республике Германия // https://www.uzbekistan.de/ru/botschaft. Сайтга 11.12.2018 йилда мурожаат қилинди.
5. Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Шавкат Миромонович Мирзиёевнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги нутқи. // Халқ сўзи. 2016 йил 9 сентябрь. № 179 (6614). 2-б.
6. ЎзР МДА Фонд М-37, рўйхат 1, йиғма жилд 2711, варақ 112-113.
7. ЎзР МДА Фонд М-62, рўйхат 1, йиғма жилд 72, варақ 8.
8. Tashqi savdo / O'zbekiston Respublikasi davlat statistika qo'mitasi. stat.uz / https://stat.uz/uz/press-sluzhba/novosti-gks/3066-tashqi-savdo.Сайтга 16.10.2018 да мурожаат қилинди.
9. ЎзР ДСҚ ЖА. 2010 - 2018 йиллар давомида Ўзбекистон Республикаси ва Германия давлати ўртасида экспорт ва импорт ҳажми. 2 - варақ.
10. Ўзбекистон-Германия бизнес форуми / http://uza.uz/oz/business/zbekiston-germaniya-biznes-forumi-31-05-2017?sphrase_id=3028252. Сайтга 8.12.2017 да мурожаат қилинди.
11. ЎзР МДА Фонд М-37, рўйхат 1, йиғма жилд 1279, варақ 20.
12. ЎзР МДА Фонд М-37, рўйхат 1, йиғма жилд 1279, варақ 20.
13. JV MAN Auto-Uzbekistan kompaniyasi haqida // http://man.uz/uz/company/about/. Сайтга20.09.2017 да мурожаат қилинди.

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ
LOOK TO THE PAST
ЎТМИШГА НАЗАР

Хакимова Саида Бахтиёровна
Фарғона давлат университети ўқитувчиси

XIX АСРДА СИРДАРЁНИНГ ИЛМИЙ ЎРГАНИЛИШИ ТАРИХИДАН

http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2019-1-12

АННОТАЦИЯ

Мақолада XIX асрда рус тадқиқотчилари томонидан Сирдарёни ҳарбий, иқтисодий ва илмий мақсадларда ўрганиш учун амалга оширилган экспедициялар фаолияти ва уларнинг натижалари ҳақида сўз юритилади.

Калит сўзлар: Сирдарё, гидрография, Россия, экспедиция, Қувондарё, Ёмондарё, Қораўзак, Е.Мейендорф, А.Макшеев, А.Бутаков, А.Миддендорф, Э.Соколовский.

Хакимова Саида Бахтиёровна
Преподаватель Ферганского государственного университета

ИЗ ИСТОРИИ НАУЧНОГО ОСУЩЕСТВЛЕНИЯ СИРДАРЯ В XIX ВЕКЕ

АННОТАЦИЯ

В статье рассуждается о деятельности и результатах русских экспедиций, снаряженных в XIX веке для изучения Сырдарьи в военных, экономических и научных целях.

Ключевые слова: Сырдарья, гидрография, Россия, экспедиция, Кувандарья, Ямандарья, Караузак, Е.Мейендорф, А.Макшеев, А.Бутаков, А.Миддендорф, Э.Соколовский.

Хакимова Саида Бахтиёровна
Teacher Fergana State University

FROM THE HISTORY OF SIRDAYAN'S SCIENTIFIC IMPLEMENTATION IN XIX CENTURY

ANNOTATION

The article discusses the activities and results of Russian expeditions equipped in the XIX century to study the Syr Darya for military, economic and scientific purposes.

Key words: Syrdarya, hydrography, Russia, expedition, Kuvandarya, Jamandarya, Karauzak, E. Meyendorf, A. Maksheev, A. Butakov, A. Middendorf, E. Sokolovsky.

Сирдарё Ўрта Осиёнинг энг узун ва сув ҳажми бўйича Амударёдан кейин иккинчи ўринда турувчи дарёсидир. У Фарғона водийсининг шарқий қисмида Норин ва Қорадарёнинг қўшилишидан ҳосил бўлиб, асосан қор ва музлик сувлари билан тўйинади. Сирдарёга қуйиладиган йирик дарёлар - Оҳангарон, Чирчиқ, Келес ва Арисдир. Дарё Орол денгизига қуйилиб, бу жойда майда

ирмоқлар, кўллар, ботқоқликлардан иборат дельтани ҳосил қилади. Сирдарё ҳавзасининг умумий майдони қарийб 345 минг квадрат километрни ташкил этиб, 2800 километр узунликка эга. Унинг 2000 километри Ўзбекистон ҳудудидан оқиб ўтади [1].

Сирдарё ҳақидаги қадимги маълумотлар юнон тарихчиларининг асарларида учрайди. Уларда дарёнинг ўрта оқими Танаис деб номланган. Ваҳоланки, юнон муаллифлари Дон дарёсини ҳам шундай ном билан атаган. Юнон муаллифи Арриан Ўрта Осиё ва Европада Танаис номли икки дарё борлигини эътироф этади[4,Б.94]. Юнон тарихчиси Страбон эса Яксарт дарёси сакларни сўғдийлардан ажратиб туради, деб ёзади[4, Б.176]. Сирдарё ҳақидаги маълумотларни ўрта аср араб ва форс манбаларида ҳам учратиш мумкин. Масалан, Шарафиддин Али Яздий Сирдарёни Сайхун деб атаб, унинг Мовароуннаҳрни Мўғулистондан ажратиб туришини ёзади.

Сирдарё ҳавзасининг илмий ўрганилиши XIX асрга бориб тақалади ва асосан Россия империяси вакиллари томонидан олиб борилган. Сирдарёнинг ўрганила бошланиши биринчи навбатда, Россия империясининг сиёсий ва иқтисодий манфаатларидан келиб чиққан. Рус босқинининг дастлабки босқичларида Сирдарё империяга тегишли қозоқ ерлари билан хонликлар ерини ажратиб туриши керак бўлган табиий чегара сифатида баҳоланган бўлса, дарё бўйларининг эгалланиши хонликлар билан ижтимоий-иқтисодий алоқаларни кенгайтириш, улар ҳақида маълумот тўплаш учун зарур шарт-шароитларни яратиши керак эди. Шу билан бирга Сирдарёда кемалар қатновини йўлга қўйиш империянинг ҳарбий режаларини амалга оширишда муҳим стратегик аҳамият касб этар эди. Россия ҳукумати Сирдарё истеҳком чизиғида ҳарбий ҳаракатларни олиб бораётган генерал Черняевга "Сир оқими бизнинг кема қатновимизга хизмат қилиши керак", деб тўғридан-тўғри кўрсатма бериши [2, Б.97] бу фикрни исботлайди. Шунингдек, Сирдарёда рус кемаларининг хавфсизлигини таъминлаш мақсадида дарё бўйларида бир қатор истеҳкомлар қурилади. Бу каби омиллар айнан рус зобитлари ва мутахасссислари томонидан Сирдарё ҳавзасининг батафсил ўрганилишига сабаб бўлди.

1820 йилда Россия подшоси томонидан Бухоро амирлигига А.Негри бошчилигида элчилик миссияси жўнатилади. Миссияга дипломатик вазифалардан ташқари хонликларнинг табиий ресурслари, Амударё ва Сирдарёнинг кемалар қатнови учун қай даражада қулайлигини аниқлаш каби махсус топшириқлар ҳам юклатилган эди. Миссия таркибида бўлган капитан Е.К.Мейендорф элчилик ҳақида сафарнома ёзиб қолдиради. Унда Сирдарё ҳавзаси, айниқса, унинг қуйи оқими ҳақида бир қатор маълумотларни учратишимиз мумкин. Жумладан, муаллиф Сирдарёнинг узунлиги тахминан 1200 верст (1 верст = 1066,8 м) бўлиб, унинг кенглиги Орол денгизига қуйилиш жойида 60 сажен(1 сажен = 2,16 м), бу жойдан оқим бўйлаб 50 верст юқорида эса 120 саженни ташкил этишини қайд этади. Дарё чуқурлиги дельтада 4 футни ташкил этса-да, унинг бутун ўзани бўйлаб чуқурлиги бир неча саженни ташкил этиши ва дарёнинг Қўқонгача кемалар қатнови учун яроқли эканлиги айтиб ўтилади. Дарё оқими тез бўлиб, қозоқларнинг айтишига қараганда, унинг қуйилишидан 130 верст юқорида йилнинг иссиқ пайтида дарёни яёв кечиб ўтиш мумкин бўлган, бошқа қозоқлар эса буни қатъиян рад этади [7, Б.46]. Шунингдек, Мейендорф

дарёга Қўқон ва Хўжанд оралиғида бир неча дарёлар ва майда ирмоқлар қуйилишини, Орол денгизидан тахминан 350 верст масофада Сирдарёдан Қувондарё ажралиб чиқишини, Бешўзак номли жойда Қувондарёнинг 5та оқимга бўлиниши ва денгизга қуйилишга яқинроқ жойда унинг яна Сирдарё билан қўшилиб кетишини ёзади [7,Б.68]. Сирдарёдан ажралиб чиқувчи яна бир ўзан - Янгидарё ҳақида қуйидаги маълумотларни олишимиз мумкин: "Янгидарё қадимги Қизилдарё бўлса керак. Эҳтимол, Қизилдарё ундан жануброқда оққан бўлиши мумкин, чунки Янгидарёдан 40 верст жануброқда биз қайсидир катта дарё ўзанининг изларини топдик. Янгидарё бир ўн йилларча олдин анча йирик дарё бўлиб, 1816 йилда Қувондан ҳам кенгроқ бўлган. Ҳозирда эса у эни 100 сажен, чуқурлиги 3-5 сажен бўлган қуруқ ўзанга айланган. Дарёнинг қуришини баъзилар Қувондарё бўйида суғоришни яхшилаш учун Янгидарёга сув ўтадиган жойда тўғон қурилгани билан, бошқалар эса дарё суви Қизилқум қумлари остида қолиб кетгани билан изоҳлайди. Бу ҳақиқатга яқинроқдир. Балки дарё суви буғланиш ёки қумларга сингиб кетиш ҳисобига қуриб қолгандир" [7,Б.53]. Айтиб ўтиш керакки, 1849 йилда лейтенант Бутаков Орол денгизи ва Сирдарёнинг қуйи оқимини ўрганиши давомида Янгидарё яна сувга тўлган эди. Маҳаллий аҳолининг айтишига қараганда, Янгидарёга 1820 йиллар атрофида унинг Сирдарёдан ажралиб чиқиш жойидан пастроқда қўқонликлар томонидан Қорабўғот тўғонининг қурилиши натижасида сув оқмай қўйган. А.Макшеевнинг ёзишича, тўғон Оқмасжид қалъаси қурилгандан сўнг барпо этилиб, Қўқон хонлиги шу йўл билан ўзига тобора камроқ бўйсуниб, Хива хонлиги ҳомийлигига ўтиб бораётган қозоқ ва қорақалпоқ қабилаларини сувдан, деҳқончилик ва чорвачилик билан шуғулланиш имкониятидан маҳрум этиб, уларни Оқмасжид атрофларига қайтармоқчи бўлган [6, Б.53]. Бироқ сув босими таъсирида ушбу тўғон бир неча марта бузилиб, Янгидарё қайта сувга тўлади. Ушбу ҳолат хонликларда сув тизими муҳим сиёсий аҳамият ҳам касб этганини кўрсатади.

1847 йилда Сирдарё бўйида биринчи рус истеҳкоми - Раим барпо этилади. Шундан сўнг Сирдарё ҳавзасида узлуксиз топография ва геодезия тадқиқотлари олиб борилади. Дастлаб тадқиқотларни 1848-1849 йилларда Орол денгизини ўрганиш мақсадида тузилган лейтенант А.Бутаков бошчилигидаги экспедиция вакиллари олиб боради. Чунки ушбу экспедиция Раим яқинида Сирдарёга туширилган кемаларда йўлга чиққан эди. А.Бутаков ва прапоршчик Поспелов томонидан Сирдарё Кўзалидан Майлибош мавзесигача бўлган ораликда тасвирга туширилиб, бир неча астрономик пунктларнинг жойлашиши аниқланади [5,Б.7]. А.Бутаков экспедициясида қатнашган ҳамда кейинчалик Сирдарё бўйидаги Қўқон хонлиги истеҳкомларига қилинган юришларда иштирок этган капитан А.Макшеев Сирдарё бўйлари, унинг ҳавзасидаги аҳоли, дарё бўйларидаги қадимги қўрғонлар, аҳолининг машғулотлари ҳақидаги кузатишларини 1856 йилда "Морской сборник" журналининг 9-сонида чоп этади.

Макшеевнинг ёзишича, Сирдарёнинг ўзани чуқур бўлиб, қирғоқдан 1-2 сажен нарида унинг чуқурлиги 5 сажен, ўрта қисми эса ундан ҳам чуқурдир. Шундай бўлса-да, баҳорда ва ёзда дарё суви кўпайган пайтларда унинг қирғоқлардан тошиб кетиши одатий ҳол бўлган. Бунинг ҳисобига дарё қирғоқлари қамишларга бой бўлиб, ушбу ҳолат деҳқончилик қилишга тўсқинлик қилса-да, қозоқларнинг

қишлаши учун қулай шароитни яратиб берарди [6,Б.53]. Дарё сувидаги қумларнинг чўкиши натижасида кўплаб ороллар ҳосил бўлиб, дарёнинг чуқур-саёзлиги ҳам муттасил ўзгариб боради. Айниқса, бу ҳолат дарёнинг Орол денгизига қуйилиши жойида интенсив бўлиб, кемаларнинг сузишини қийинлаштирган.

1851 йилда А.Макшеев Сирдарёнинг оқими бўйлаб юқорига Майлибош мавзесигача сафар қилади. У билан бирга бўлган прапоршчик Рыбин топографик рекогносцировка ишларини олиб бориб, Сирдарёнинг ўнг қирғоғини Майлибош мавзесидан Қўқоннинг Қўшқўрғон қалъасигача ҳамда Сирдарё ва Қувондарё оралиғидаги ерларни Орол денгизидан Майлибош меридианигача тасвирга туширади. Натижада 390 верст масофадаги Сирдарё ҳавзаси харитага туширилиб, бу ҳудуднинг бир-биридан фарқ қилувчи 3та минтақага бўлиниши аниқланади [6,Б.46]. Дарёнинг қуйилиш жойидан Кўзали ирмоғи бошланадиган жойгача бўлган 150 верст масофа қалин қамишлар билан қопланиб, қирғоқларни сув босганлиги боис деҳқончилик учун яроқсиз ҳисобланади. Шу жойдан Майлибош мавзесигача бўлган 60 верст масофада дарё бўйлари пасттекисликдан иборат бўлиб, серунум ва деҳқончилик қилиш учун қулай ҳисобланган.

1852 йилда империя Бош Штаби полковниги И.Ф.Бларамберг бошчилигидаги отряд томонидан Оқмасжид қалъасига ҳужум қилиш олдидан рекогносцировка ишлари ўтказилади. Бунда Қораўзакдан Оқмасжидгача бўлган ҳудуд, Ёмондарё ва Қораўзак оралиғидаги ҳамда Ёмондарёдаги Чимқўрғон ва Қувондарёдаги Қамишқўрғон қалъалари орасидаги ҳудуд тасвирга туширилади. Ушбу экспедицияда иштирок этган Осиё департаменти маслаҳатчиси И.Бонч-Осмоловский қозоқ қабилаларидан Сирдарё қуйи оқимидаги ҳудудларда Қўқон хонлиги бошқаруви тўғрисида қизиқарли маълумотлар олишга муваффақ бўлади [5, Б.9].

1853 йилда бу ишлар давом эттирилиб, олдинги Жулек ва Оқмасжид қалъаларининг атрофлари тасвирга туширилади. Шунингдек, А.Бутаков томонидан "Перовский" пароходида сузиш орқали Сирдарёнинг кема қатнови учун қулайлиги ўрганилади. У билан бирга сафарда бўлган капитан-лейтенант Ивашинцов томонидан эса Майлибош мавзесидан Перовский фортигача оралиқда 5та ва Қувондарёда 1та астрономик пункт харитага туширилади [5, Б.10]. Н.А.Ивашинцов томонидан Сирдарёнинг қуйи оқими ҳақида ўз кузатишлари асосида батафсил маълумот берилади. У дарёнинг физикавий хоссалари, сув оқимининг тезлиги, дарёнинг саёз-чуқурлиги, ҳарорат режими, қирғоқларнинг тавсифи каби маълумотларни келтиради. Сирдарё ва унинг ҳавзасига тегишли кузатишлари орасида у дарё қирғоқларининг жуда тез ўзгарувчанлигини қайд этади. Унинг ёзишича, бу дарё ўзанида қаттиқ жинсларнинг мавжуд эмаслиги ҳамда қирғоқдаги тупроқнинг майинлиги билан изоҳланади. Шунингдек, дарё атрофидаги тупроқнинг унумдорлиги сувга боғлиқ бўлиб, сув бормай қолган ҳудудларнинг тез орада шўрхок ерларга айланиб қолишини таъкидлайди. Унинг фикрича, бир неча янги каналлар ёки тўғонларнинг қурилиши бир неча йилда Сирдарё атрофларини бутунлай ўзгартириб юбориши мумкин [3, Б.107].

Айтиб ўтиш керакки, 1741 йилда Д.Гладишев ва И.Муравин томонидан тузилган харитада кўрсатилган Сирдарёнинг кўп ирмоқларини кейинги сайёҳлар учратмайди. А.Макшеев буни дарё қумларининг интенсив чўкиши натижасида ушбу ирмоқларнинг қуриб қолгани билан изоҳлайди. Демак, дарёнинг хусусиятларидан келиб чиқиб унинг ҳавзасидаги ландшафт ҳам вақт ўтиши билан

ўзгариб турган. Бу эса ўз навбатида Сирдарё бўйларида яшовчи аҳолининг турмуш тарзи ва машғулотларига таъсир кўрсатиб, уларни қуриб қолган ирмоқлар бўйидан бошқа ҳудудларга кўчиб ўтишга ундаган.

Айнан шу жиҳатга кўра Сирдарё бўйида қурилган қадимги шаҳарлар ва қалъалар ташландиқ ҳолатга келганлигини айтиш мумкин. А.Макшеев, Н.Ивашинцов, Л.Мейер ва бошқа тадқиқотчилар Сирдарё бўйлаб жойлашган кўплаб қалъа ва мақбараларнинг ҳаробаларини тавсифлайди.

Айтиб ўтиш керакки, айнан 1853 йилда Сирдарёда А.Бутаков томонидан "Перовский" пароходининг сувга туширилиши билан 1853-1883 йилларда фаолият олиб борган Орол флотилиясига асос солинади. Ушбу флотилияга тегишли кемаларнинг имкони борича Сирдарё юқори оқимигача қатновини таъминлаш мақсадида ҳам Сирдарё ва унинг ҳавзасида тадқиқот ишлари олиб борилади.

Сирдарёда сув ҳажмининг кемалар қатнови учун етарли эмаслиги ва дарё тубининг турли жойларда чўкиндилар ҳисобига кўтарилиб қолиши муаммосининг ечими сифатида шу соҳага дахлдор рус жамоатчилиги орасида Сирдарёдан ажралиб чиқувчи ирмоқлардан бирини тўғон билан тўсиш ва шу йўл билан Сирдарёдаги сув сатҳини кўтариш таклифи илгари сурилади. Жумладан, Л.Мейер Сирдарёдан ажралиб чиқувчи йирик Қораўзак каналини тўсиб қўйишни таклиф этади. У шундай ёзади: "Бу ишни амалга ошириш қийин деб тасаввур қилинсада, бунда маҳаллий аҳолининг тажрибасидан келиб чиқиш керак. Улар сувни исталган йўналишга буриб юбора олади. Аввало, Қораўзакни тўсиш учун Сирдарёнинг Ёмондарё деб аталувчи ўзанини текислаб, яхшилаш керак. Бу билан сув оқими яхшиланади. Шунингдек, Қораўзакни тўсишда дарё сувидаги чўкиндиларнинг ҳар қандай нарсанинг устига ўрнашиб қолиш хоссасидан фойдаланиш керак" [8, Б.253].

1879 йилда Алоқа йўллари вазирлигининг журналида Э.Соколовскийнинг "Сирдарё дарёси" номли мақоласи чоп этилади. Мақолада муаллиф Сирдарёнинг умумий оқимини тасвирлаб, унда кемалар қатновига тўсқинлик қилувчи омилларга тўхталади. У дарёнинг иккита қисмида шундай муаммолар борлигини айтади: "Биринчиси Хўжанддан дарёнинг қуйи оқими бўйлаб 40-45 верст масофада дарё тубида катта тош уюмлари мавжуд бўлган қисми, иккинчиси Перовскдан сўнг дарё икки ўзанга: бири дарёнинг давоми ҳисобланувчи Ёмондарё, иккинчиси охири ботқоқликлар билан тугайдиган Қораўзак ирмоғига бўлиниб кетадиган қисми" [11, Б.4]. Қораўзакка Сирдарё сувининг бир қисми йўналгани боис Ёмондарёда сув сатҳи камайиб, Россия пароходларининг қатновини қийинлаштирган. Соколовскийнинг ёзишича, Қораўзак билан Ёмондарёни боғлайдиган Киткансув номли кичкина бўғоз мавжуд бўлиб, 1856 йилда Оренбург губернатори В.Перовский томонидан Киткансувнинг баъзи жойлари кенгайтирилиб, Қораўзак бўйлаб сузувчи пароходларга бўғоз орқали Ёмондарёга ўтиб олиш учун қулайлик яратилади. 1857 йилда Киткансувда яна 26та кичик бурунлар қазиб олиб ташланиб, у янада кенгайтирилади [11, Б.5]. Ёмондарёнинг кема қатнови учун ноқулай эканлиги боис 1859 йилнинг қишида Қораўзакда ўлчаш ишлари амалга оширилиб, сув ёйилиб оқадиган жойда 36 верст узунликда узлуксиз оқим аниқланиб, 1860 йилдан бу жойни қамишлардан тозалаш ишлари бошлаб юборилади. Қораўзакни ўрганган рус зобитларидан Геннерих ва Левенгаген ҳам ўзанни қамишлардан тозалаш зарурлиги, шунингдек, чўкиндилар натижасида уюлиб қолган ороллларни портлатиш йўли билан йўқ қилиб, ўзанни кенгайтириш

мумкинлигини таклиф қилади. Ўша пайтда Қораўзакнинг кема қатнови учун тозаланиши бир қатор қулайликларни келтириб чиқариши мумкин эди. Биринчидан, бу Россиянинг Сирдарё бўйидаги Раим ва Перовский истеҳкомлари орасидаги масофани 70-80 верстга қисқартириши мумкин эди. Иккинчидан, Қораўзакда Ёмондарёдан фарқли равишда оқимнинг кескин бурилишлари йўқлиги сабабли кемалар камроқ таъмирталаб бўларди. Учинчидан, Қораўзакда кемалар қиш ойларида ҳам, яъни йил давомида узлуксиз қатнаши мумкин бўларди [11, Б.9].

Россия империяси томонидан Ўрта Осиёга темирйўл қуришда унинг бир қисми Сирдарёнинг Қораўзак ва Ёмондарёга ажралиши натижасида улар орасида ҳосил бўлган оролдан ўтиши мўлжалланган эди. Э.Соколовский томонидан айнан шу ишнинг истиқболларини аниқлаш мақсадида Қораўзак ва унинг атрофлари ўрганилади. Унинг таъкидлашича, дарёнинг юқори оқими бўлажак темирйўл учун ёқилғи сифатида зарур бўлган ва айни шу ҳудуддаги конларда қазиб олинадиган тошкўмир ва нефтни етказиб бериш учун хизмат қилиши лозим эди [11, Б.10].

Қораўзак ва Ёмондарё оралиғидаги оролни ўрганиш натижасида Соколовский у ерда 10 мингга яқин аҳоли яшаши, уларнинг чорвачилик ва суғорма деҳқончилик билан шуғулланиши, оролда кўплаб суғориш ариқлари ва уларнинг излари мавжудлиги, аҳолининг бу ерда қишловга қолиши каби омиллар асосида бу ердан темирйўл ўтказиш мумкин, деган хулосага келади. Фақат бунинг учун 3та сунъий кўприк, ариқлардан сув ўтиши қувурлар ўрнатилиши кераклигини айтади. Унинг фикрича, темирйўлнинг бу ердан олиб ўтилиши Қораўзакни айланиб ўтиб, мавжуд почта йўли ёқалаб қургандан қимматроқ бўлмайди. Аксинча, Соколовскийнинг фикрича, темирйўлнинг юқорида айтиб ўтилган оролдан олиб ўтилиши Ёмондарёнинг ўз-ўзидан тўсилиб, унинг сувларини Қораўзакка буриш ва кема қатновини яхшилаш имконини беради.

Шунингдек, сафар чоғида Э.Соколовский капитан-лейтенант Левенгаген билан бирга қайиқда Сирдарёнинг Хўжанд, Наманган атрофларидаги қисмида сузиб, дарё тубида кемаларнинг қатнашига тўсқинлик қилиши мумкин бўлган тош уюмларининг жойлашишини аниқлайди. Бунинг натижасида Сирдарёда навигация ишлари яхшиланади.

Сирдарё бўйида таянч истеҳкомларнинг қурилиши ҳамда кейинчалик Қўқон хонлигининг руслар томонидан эгалланиб, Фарғона вилоятининг тузилиши Сирдарёнинг юқори оқимида ҳам илмий тадқиқотлар кўламини кенгайтириш имкониятини беради.

XIX аср охирги чорагида Сирдарё бўйича олиб борилган тадқиқотлардан 1878 йилда Фарғона водийсининг рус олими ва сайёҳи А.Миддендорф томонидан ўрганилишини кўрсатиб ўтиш мумкин. А.Миддендорф Туркистон генерал-губернатори К.П.Кауфманнинг таклифи билан Рус География жамияти томонидан Туркистон ўлкасининг иқтисодий салоҳиятини аниқлаш мақсадида ташкил этилган экспедициянинг раҳбари бўлади. А.Миддендорф билан биргаликда водийнинг фаунасини ўрганиш мақсадида Зоология музейи ходими В.Ф.Руссов, муҳандис В.Перру ҳамда ботаник С.М.Смирнов сафарда иштирок этган [12, Б.140]. А.Миддендорф Фарғона водийсида 1878 йилнинг январидан июнигача сафарда бўлиб, бир мунча илмий кузатишларни амалга ошириб, уларнинг натижалари ҳақида Кауфманга ҳисобот беради. 1882 йилда эса тадқиқот натижалари батафсил баён этилган "Очерки Ферганской долины" номли китобни нашр эттиради.

А.Миддендорф ўз кузатишлари натижасида Сирдарёнинг ўзани, бошланиш

нуқтаси, дарёнинг параметрлари, суви ва чўкиндиларининг физик ва кимёвий хоссалари, дарё ҳавзасидаги аҳолининг машғулотлари, суғориш тартиби ҳақида қимматли маълумотларни беради. Жумладан, Миддендорф Хўжанд яқинида Сирдарёни илк бор кўрганда, гарчи А.П.Федченко дарёни Рейндан каттароқ деб тасвирласа-да, унга Сирдарё суви оз бўлган кичик бир тоғ дарёсидек кўринади. Фақатгина юқорироқда Наманган билан Қўқон оралиғида унинг кўз олдида кенглиги бир верстча келадиган, чуқур, тезоқар, қирғоқлари тик бўлган улуғвор Сирдарё гавдаланади.

Сирдарёда олиб борилган ўлчаш ишлари натижасида июнь ойида ҳаво ҳарорати 290С бўлган ҳолда дарё сувининг ҳарорати 240Сни кўрсатади. А.Миддендорф музликлардан оқиб келувчи сувнинг бу қадар тез юқори ҳароратга кўтарилишини дарё сувининг кўплаб каналларга тарқаб кетиши, тупроқ иссиғи таъсирида исиши ва қуёш нурлари кўпроқ тушиши билан изоҳлайди [10, Б.120]. Шунингдек, Сирдарё сувининг кимёвий таркиби таҳлил этилиб, ушбу кўрсаткичлар илгари А.Миддендорф томонидан ўрганилган Эмбах дарёси ва Байкал кўли билан таққосланади. Бунда Сирдарё суви таркибидаги олтингугурт кислотаси, хлор, кремний кислотаси, кислород, калий, натрий, кальций, магний каби элементларнинг салмоғи Эмбах ва Байкал сувлари таркибидагидан бир неча баробар ортиқ эканлиги маълум бўлади. Бундан Миддендорф шундай хулоса қиладики, Сирдарё бошланадиган ҳудудларда гил ва ош тузининг катта захираси мавжуд ва дарё мингйилликлар давомида уларнинг ишқорларини ювиб келади. Сирдарёдан ажралиб чиқувчи каналлар бўйидаги экинлар дарё таркибидаги калийнинг катта қисмини (98% гача) тортиб олиши ва дарёнинг қуйи оқимига боргани сари сув таркибидаги калий миқдори камайиб бориши кузатилади [10, Б.36]. Сирдарё суви таркибидаги кимёвий элементлар ҳамда чўкиндилар деҳқончиликда экинлар учун қўшимча ўғит бўлиши қайд этилади. А.Миддендорф Сирдарё ва Амударё сувларининг кимёвий таркибини ўрганиш орқали уларнинг Орол денгизига генетик алоқадорлик масалаларига ойдинлик киритишга уринади.

Туркистон қишлоқ хўжалигини ривожлантириш салоҳиятини аниқлаш мақсадида А.Миддендорф томонидан Сирдарёнинг ирмоқлари, дарёдан чиқарилган канал ва ариқлар, улардаги тўғонлар, маҳаллий аҳолининг суғориш ишларидаги тажрибаси каби жиҳатлар чуқур ўрганилади. Экспедиция аъзолари тупроқнинг хоссаларини ўрганишга ҳам катта эътибор бериб, кейинчалик бу ердан олиб кетилган тупроқ намуналарини А.Миддендорф Дерпт университетининг кимё фанлари профессори К.Шмидтга батафсил ўрганиш учун топширишни режалаштиради [12, Б.142]. Натижада Сирдарё ҳавзасидаги тупроқнинг кимевий хоссалари ҳақида аниқ маълумотлар тўпланади.

А.Миддендорфнинг тадқиқотлари амалий аҳамиятга эга бўлиб, кейинчалик унинг ўлка хўжалигини ривожлантириш борасида берган таклифларини ўрганиб чиқиш мақсадида К.П.Кауфманнинг топшириғи билан махсус комиссия тузилади.

Хулоса сифатида айтиш мумкинки, Сирдарё ва унинг ҳавзасини ўрганиш юзасидан рус экспедициялари томонидан олиб борилган илмий изланишлар дастлаб Россия империясининг ҳарбий-стратегик режаларини рўёбга чиқариш мақсадида амалга оширилган бўлса, XIX аср сўнгги чорагидаги ва XX аср бошидаги тадқиқотлар кўпроқ Фарғона водийси ва Сирдарёнинг қуйи оқимида суғориш ишларини такомиллаштириш, Туркистон ўлкасининг хўжалигини империя манфаатларидан келиб чиққан ҳолда ривожлантиришга қаратилган эди.

Literature:

1. https://ru.wikipedia.org/wiki/
%D0%A1%D1%8B%D1%80%D0%B4%D0%B0%D1%80%D1%8C%D1%8F
2. Дубовицкий В.В. Мотивы присоединения Средней Азии к России: от идеологических домыслов и эмоциональных оценок к геополитическому анализу // История и современность. - 2010. - №2. - С.97.
3. Ивашинцов Н. Очерки низовьев Сыр-Дарьи и при-Аральской степи. //"Туркестанский сборник". Том 384. - 1854. - С.107.
4. Лунин Б. История Узбекистана в источниках. Т.1. - Т., Фан, 1984. - С.94.
5. Макшеев А. Описание низовьев Сырдарьи.//Морской сборник, 1956. - Вып. 9. - С.9.
6. Макшеев А. Путешествие по киргизским степям и Туркестанскому краю. - СПб., 1896. - С. 53.
7. Мейендорф А. Путешествие из Оренбурга в Бухару. - М., Наука,1975. - С. 46.
8. Мейер Л. Дельта реки Сыр-Дарьи и ее отношение к России. // "Туркестанский сборник".Том 50. -
9. 1873. - С.253.
10. Миддендорф А. Очерки Ферганской долины. - СПб.: Типография Императорской Академии Наук, 1882. - С.120.
11. Соколовский Э. Река Сыр-дарья. // Туркестанский сборник. Том 291. - 1879. - С.4.
12. Сухова Н.Г., Таммиксаар Э. Александр Федорович Миддендорф: к двухсотлетию со дня рождения. - СПб.: Нестор-История, 2015. - С.140.

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ
LOOK TO THE PAST
ЎТМИШГА НАЗАР

Эшмуродов Суҳроб
Тошкент шаҳридаги Инха университети
Маънавият ва маърифат бўлими
етакчи мутахассиси

ЎЗБЕКИСТОНДА СОЛИҚ СОҲАСИДА АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН ИСЛОҲОТЛАР ВА ФУҚАРОЛАРГА БЕРИЛАЁТГАН ИМКОНИЯТ ВА ИМТИЁЗЛАР

http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2019-1-13

АННОТАЦИЯ

Солиқлар бу давлатнинг иқтисодий таянчидир. Мустақиллик йилларида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш учун имконият ва имтиёзлар бериб келинмоқда. Ушбу мақолада ҳозирги кунда солиқ тизимида жисмоний ҳамда юридик фуқароларга берилаётган имконият ва имтиёзлар ҳақида тўхталиб ўтилган.

Калит сўзлар: Солиқлар, давлат бошқаруви, имконият, имтиёз, ислоҳотлар, Ўзбекистон солиқ тизими, солиқ хизмати, фуқаролар, солиқ юки.

Эшмуродов Сухроб
Ведущий специалист отдела по духовности
и просветительству, университет Инха

РЕФОРМЫ, ПРОВОДИМЫЕ В СФЕРЕ НАЛОГООБЛОЖЕНИЯ, И ВОЗМОЖНОСТИ И ЛЬГОТЫ ГРАЖДАНАМ В УЗБЕКИСТАНЕ

АННОТАЦИЯ

Налоги являются экономической основой этого государства. В годы независимости были предоставлены возможности и льготы для развития малого бизнеса и частного предпринимательства. В статье рассматриваются возможности и льготы, предоставляемые в настоящее время физическим и юридическим лицам в налоговой системе.

Ключевые слова: Налоги государственное управление, возможность, льгота, реформа, налоговая система Узбекистана, налоговая служба, граждане, налоговая нагрузка.

Eshmurodov Sukhrob
Leading Specialist of the Department
of Spirituality and Enlightenment, university Inha

REALIZATIONS AND RECENT DEVELOPMENTS IN UZBEKISTAN IMPORTANCE AND IMPACTS FOR CITIZENS

ANNOTATION

Taxes are the economic support of the state. Over the years of independence, opportunities and privileges have emerged for the development of small business and private entrepreneurship. This article

highlights the opportunities and benefits available to individuals and legal entities in the tax system.

Keywords: Taxes, public administration, opportunity, privileges, reforms, tax system of Uzbekistan, tax service, citizens, the tax burden.

Ҳар бир мамлакатда солиқ тизимининг ташкил этилиши, уларнинг таркиби, ундириб олиш усуллари маълум даражада ўзига хос хусусиятга эга.Тарихан солиқлар, давлатни сақлаб туриш учун зарур бўлган мажбурий тўловлар сифатида, давлат пайдо бўлиши билан вужудга келган. Солиқлар, давлат фаолият кўрсатишининг моддий асосини ташкил этади, уларнинг иқтисодий табиати худди шу ердан келиб чиқади. Шундай экан юртимизда солиқ соҳасида олиб борилаётган ислоҳотларни ҳар бир фуқаро тўғри тушуниши ва англаши лозим.

Ўзбекистонда солиқ тизими уларнинг ривожланишини ўрганиш бугунги кунда мустақил мамлакатимизда солиқ тизими соҳасида амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотлар билан муштарак тарзда таҳлил этилиб борилмоқда.

Ислоҳотлар натижасида аҳолининг турмуш даражаси ва реал даромадлари ошиб бормоқда. Шундай бўлса-да, бу борада ҳали Ҳукумат, марказий иқтисодий идоралар ҳамда барча даражадаги ҳокимликлар олдида кўплаб вазифалар турибди. Мамлакатимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини таъминлашнинг энг самарали йўли бу-тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш эканини ҳаётнинг ўзи кўрсатмоқда. Шундай экан тадбиркорлик фаолиятига тўсиқ бўлиб турган барча муаммо ва камчиликлар айтилиб, уларни олдини олиш бўйича аниқ чоралар кўрилмоқда. Ундан ташқари фуқароларга солиқларни ўз вақтида тўлаш, солиқ мажбуриятлари,

солиқларни сарфланиши ҳақида ҳам фуқароларга тушунтириш ва тарғибот ишлари олиб борилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида ҳам фуқаролар қонун билан белгиланган солиқлар ва маҳаллий йиғимларни тўлашга мажбурдирлар[1] деб белгилаб қўйилган.

Шундай экан ҳар бир фуқаро солиқларни ўз вақтида тўлаши лозимдир. Аҳамият қаратишимиз лозимки, давлатимиз томонидан фуқароларга бир қанча имтиёз ва имкониятлар яратилмоқда.

Ҳусусан, Ўзбекистон тарихида илк маротаба ишлаб чиқилган "Ўзбекистон Республикаси Солиқ сиёсатини такомиллаштириш концепцияси"[2] га асосан, жисмоний ва юридик шаҳсларга бир қанча имтиёзлар берилмоқда.2019 йил 1 январдан бошлаб, жисмоний шахслар учун ҳозиргача амал қилиб келган энг юқори 22,5 фоизлик даромад солиғи ставкаси ўрнига 12 фоизлик ставка белгиланди, 8 фоизлик суғурта бадали эса бекор қилинди.


Бизнес ҳамжамияти учун энг оғир ҳисобланган ягона ижтимоий тўлов ставкаси илгариги 25 фоиз ўрнига 12 фоиз этиб белгиланди. Бюджетдан ташқари пенсия, йўл ва таълим бўйича мақсадли жамғармаларга 3,2 фоиз миқдоридаги мажбурий тўлов бекор қилинди.

Божхона тўлов ставкалари қайта кўриб чиқилиб, 3,5 мингга яқин товарлар бўйича бож миқдори ва 800 га яқин товарлар бўйича акциз солиғи ставкалари камайтирилди[3]. Бу эса ҳар бир тадбиркор ва меҳнат қилаётган фуқароларимизга иқтисодий ҳолатини яхшилаш имконини бермоқда. Агарда хорижий давлатлар жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи ставкаларини кўрадиган

бўлсак, 2019 йил 1 январдан бошлаб биз ҳам бу ўринда анча юқорилашга эришамиз. Аҳолимизнинг реал даромадлари ошишига хизмат қилишиниқўришимиз мумкин бўлади.

Ҳорижий давлатлардан жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи Ўзбекистон ҳам анча юқори поғоналарни эгаллашини кўришимиз мумкин бўлади. Ушбу кўрсаткич бўйича Россия федерацияси, Белоруссия давлатларида ҳам жисмоний шаҳслардан 13 фоизли даромад солиғи кўришимиз мумкин.

1-жадвал



Ушбу жадвалда кўриб турганимиздек, Ўзбекистон жисмоний шаҳслардан олинадиган даромад солиғи бошқа ҳорижий мамлакатлардан ҳам пасайтиришга ҳаракат қилинмоқда.

Мустақиллик йилларида солиқ сиёсатига жуда катта аҳамият қаратилди. Ўзбекистон Республикаси биринчи президенти И.А. Каримов "Солиқ сиёсатининг вазифаси - бир томондан, давлат бюджети даромадининг барқарор сафарбарлигини таъминлашдан, иккинчидан, корхоналарни республика учун зарур бўлган маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кўпайтиришга рағбатлантиришдан иборат",[4]деб алоҳида таъкидлаб ўтган.Шу орқали аҳолининг реал даромадларини оширишга хизмат қилади.

Ҳозирги вақтда солиқ соҳасидаги ислоҳотлар натижасида ҳусусий тадбиркорлик ва оилавий бизневга кенг йўл очилмоқда. Солиқ ҳодимлари ҳам тадбиркорларни режали текшириш бекор этилганини бунинг яққол намунасидир дейиш мумкин.

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида солиқ юкини камайтириш ва солиққа тортиш тизимини соддалаштириш сиёсатини давом эттириш, солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштириш ва тегишли рағбатлантирувчи чораларни кенгайтиришбўйича аниқ чоралар давлатимиз раҳбари томонидан аниқ белгилаб берилди[5].

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 18 июль куни "Солиқ маъмуриятчилигини тубдан такомиллаштириш, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг йиғилувчанлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори қабул қилинди. Қарорга кўра 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясидаги солиқ солиш тизимини изчиллик билан соддалаштириш, солиқ солинадиган базани кенгайтириш орқали солиқ юкини пасайтириш каби вазифалар ижроси юзасидан, шунингдек солиқ маъмуриятчилигининг замонавий услубларини жорий этиш, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг йиғилувчанлигини ошириш мақсадида аниқ чора тадбирлар ишлаб чиқилди.

Ҳозирги вақтдадавлат солиқ хизмати органларини солиқ тўловчиларнинг бизнес-ҳамкори ва маслаҳатчиси сифатидаги янги имиджини яратиш орқали хизмат кўрсатишга йўналтирилган идорага айлантириш, ҳар бир ходим томонидан "Солиқ хизмати-инсофли солиқ тўловчиларнинг ишончли ҳамкори" деган мақсадли вазифани сўзсиз бажаришга ҳаракат қилмоқда. Тадбиркорлик фаолиятини янада ривожлантириш бўйича солиқ хизмати ходимлари ҳам кўмак беришмоқда. Улар учун махсус ўқув семинар ва тренинглар ташкил этилмоқда. Тадбиркорларни қийнаётган муаммоларни солиқ тизими ходимлари томонидан уларга кўмак ҳамда йўл-йўриқлар кўрсатилмоқда.

Хулоса сифатида шуни айтишимиз мумкин, Ўзбекистонда солиқ тизими бўйича жуда катта ислоҳотлар даври эканлигини кўришимиз мумкин. Бу ислоҳотлар натижасида юртимизнинг янги даври ва янги қиёфага кириб бормоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг олиб бораётган ислоҳотлар натижасида халқимизнинг реал даромадлари ошаётганини кўришимиз мумкин. Бундан эса фуқароларимиз жуда ҳурсанд бўлиб, келажакга янада катта ишонч ва умид билан қаттиқроқ меҳнат қилмоқдалар.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 51-модда Тошкент 2017 йил.
2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг "Ўзбекистон Республикаси солиқ сиёсатини такомиллаштириш концепсияси" тўғрисидаги фармони ПФ-5468-сон 29.06.2018 й.
3. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг "Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 26 йиллиги муносабати билан тантанали тадбирда қилган маърузаси. 2018 йил 7 декабрь.
4. Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари. -Т.: Ўзбекистон, 1998. 52-б.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 ил 7 февралдаги "2017-20121 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида"ги ПФ-4947-сонли Фармони// Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й. 6-сон.

Мамадалиев Хушнуд Исломжонович
Наманган давлат университети катта ўқитувчиси

ФАРҒОНА ВОДИЙСИ ШАҲАРЛАРИ ҲУДУДИ ВА АҲОЛИ ТАРКИБИДАГИ ЎЗГАРИШЛАР
XIX аср охири XX аср бошлари

http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2019-1-14

АННОТАЦИЯ

Мазкур мақолада Россия империяси томонидан Қўқон хонлигини босиб олингандан кейин шаҳарлар ҳудуди ва аҳоли таркибидаги ўзгаришлар ҳақида фикр юритилади.
Калит сўзлар: уезд, темир йўл, оқсоқиллик, қўрбоши, волост, верст

Мамадалиев Хушнуд Исломжонович
Старший преподаватель
Наманганского государственного университета

ИЗМЕНЕНИЯ ТЕРРИТОРИ ГОРОДОВ И СОСТАВА НАСЕЛЕНИЯ ФЕРГАНСКОЙ ДОЛИНЫ
XIX начале XX века

АННОТАЦИЯ

В этой статье рассматриваются вопросы изменений территорий и состава населения городов после завоевания Кокандского ханства Российской империей
Ключевые слова: уезд, железные дороги, аксаксалство, курбаши, волость, верст

Mamadaliyev Xushnud Islomjonovich,
Senior techer. Namangan State University

CHANGES IN URBAN AREAS AND COMPOSITION OF THE FERGANA VALLEY
at the end of the XIX beginning of the XX century

ANNOTATION

This article discusses the changes in the territories and population of cities after the conquest Kokand khanate by the Russian Empire
Key words: district, railways, aksakals, kurbashi, volost, vyorst (unit of measurement)

Фарғона вилоятининг маъмурий маркази аввал Қўқон шаҳри бўлган. 1877 йил 27 апрелда вилоят маркази Эски Марғилон шаҳридан 12 верст (1 верст 1,0668 км) узоқликда жойлашган Янги Марғилонга кўчирилди. 1877 йили 1 июнда Қўқондаги алоҳида шаҳар бошқаруви тартиби тугатилиб, шаҳар бошқаруви 1917 йилгача уезд бошлиғи ихтиёрига ўтказилган[1].

Вилоят олтита уезддан ташкил топиб, булар Қўқон уезди (маркази Қўқон), майдони 13213 кв.верст; Марғилон - майдони 14040 кв. верст; Андижон (маркази Андижон)-майдони 13314 кв.верст; Наманган уезди (маркази Наманган)[2], майдони 5652 кв.верст; Чуст уезди (маркази Чуст) - майдони 9590 кв. верст; Ўш уезди (маркази Ўш) - майдони 25228 кв. верст эди[3].

Булардан Қўқон уезди 1976 йил 6 мартда ташкил топиб, учта участкага бўлинди. Уездда 23 волост, 57440 хонадон бўлиб, улардан 793 хонадон ерсиз бўлган. Аҳолининг ерсиз қатлами бойлар ерларида мардикор-чорикор, ёки шаҳарларда ҳунармандчилиқ, мавсумий ишчи бўлиб фаолият кўрсатганлар. 1887 йилда Қўқон шаҳри аҳолиси 150 минг нафарни ташкил қилган ва улардан 3069 нафари саноатчи ва ҳунарманд, 2169 нафари савдогар, қолганлари эса деҳқонлар, ишчи, мардикор бўлган. Шаҳар аҳолиси ҳарбийлар ва Россиядан кўчиб келганлар ҳисобидан кўпайиб боргани учун 100000 сажен маҳаллий аҳолиниг ерлари кўчиб келганлар учун тортиб олинди[4].

Қўқонга темир йўлнинг етиб келиши натижасида шаҳарнинг ижтимоий-иқтисодий аҳволи ўзгарди. 1907 йилга келиб шаҳарда 15793 та уй бўлса, 1916 йилда уларнинг сони 18400 тага етгани аниқланган.

Қўқон полиция бошлиғи - полицмейстери шаҳар бошлиғи (градоначальник) ҳисобланган. Унинг вазифалари шаҳар полиция бошқарувига берилади. Унинг ёрдамчиси вилоят ҳарбий губернатори томонидан таинланадиган қўрбоши бўлган. Қўрбоши ўз миршаблари билан асосан шаҳарнинг эски қисмида фаолият олиб борган. Полиция таъминоти аҳолининг зиммасига тушган.

Марғилон уездида 1877 йилда 15 та волост, 119 та оқсоқоллик, 21 қози бўлган[5]. Марғилоннинг ўзида 4 та оқсоқиллик ташкил қилинди. Уезд маркази Марғилон шаҳрида 46 780 киши яшаган ва унда 137 та мактаб, 254 та масжид ва 14 та завод бўлган.

Андижон уезди 1876 йил 6 мартда Туркистон генарал-губернатори буйруғи асосида ташкил қилинди. XX асрнинг бошларига келиб бу ерда иккита меҳмонхона, черков, 7795 та хонадон (улардан 150 таси европоликлар оиласи), 236 та масжид, 36 та пахта тозалаш, 2 та ёғ-мой заводлари бўлган[6].

Андижон шаҳари бўйича аҳоли таркиби қуйидагича эди:

Миллат	Эркаклар	Аёллар	Умумий
Рус	105	63	168
Сарт (ўзбек)	13. 604	16. 095	29. 699
Тожик	415	380	795
Қирғиз	30	24	54
Хинд	33		33
Яҳудийлар	120	102	222
Лўли	27	30	57
Умумий	14. 334	16. 694	31028 тани ташкил этган

Андижон уезди бўйича эса аҳоли таркиби қуйидагича эди:

Миллат	Эркаклар	Аёллар	Умумий
Рус	12	4	16
Сарт(ўзбек)	21082	29302	50384
Тожик	3475	3704	7179
Қирғиз	17005	18300	35305
Хинд	67		67
Еврей	281	172	453
Лўли	397	305	702
Умумий	42319	51787	94106

Умуман олганда уезд бўйича аёллар сони 68481 нафарни, эркаклар сони эса 56653 кишини ташкил этган. Андижон уездида 1885 йили маълумотига қараганда жами 125134 киши яшаган[7].

Наманган уезди ҳам 1876 йил 6 мартда ташкил қилинади. Маркази Наманганнинг эски шаҳрида 12100 хонадон, 331 масжид, 11 қабристон, 120 дан ортиқ бошланғич ва ўрта мактаб бўлган. Шаҳар аҳолиси 73 минг киши, улардан 900 та рус бўлган. XX асрнинг бошларида шаҳарнинг янги қисмида 60 хонадон (аксарияти европолик аҳоли), уезд маъмурияти, казарма, православ черкови, билми юрти, рус-тузем мактаби, почта-телеграф, касалхона, ҳарбийлар уй ва хиёбон жойлашган эди. 1881 йилга келиб Наманган уездида 12 волост бўлиб, улар қишлоқ жамоалари ва овулларга бўлинган эди. 1897 йилги маълумотларига қараганда Наманган уездида 26 та пахта тозалаш заводи, 1 тадан вино ва пиво заводлари, 726 та тегирмон, 1231 та ёғ тегирмони, 32 та совун ишлаб чиқариш корхонаси, 15 та чуян қуйиш корхонаси, 78 та кулолчилик, 30 чарм корхонаси, 12 ғишт заводи, 49 тўқув, 67 та ипак ишлаб чиқариш корхонаси ва 45 ипак йигирув корхонаси бўлган[8].

Архив маълумотларига қарганда 1885 йилда Наманган шаҳар аҳолиси таркиби қуйидагича бўлган:

Миллат	Эркаклар	Аёллар	Умумий
Рус	74	67	141
Сарт	16254	14005	30259
Коратегин	44	17	61
Қипчоқ	11	10	21
Еврей	58	56	114
Хинд	22		22
Дунган	6		6
Умумий	16488	14155	30643 та

Наманган уезди бўйича эса аҳоли таркиби

Миллат	Эркаклар	Аёллар	Умумий
Рус	6	3	9
Сарт	14628	12454	27082
¤збек	2801	2296	5097
Тожик	2164	1735	3899
Јипчоі	982	801	1783
Јурама	181	111	292
Јораіолпоі	514	353	867
Турк	880	612	1492
ЈирІиз	9673	9424	19097
Хинд	3		3
Умумий	31832	27789	59621та

жами 90264 нафар кишидан иборат эди[9].

Ўш уезди Туркистон генарал-губернатори фармонига биноан 1876 йил 6 мартда ташкил этилди. 1888 йили 19 январга келиб Ўш уездида Жалолқудуқ (9 та қишлоқ жамоаси, 628 уй ва юрталари билан), Ғулча (10 овул, 1608 та юрта билан), Булоқбоши (12 қишлоқ жамоаси, 1710 уй ва юрталари билан), Ўш (қишлоқ жамоаси 11 та, 1796 уй ва юрта билан), Олой волости (12 қишоқ жамоаси, 1168 уй ва юрталар билан), Навкат (6 та қишлоқ жамоаси, 550 та уй ва юрталар билан) волостлари бўлган[10]. XX асрнинг бошларига келиб шаҳарда 6253 хонадон (44204 нафар, улардан 915 нафар рус), черков, 100 дан ортиқ масжид, 56 та ўқув муассасаси бўлган.

1898 йилда Ўш уедида 1275 нафар рус, 61089 нафар маҳаллий аҳоли бўлган.

Чимён уезди Чимён ва Сўх саркорлиги ҳудудида юқорида кўрсатилган санада ташкил этилган. Маркази дастлаб Водил эди. 1879 йил 3, 6, 7 ва 13 мартда уезднинг чегаралари ва таркиби кўриб чиқилди ва уездга Исфара номи берилди ва маркази ҳам шу шаҳрга кўчирилди. 1881 йили уезд тугатилиб унинг бир қисми Исфара райони, бир қисми Қўқон уездига қўшилди. Исфара, Риштон, Сўх, Навғут, Қипчоқ, Лайлак, Қўқонча, Чимён, Олтиариқ, Найман ва Яйпан волостлари Марғилон уездига қўшиб юборилди.

Янги Марғилон уезди ҳам айни шу 1876 йил 6 мартдаги фармон билан ташкил этилади. Маркази Янги Марғилон этиб танланди ва марказ қуриш учун 1877 йид 19 апрелда рухсат берилди. 1916 йил 15 декабрда шаҳар ҳудуди 850 десятинани ташкил қилган. Ундан 232 десятинада хусусий уйлар, 185 десятинасида кўча ва майдонлар, 74 десятинасида давлат ва жамоат бинолари, 239 десятинасида ҳарбий қисмлар жойлашган. Экин ерлари 56 десятина, 35 десятина эса ўтлоқларни ташкил қилган. Шу йил январига келиб шаҳарда 16023 нафар киши яшаган. Улардан 9500 киши руслар, 5850 сарт (ўзбек)лар, 10 киши ҳинд, 110 яҳудий, 538 киши эса кавказдан бўлган.

Янги Марғилон вилоятдаги барча янги шаҳарлари сингари ҳарбий кучларни сақлаш маркази сифатида барпо этилган[11]. Маъмурий ва ҳарбий марказ сифатида

амал қилиши учун қўшин ва ҳарбий иншоотлари учун 1877-1883 йй. 844736 рубл маблағ сарфланган. Маъмурий биноларга 689134 рубл, шаҳар қурилишига 283716 рубл, жами 1817586 рубл сарфланди. Шаҳарда 312 бино, жумладан 77 уй, 205 майда савдо расталари қурилган. 1876 йил 15 июлда шаҳарда асосан руслар яшаганлари учун ўзини-ўзи бошқариш ҳуқуқи берилади. Шаҳар маъмурияти шаҳар бошлиғи, катта ва кичик ёрдамчилари, иш бошқарувчилари, таржимон ва котиб - мирзолар кирган. Мустамликачи маъмурияти ўз ёвуз ниятлари ва мақсадларини, жиноятларини "абадийлаштириш" йўлида шаҳарга 1907 йили Янги Марғилон[12], 1910 йил уездга Скобелев номини бердилар.

Янги Марғилон шаҳри аҳолиси бошқа шаҳарларга нисбатан тез ошиб борган. Бунинг сабаби бу ерда шаҳарнинг ягона қисм - европолик қисмдан иборатлиги, савдо-сотиқ учун қулайлиги ва маданий ҳаётнинг ривожи бўлган. 1887 йилда шаҳарда 196 хонадон (4 мингга яқин аҳоли билан) бўлса, 1913 йилга келиб уларнинг сони 2005 тага етади. Аҳолининг сони 1900 йили 6518 киши, 1911 йилда 11000 киши бўлиб, улардан 7000 киши руслар бўлган. Фарғона вилояти шаҳарларида аҳолининг кўпайиши империянинг марказий ҳудудларидан кўчириб келтирилганлар ҳамда қишлоқ жойларидан оғир иқтисодий аҳвол натижасида тирикчилик учун келаётган собиқ деҳқонлар ҳисобидан бўлганини такидламоқ лозим.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. ЎзР МДА. И-1, 16 рўйхат 1889-иш, 36 варақ.
2. Акрамов З.М. Наманганская область. - Ташкент: Фан, 1964. - 29 б.
3. Отчет о состоянии Туркестанского края, составленный сенатором тайным советником Гирсом, командированным для ревизии края по высочайшему повелению. - Санкт-Петербург, 1888. - С.7.
4. Губаева С.С. Население Ферганской долины... Ташкент, 1991. - С. 102.
5. ЎзР МДА. И-19-фонд, 1-рўйхат, 635-иш, 19-28 варақ орқаси.
6. Масальский. Туркестанский край. / Россия. Полное географическое оисание нашего отечества. Под ред. В.П. Семенов-Тянь-Шанского. - Санкт-Петербург, 1913. Т. XIX. - С. 705.
7. ЎзР МДА 19 фонд, 1 рўйхат, 1520 иш, 74 варақ орқаси, 75варақ.
8. ЎзР МДА. И-19-фонд, 1-рўйхат, 5512-иш, 29 варақ.
9. ЎзР МДА 19 фонд, 1 рўйхат, 1520 иш, 297 -298 варақ.
10. ЎзР МДА. И-19-фонд, 1-рўйхат, 635-иш, 37-40 варақ.
11.Нильсен В.А. У истоков современного градостроительства Узбекистана (XIX - начало XX веков). - Тошкент: Фан, 1988. - С. 119-129.
12. Приказ по Военному Ведомству от 2 ноября 1907 года за № 563. В "Статистичекий обзор Ферганской области за 1907 годъ" Скобелев: Типография Ферганского Областного Правления. 1909. - С.9.

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ
LOOK TO THE PAST
ЎТМИШГА НАЗАР

Тоғаева Анора Зайниддиновна
Тарих фанлари номзоди
ЎзР ФА Тарих институти

РУС ТАДҚИҚОТЧИЛАРИ ТОШКЕНТ–ОРЕНБУРГ ТЕМИР ЙЎЛИНИНГ ИҚТИСОДИЙ АҲАМИЯТИ ХУСУСИДА

http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2019-1-15

АННОТАЦИЯ

Мақолада XX асрнинг бошларида қурилган Тошкент-Оренбург темир йўлининг Туркистон ўлкаси иқтисодий ҳаётида тутган ўрни масалалариёритилган. Жумладан, асосий эътибор рус тадқиқотчиларининг асарлари ва бошқа манбаларда темир йўлнинг иқтисодий аҳамияти ҳақида келтирилган фикрлар таҳлилига қаратилган.

Калит сўзлар: Тошкент-Оренбург темир йўли, верст, иқтисодий, рус тадқиқотчилари, экспедиция, Сирдарё вилояти, пахтачилик, балиқчилик, чорвачилик, саноат.

Тагаева Анорой Зайниддиновна
Институт истории АН РУз

РУССКИЕ ИССЛЕДОВАТЕЛИ ОБ ЭКОНОМИЧЕСКОЙ ЗНАЧЕНИИ ТАШКЕНТСКО-ОРЕНБУРГСКОЙ ЖЕЛЕЗНОЙ ДОРОГИ

АННОТАЦИЯ

В статье освещается роль в экономической жизни Туркестанского края Ташкентско-Оренбургской железной дороги,построенной в начале XX века. В частности, уделяется основное внимание анализу мнений относительно экономической значимости железной дороги, приведенных в трудах русских исследователей и других источниках.

Ключевые слова: Ташкентско-Оренбургская железная дорога, верста, экономический, русские исследователи, экспедиция, Сырдарынская область, хлопководство, рыболовство, животноводство, промышленность

Tagaeva Anoroy Zayniddinovna
Republic of Uzbekistan Academy
of sciences Institute of History

RUSSIAN RESEARCHERS ON ECONOMIC SIGNIFICANCE OF TASHKENT–ORENBURG RAILWAY

ANNOTATION

The article sheds the light of Tashkent-Orenburg railway in economic life of Turkestan region, that were built in the beginning of the 20-th century. Particularly putting a special attention to analysis of

opinions relating to the economic significance of the railway that have been cited in the works of Russian researchers and other sources.

Key words: Tashkent-Orenburg railway, verst, economic, russian researchers, expedition, Syrdarya region, cotton growing, fishing, stockbreeding, industry.

Туркистонни Россия империясининг марказий ҳудудлари билан боғлайдиган Тошкент-Оренбург темир йўлининг қурилиши нафақат ўлкада, балки Россия империяси миқёсида амалга оширилган муҳим тадбирлардан бири бўлган эди. Умумий узунлиги 1736 верстни ташкил этган Тошкент-Оренбург темир йўлининг Оренбургдан Кубеккача бўлган шимолий қисми 1905 йилнинг 26 июлида, Тошкентдан Кубеккача бўлган жанубий қисми эса 1906 йилнинг 1 январида фойдаланишга топширилган.

Ўз даврида Тошкент-Оренбург темир йўлининг қурилиш тарихи ва 1917 йилга қадар бўлган фаолияти рус тадқиқотчиларининг асарлари ҳамда даврий матбуотда кенг ёритилган. Уларда асосий эътибор Россия империяси ҳукуматининг Тошкент-Оренбург темир йўлини қуришдан кўзлаган стратегик мақсадлари, темир йўлни лойиҳалаштириш жараёнидаги муҳокама ва мунозаралар, темир йўл қурилиши жараёни ва у билан боғлиқ муаммолар, темир йўлнинг Туркистон иқтисодий ҳаётига кўрсатган таъсири, темир йўл қурилишининг ижтимоий оқибатлари ва ишчи-хизматчиларининг аҳволи, темир йўл хизматининг ташкил этилиши ва унинг фаолиятидаги муаммолар каби масалаларни ёритишга қаратилган.

Хусусан, В.Н. Антипин ва Н.Н. Левашевларнинг тадқиқотида Тошкент-Оренбург темир йўли лойиҳалари ва уларнинг муҳокамаси жараёни, темир йўл ўтган ҳудудларнинг табиий-географик тузилиши тўғрисидаги маълумотлар келтирилган ҳамда бу омилларнинг темир йўл фаолиятида нечоғлик аҳамият касб этиши борасидаги мулоҳазалар билдирилган.[1]

1906-1909 йилларда Тошкент-Оренбург темир йўл бошқарувида раҳбарлик лавозимида ишлаган Н.П. Верховскийнинг асарларида[2] Тошкент-Оренбург темир йўлининг иқтисодий, тижорат, хўжалик, молиявий ҳолати ва фаолияти таҳлил этилган бўлиб, уларда мазкур темир йўл хизматининг йўлга қўйилиши, бу борадаги ютуқлар ва муаммолар тўғрисида муҳим маълумотлар келтирилган.

А.И. Дмитриев-Мамонов асарларида ҳам Тошкент-Оренбург темир йўлининг қурилиши тарихи, темир йўл лойиҳасининг муҳокама қилиниши жараёни ёритилган. Шу билан бирга, муаллиф темир йўл қуриб, ишга туширилганининг дастлабки йилларида унинг фаолиятида учраган камчиликлар борасида ҳам маълумотлар берган.[3]

В.В. Заорская ва К.А. Александерларнинг тадқиқоти[4] Тошкент-Оренбург темир йўли қурилиши натижасида Туркистон ўлкасининг иқтисодий ва ижтимоий ҳаётида рўй берган ўзгаришларни ўрганиш ва таҳлил қилишда муҳим аҳамият касб этади. Мазкур асарда Тошкент-Оренбург темир йўлининг Туркистон ўлкаси, жумладан, Сирдарё вилояти ҳамда Тошкент шаҳрида ишлаб чиқариш, савдо ва хусусан саноатнинг ривожланишига кўрсатган таъсири таҳлил қилиниб, фактлар асосида кўрсатиб берилган.

М. Терентьев, А. Кривошеин,Н. Малаховский, С. Гулишамбаров каби муаллифларнинг асарларида[5] Россия империясининг Тошкент-Оренбург темир йўлини қуришдан кўзлаган мақсадлари, темир йўл қурилиши натижасида ўлканинг иқтисодий ҳаётида ҳамда унинг Россия империяси билан савдо алоқаларида содир бўлган ўзгаришлар ҳақида қизиқарли фикр-мулоҳазалар ва маълумотлар қайд этилган.

Тошкент-Оренбург темир йўли қурилиши ушбу йўл ўтган ҳудудларда ўзаро алоқаларнинг ва турли соҳаларнинг ривожланишга таъсир кўрсатди. Мазкур темир йўл Самарадан 40 верст узоқликдаги Кинел станциясидан тортиб, Тошкентгача бўлган масофада Россиянинг Самара губерниясини - 249 верст, Оренбург губерниясини - 205 верст, Урал областини - 122 верст, Тўрғай областини - 531 верст, Туркистон ўлкасининг Сирдарё областини - 983 верст узунликда кесиб ўтган.[6] Умумий ҳисобланганда, Тошкент-Оренбург темир йўли 700 верст узунликдаги масофада маданий жиҳатдан ривожланган, деҳқончилик учун яроқли ерлардан, 1400 верст узунликдаги масофада ҳосилсиз ва сувсиз саҳролардан ўтган эди.[7]

Тошкент-Оренбург темир йўли ўз узунлигининг 600 верст атрофидаги масофасида Сирдарё дарёси бўйлаб ўтган эди.[8] Демак, ушбу ҳудудларнинг ҳатто ўзлаштирилмаган қисмини ҳам сунъий суғориш системасини қўллаган ҳолда деҳқончилик тараққий этган ҳудудга айлантириш имконияти мавжуд эди.

Тошкент-Оренбург темир йўли масофасининг Ўрта Осиё темир йўлига нисбатан қисқалиги йўловчилар қатнови учун ҳам қулайликлар туғдирган эди. Илгари, Ўрта Осиё темир йўли орқали Тошкентдан Москвагача бўлган масофа 6,5 суткада босиб ўтилган бўлса, Тошкент-Оренбург темир йўли орқали 4 суткада 3148 верстлик масофани босиб ўтиб, империя марказига етиб бориш имконияти пайдо бўлди. Бу ўз навбатида қатнов нархининг арзонлашганига сабаб бўлди. 1906 йилга оид матбуот хабарларида келтирилишича, Тошкент-Оренбург темир йўлида III класс вагонининг нархи - 17 руб 60 к. эди. Тошкентдан Красноводск орқали Москвага кетиш учун эса, 34 руб 70 к. сарфланган, II классдаги пароход билан кетиш учун эса 45 руб. 80 к. лозим бўлган.[9] Тошкент-Оренбург темир йўли ўз фаолиятини бошлаган илк йиллардан бошлаб, темир йўлида юк ва йўловчи ташиш ҳажми йил сайин ошиб борган.[10] Жумладан, 1905 йилда 466.750 йўловчи ва 51.455.635 пуд юк ташилган бўлса, 1907 йилда 1.060.686 йўловчи ва 107.288.208 пуд юк ташилган.

Маҳаллий нашрларда ҳам Тошкент темир йўлида поездлар қатнови ҳақидаги маълумотлар бериб борилган. Жумладан, "Тужжор" газетасининг саҳифаларидан ўрин олган "Тошкент темир йўлининг поездлари Тошкентга келиб-кетишлари" номли мақолада поездлар жадвали ва бошқа маълумотлар келтирилган.[11] Худди шу мазмундаги маълумотлар "Садои Туркистон" газетаси саҳифаларида ҳам чоп этиб борилган.[12]

"Тошкент-Оренбург темир йўли тижорат йўналиши сифатида ҳам катта муваффақиятларга эриша бошлади. Ваҳоланки, Россия ҳукумати ушбу йўлнинг ҳарбий-стратегик аҳамиятини биринчи ўринга қўйган эди, - дейилади яна бир адабиётда, - унинг географик жиҳатдан қулай ҳудудлардан ўтганлиги оқибатида 1909 йилдан бошлаб мунтазам равишда эксплуатация даромадларининг харажатлардан ошиб кетганини кўриш мумкин".[13] Бошқа бир муаллифнинг хабар беришича, эндигина ишга туширилган Тошкент-Оренбург темир йўли даромад келтириш борасида бошқа рус темир йўлларини ортда қолдира бошлаган. Йўлдан фойдаланиш харажатга нисбатан даромад 1910 йилда 7 миллион рублни, 1911 йилда эса 8 миллион рублдан ошиқроқни ташкил этган.[14]

Россия империяси ҳукуматининг Тошкент-Оренбург темир йўлини қуришдан кўзлаган асосий мақсадларидан бири ўлкага Оренбург ва Самара губернияларидан буғдой ва дон маҳсулотларини етказиб бериш, Туркистоннинг дон экиладиган

ерларини пахта майдонларига айлантиришдан, етиштирилган пахта толасини империянинг марказий ҳудудларига ташиб кетилишини осонлаштиришдан иборат эди. Кўрилаётган даврга оид манбада: "Каспийорти темир йўлининг ишга туширилиши ўлкада пахтачиликнинг тараққий этишига ғоят катта таъсир этган бўлса, Тошкент темир йўлининг қурилиши муносабати билан бундай имконият янада кенгайди", - дейилади.[15]

Тошкент темир йўлининг қурилиши пахта хомашёсининг Москва ва Лодзга тўғридан-тўғри етказиб берилишига олиб келди. Ҳар иккала ўртадаги масофанинг қисқарганлиги, пахта ташиш қийматининг арзонлашганлиги, йўлда ҳосил сифати бузилиши ҳолатларининг камайиши, темир йўл ўтадиган районларда пахта майдонларининг кенгайиши ўлкада пахтачиликнинг ривожланишига муҳим туртки бўлди.[16] Туркистонда пахта етиштириш кўпайиб, 1905-1909 йилларда ўлкада йилига ўртача 270 минг десятина ерга пахта экилган бўлса, 1910-14 йилларда эса йилига ўртача 418 минг десятина ерга пахта ҳосили экилди.[17]

Тошкент-Оренбург темир йўли қурилиши муносабати билан Сирдарё вилоятида пахта экиладиган майдонлар ҳажми 1,5 баравар кенгайиб, 1906 йилда 27.271 десятинани ташкил этган бўлса, 1907 йилда эса 39.120 десятинага етди.[18] Вилоятда пахтачиликнинг ривожланиши асосан Тошкент уезди ҳисобига амалга оширилган, чунки қолган уездлар асосан чорвачилик районлари бўлиб, уларнинг иқлими пахта етиштириш учун қулай эмас эди.

Тошкент-Оренбург темир йўли, - дейилади бир манбада, - рус фабрикаларига пахта етиштириб бериш ишини енгиллаштирмоқда. Туркистонда пахта етиштириладиган майдонлар 400 минг десятинани ташкил этмоқда. Туркистон ўлкаси, Бухоро ва Хива билан биргаликда, 11 млн. пуд пахта етиштириб беряпти. Бу 100 млн рубдан кўпроқ қийматга эга. Аммо, қолган 10 - 12 млн. пуд пахта учун Россия Америкага ҳар йили 70 - 80 млн. руб. тўламоқда.XX аср бошларига келиб, Туркистонда пахта етиштириш ишлаб чиқаришнинг ва саноатнинг асосий илдизига айланди. 1912 йилда Туркистонда етиштирилган жами экин маҳсулотларининг таннархи 350 млн. рубни ташкил қилган бўлса, бу сумманинг ярмидан кўпроғи пахтачиликнинг ҳиссасига тўғри келаётган эди.[19]

Темир йўлларнинг қурилиши, айниқса, Россияга юбориладиган Туркистон пахтасининг учдан икки қисмини етиштириб берадиган Фарғона вилоятида пахта етиштиришнинг кўпайишига олиб келган. 1894 йилда вилоятда 1.800.000 пуд пахта ҳосили етиштирилган. Самарқанд-Андижон темир йўлининг қуриб, ишга туширилиши натижасида бу миқдор кескин кўпайиб, 1900 йилда 3.896.000 пудга етган. Тошкент-Оренбург темир йўли қурилиши муносабати билан эса, Фарғона вилоятида пахта етиштириш янада кучайиб, 1906 йилда 6.762.102 пудни ташкил этган. Кейинги йилларда ҳам пахтачилик жадал суръатлар билан ривожлана борган ҳамда 1911 йилда 7.269.000 пуд пахта ҳосили олинган.[20]

Тошкент-Оренбург темир йўлининг қурилиши натижасида Сирдарё вилоятида пахта экиладиган майдонлар ҳажми кўпайиб борган. 1903 йилда 15 минг десятина, 1907 йилда эса 40 минг десятина ерга пахта экилган. Пахта экиладиган майдонларнинг кенгайиши Туркистон ўлкасидан Россияга олиб кетиладиган пахта ҳажмининг тобора ошиб боришига сабаб бўлган эди.[21] Жумладан, 1889 йилдаги 0,9 млн. пуд ўрнига 1906 йилда 9,0 млн. пуд пахта метрополияга жўнатилган.

Россия империяси ҳукуматининг Туркистонда пахтачиликни ривожлантиришдан кўзлаган мақсадларини ифода этиб, А.В. Кривошеин:

"Туркистоннинг ҳар бир пуд буғдойи Россия ва Сибир буғдойига рақобатчи, Туркистон пахтасининг ҳар бир пуди - Америка пахтасига рақобатчидир. Шунинг учун, яхшиси, ўлкага қиммат бўлса-да, четдан буғдой келтирилгани маъқул, суғориладиган ерларни эса, пахта етиштириш учун ажратиб бериш зарур", - деган фикрларни қайд этган.

Шу тариқа, Тошкент-Оренбург темир йўли ўлкада пахта яккаҳокимлиги ўрнатилишида муҳим рол ўйнади. Пахта майдонларининг ғалла ва бошқа озиқ-овқат экинлари етиштириладиган майдонлар ҳисобига кенгайтирилиши империянинг саноат эҳтиёжларини кўзлаган ҳолда амалга оширилган тадбир бўлиб, Туркистонни хомашё манбаига айлантирилишига олиб келди. Шу билан бирга, ўлка иқтисодиёти учун қатор ножўя таъсирларнинг юзага келишига сабаб бўлди. Улардан энг асосийси, ўлка аҳолиси четдан келтириладиган ғаллага қарам бўлиб қолди.

Ўлкадаги пахтани қайта ишлаш заводларининг фаолияти таҳлил этилган манбаларнинг кўрсатишича, уларнинг аксарияти темир йўллар очилган йилларда ва темир йўллардан унчалик узоқ бўлмаган масофаларда қурилган. 1880 йилдан 1914 йилга қадар Туркистонда 197 та пахтани қайта ишлаш заводлари барпо қилинган бўлиб, уларнинг 114 таси темир йўллардан 5 верстгача бўлган масофада, 34 таси 10 верстгача бўлган масофада, 45 таси 10 верстдан 50 верстгача бўлган масофада жойлашган. 1914 йилда Сирдарё вилоятидаги мавжуд 22 та пахта тозалаш заводларидан 12 таси темир йўлдан 5 верстгача бўлган масофада жойлашган. Уларнинг 8 таси темир йўл қуриб, ишга туширилган йилларда барпо этилган.[22]

Сирдарё вилоятида пахта тозалаш заводларидан ташқари, ёғ-мой, совунчилик, вино ва ғишт заводлари, тери ошловчи, ичакни тозалаш, юнг ювиш корхоналари, гуруч тозалаш, маъданли сув ишлаб чиқариш корхоналари, конфет ишлаб чиқарувчи корхоналар, макарон ва тамаки фабрикалари, муз тайёрлаш заводлари, типографиялар, спиртни ҳайдовчи, вино заводлари, тамаки фабрикалари каби ва бундан ташқари турли-туман соҳаларга тегишли саноат корхоналари фаолият юритган.

Бироқ, саноат корхоналарининг ташкил этилиши ва уларнинг фаолиятида империячилик сиёсати акс этган эди. Ўлкада барпо этилган завод-фабрикаларнинг аксарияти қайта ишлаш корхоналари бўлиб, улар ўлкада етиштириладиган хомашёни империянинг саноат районларига бирламчи ишлов берилган тарзда етказиб бериш мақсадида бунёд этилган эди. Бундан ташқари, мазкур корхоналар ишчиларининг аксарияти руслар бўлиб, уларга маҳаллий аҳолига нисбатан кўпроқ иш ҳақи тўланган.

Илгари Тошкент станцияси ўзининг юк айланмаси жиҳатидан Ўрта Осиё темир йўли станциялари орасида Красноводск, Самарқанд, Қўқон, Ашхобод ва Бухородан кейинги олтинчи ўринда турган эди.[23] Тошкент-Оренбург темир йўли қурилганидан сўнг Тошкент станцияси барча станциялар орасида етакчиликни қўлга киритган.

Тошкент-Оренбург темир йўли қурилишининг Туркистон ўлкаси иқтисодиётига кўрсатган энг самарали натижаси боғдорчилик ва узумчилик соҳаларида акс этди. Чунки, темир йўлнинг Россия империяси марказий қисми билан узлуксиз боғланганлиги ҳўл мева юкланган вагонларнинг қисқа фурсатда Москва, Петербург сингари йирик шаҳарларга етказиш имкониятни берган. Тошкент-Оренбург темир йўли орқали ҳўл мева, полиз маҳсулотлари ва узумни империя

пойтахтига етказиб бериш мақсадида махсус мева ташувчи вагонларнинг ташкил этилиши тез ривожланиб борди. Хусусан, Тошкент темир йўлида 1906 йилда 10 та шундай турдаги вагон, 1907 йилда 15 та, 1908 йилда 18 та, 1909 йилда 98 та махсус вагон мавжуд эди.[24]

Россияга Тошкентдан жўнатилган ҳўл мева ҳажми 1906 йилда 38.651 пудни ташкил этган бўлса, 1907 йилда 90.096 пуд мева жўнатилган. Демак, бир йилнинг ўзидаёқ 2 баравардан кўпроқ мева жўнатилишига эришилган. 25 1909 йилга оид маълумотларга кўра, Тошкент темир йўли орқали Сирдарё вилоятидан 161.162 пуд боғдорчилик маҳсулотлари Россияга ва Сибирга жўнатилган.[26]

Туркистонда боғдорчилик ва узумчиликни ривожлантириш учун қўлланган чора-тадбирлардан бири Тошкент-Оренбург темир йўлида махсус музлатилган вагонларнинг ташкил этилиши бўлиб, бу борада Москва Музлатиш ишлари Комитетининг саъй-ҳаракати катта аҳамият касб этди. Жумладан, 1913 йилда Москва қишлоқ хўжалик жамияти ҳузуридаги Музлатиш ишлари комитети профессор Д.Н. Головнин бошчилигида, алоқа йўллари вазирлиги, жумладан Тошкент темир йўли вакиллари иштирокида махсус экспедиция уюштирган.[27]

Экспедициянинг мақсади сифати тез бузиладиган маҳсулотларни темир йўл вагонларига жойлаштириш, сақлаш ва ташиш бўйича тажриба ўтказиш ҳамда бу борада малакага эга бўлиб, тўпланган тажрибани империянинг барча темир йўллари тармоқларида қўллашдан иборат эди. Экспедиция муваффақиятли тугаб, унинг натижалари Москва ва бошқа шаҳарлар аҳолисини Туркистон ўлкасида етиштирилган маҳсулотлар билан таъминлаш имконияти мавжудлигини кўрсатди. Илмий экспедиция хулосалари 1913 йилда алоқа йўллари вазирлигининг Россия давлат думасига ҳавола қилган "Темир йўлларни музлатувчи ускуна билан жиҳозлаш тўғрисидаги" қонунида ўз аксини топди. Шундан сўнг Туркистонда боғдорчилик, узумчилик ва полиз маҳсулотларини етиштиришни янада ривожлантириш тадбирлари амалга оширила бошланди.

Туркистонда XX аср бошларида вужудга келган саноатнинг баъзи бир янги тармоқлари фаолиятининг бошланиши бевосита Тошкент темир йўлининг қурилиши ва ишга туширилиши билан боғлиқ. Масалан, муз тайёрлайдиган корхоналар шулар жумласидандир. Дастлабки муз тайёрлайдиган завод 1904 йилда Тошкентда очилган.[28]

Темир йўлда музлатилган вагонлар фаолиятининг йўлга қўйилиши таъсирида уларнинг фаолияти жонланиб, 1914 йилга келганда, ўлкада 10 та шундай корхоналар фаолият юритган эди.[29]

Тошкент-Оренбург темир йўли Туркистоннинг савдо алоқалари кенгайиши ва жадаллашишига олиб келди. Тошкент темир йўли қурилиши ва ишга туширилиши муносабати билан Сирдарё вилоятининг Россия билан бўладиган савдо айланмаси ошиб борган. 1908 йилда Сирдарё вилоятидан Россия бозорларига 584 004 пуд пахта, 688 720 пуд гуруч, 204 581 пуд тери, 918 560 пуд балиқ, 16 581 пуд ҳўл мева чиқарилган. Шу йилда Тошкент темир йўлида ташилган жами юк ҳажми 13,5 млн. пудни ташкил этган.[30]

1909 йилга келиб, Сирдарё вилоятидан 7 277 минг пуд 25 млн. рубл табиий-хомашё маҳсулотлари империянинг марказий қисмига жўнатилган. Шу йилиРоссиядан 8 309 минг пуд 55 млн. Рубллик саноат моллари вилоятга киритилган. Сирдарё вилоятининг жами савдо айланмаси 80 млн. рублни ташкил этган.[31]

Сирдарё вилоятининг Тошкент уездидан ташқари барча уездлари чорвачиликка ихтисослаштирилганлиги туфайли темир йўл қурилиши натижасида бу ерда чорвачиликда муҳим ўзгаришлар рўй берган. Айниқса, чорва моллари савдоси кучайиб, аҳолининг даромад манбаларидан бирига айланган. Мазкур уездларда йилига чорва маҳсулотлари билан 20-22 млн. рубллик савдо қилинган.[32]

Сирдарё вилоятида овланадиган балиқлар ва балиқ маҳсулотларининг асосий қисми ҳам Тошкент темир йўли орқали Россиянинг Европа қисмига етказиб берилган. Унинг оз қисмигина Тошкент, Бухоро, Чоржўй ва Марвга юборилган. 100 минг пуд атрофидаги балиқ ва балиқ маҳсулотлари Хива аҳолиси эҳтиёжлари учун сарфланган.[33] К. Паленнинг маълумотларига кўра, 1907 йилда 800.000 пуд балиқ тутилган бўлса, шундан 150.000 пуди Орол денгизи, 100.000 пуди Амударё ва Сирдарёдан ва 550 пуди кўллардан овланган.[34]

Шу тариқа, Тошкент темир йўли қурилиши натижасида юз берган ўзгаришлар Туркистонда Россия империяси мустамлакачилик сиёсатининг янада мустаҳкамланишига олиб келди. Аммо, бу даврда яратилган тадқиқотларда темир йўлнинг иқтисодий аҳамияти империянинг мустамлакачилик манфаатлари нуқтаи назаридан таҳлил этилган. Шунга қарамасдан, империя даври муаллифларининг асарларида ўрганилаётган муаммога оид катта ҳажмдаги фактологик маълумотлар жамланганлиги туфайли, улар Тошкент-Оренбург темир йўли тарихини ёритишда муҳим манба бўлиб хизмат қилади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Антипин В.Н., Левашев Н.Н. Путеводитель по Туркестану и Среднеазиатской железной дороги: С историческим очерком сооружения и эксплуатации Закаспийской военной железной дороги и очерком сооружения Оренбург-Ташкентской железной дороги / Под.ред. А.И.Дмитриева-Мамонова. - СПб.: В. Березовский, 1903.- 536 с.

2. Верховский Н.П. Туркестан в районе Ташкентской железной дороги и грузы этой дороги. - СПб.: Б.и., 1910.- 311 с.; Шу муаллиф. Ташкентская железная дорога, как пионер культуры и цивилизации // Туркестанский сборник.Т. 505.- С. 31-34; Шу муаллиф.Фруктовые вагоны Ташкентской железной дороги и о мероприятиях для более успешной перевозки фруктов // Туркестанское сельское хозяйство. - Ташкент, 1909. - № 8. - С.624-629; Шу муаллиф. Хлопководство в Туркестане и перевозка хлопка по Ташкентской и Средне-Азиатской железным дорогам // Доклад. Сборник в честь 70-летия Г.Н. Потанина. - СПб., 1910. -1-84 с.

3. Дмитриев-Мамонов А. Путеводитель по Ташкентской железной дороге с очерком Ферганской нефти. - СПб.,1907 - 186 с.; Ўша муаллиф.Путеводитель по Туркестану и железным дорогам Среднеазиатской и Ташкентской. - СПб.: Типография им. Шурухта, 1912. - 268 с.

4. Заорская В.В. и Александер К.А. Промышленные заведения Туркестанского края. - Петроград: Екатеринская типография, 1915. - 560 с.

5. Терентьев М.А. История завоевания Средней Азии. С картами и планами. Т. III. - СПб.: Типолитография В.В.Комарова, 1906. - 496 с.; Кривошеин А.В. Записка главноуправляющего землеустройством и земледелием о поездке в Туркестанский край в 1912 году. - Полтава: Электрическая типо-литография И.Л. Фришберга, 1912. - 187 с.; Гулишамбаров С.И. Экономический обзор Туркестанского района, обслуживаемого Среднеазиатской железной дорогой - Асхабад., 1913. - 287 с.

6. Верховской Н.П. Туркестан в районе Ташкентской железной дороги и грузы этой дороги. - СПб., 1910.- С. 1.

7. Қаранг: Туркестанский сборник. 505-том, 32-бет.

8. Верховский Н.П. Туркестан в районе Ташкентской железной дороги ... - С.1.

9. Қаранг: Туркестанский сборник. 522-том, 75-76 бетлар.

10. Қаранг: Туркестанский сборник. 505-том, 33-бет.

11. Қаранг:Тужжор. 1907, 28 август.
12. Қаранг:СадоиТуркистон. 1914, 9 май.
13. Ташкентская железная дорога. Обзор и оценка работы Ташкентской железной дороги. М.: Транспечать, 1923. - С.7.
14. Кривошеин А.В. Записка главноуправляющего землеустройством и земледелием о поездке в Туркестанский край в 1912 году. - Полтава: Электрическая типо-литография И.Л. Фришберга, 1912. - С.10.
15. Верховской Н.П. Туркестан в районе Ташкентской железной дороги ... - С. 263.
16. Заорская В.В. и Александер К.А. Промышленные заведения Туркестанского края. - Петроград: Екатеринская типография, 1915. - С.8.
17. Статистический ежегодник 1917-1923 гг./ Под ред. Д.П. Красновского. - Ташкент: Центральное СтатуправлениеТуркреспублики, 1924. - Т. 1.
18. Верховский Н.П. Туркестан в районе Ташкентской железной дороги ... С. - 266.
19. Кривошеин А.В. Записка главноуправляющего ... - С.11.
20. ЎзР МДА, И-1 жамғарма, 12-рўйхат, 1725-иш, 178-варақ.
21. ЎзР МДА, И-1 жамғарма, 12- рўйхат, 1725-иш, 148 -варақ.
22. Заорская В.В. и Александер К.А. Промышленные заведения ... - С.21.
23. Антипин В.Н., Левашев Н.Н. Путеводитель по Туркестану ... - С. 349.
24. Фруктовые вагоны Ташкентской железной дороги и о мероприятиях для более успешной перевозки фруктов // Туркестанское сельское хозяйство, 1909. - № 8.
25. Верховский Н.П. Туркестан в районе Ташкентской железной дороги ... - С.170-171.
26. Обзор Сыр-Дарынской области за 1909 год. Ташкент: Типография при канц. Туркест. генер.-губерн., 1911. - С.112.
27. Отчет о постановке опытов, упаковки, хранения перевозки скоропортящихся продуктов из Туркестана в Москву в 1913 г. - М.: Типография П.П. Рябушинского, 1913. -С. 11-12.
28. Заорская В.В.и АлександерК.А. Промышленные заведения ... - С.415-416.
29. Ўша жойда, 419-бет.
30. Заорская В.В. и Александер.К.А. Промышленные заведения ... - С.112.
31. Обзор Сыр-Дарынской области за 1909 год ... - С.111.
32. Обзор Сыр-Дарынской области за 1911 год ... - С.121.
33. Обзор Сыр-Дарынской области за 1911 год ... - С.117-118.
34. Пален К.К. Материалы к изучению народного хозяйства в Туркестане. - Ч. II. Спб.: Сенатская типография, 1911. - С.133.

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ
LOOK TO THE PAST
ЎТМИШГА НАЗАР

Салимов Шерзод Юнусович
Ислом Каримов номидаги илмий-маърифий
ёдгорлик мажмуаси тадқиқотчиси

МЕҲНАТ РЕСУРСЛАРИ ВА БАНДЛИК МУАММОСИ: ТАРИХИЙ МЕРОС, ЗАМОВИЙ ҲОЛАТИ ВА ЕЧИМЛАР

http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2019-1-16

АННОТАЦИЯ

Мақолада Ўзбекистон Республикасида иқтисодиётни барқарорлаштириш шароитида меҳнат бозорини такомиллаштириш, ишчи кучига амалда ҳақиқий талаб ва таклиф асосида бандликни таъминлашнинг ижтимоий муносабатлари тўғрисида баён этилган.

Калит сўзлар: аҳоли бандлиги, ишчи кучи, иқтисодий ўсиш, меҳнат бозори, ишсизлик.

Салимов Шерзод Юнусович
Научный сотрудник - Научно-просветительского комплекса
имени Первого Президента Республики Узбекистан
Ислама Каримова

ПРОБЛЕМЫ ТРУДОВЫХ РЕСУРСОВ И ЗАНЯТОСТИ: ИСТОРИЧЕСКОЕ НАСЛЕДИЕ, СТАТУС И СОВРЕМЕННОЕ РЕШЕНИЯ

АННОТАЦИЯ

В статье описываются экономические отношения в Республике Узбекистан в контексте стабилизации экономики, улучшения рынка труда, обеспечения реальной рабочей силы и занятости на рабочих местах.

Ключевые слова: занятость населения, рабочая сила, экономический рост, рынок труда, безработица.

Salimov Sherzod Yunusovich
Scientific researcher Scientific and Enlightenment Complex named
after the First President The Republic of Uzbekistan Islam Karimov

LABOUR AND EMPLOYMENT ISSUES: HISTORICAL HERITAGE, STATUS AND CONTEMPORARY SOLUTIONS

ANNOTATION

In this article have been described economic relations in the Republic of Uzbekistan in the context of stabilization of the economy, improvement of the labor market, provision of real labor and employment in the workplace.

Key words: employment, labor force, economic growth, labor market, unemployment.

Аҳоли бандлигини таъминлаш аҳоли турмуш даражасини оширишнинг муҳим омилидир. Республикамиз Президенти Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек: "...Биз амалга ошираётган иқтисодий ислоҳотлар ва ижтимоий ўзгаришларнинг самараси, биринчи навбатда, аҳолининг моддий аҳволи ва фаровонлигини, унинг ҳаёт даражаси ва сифатини оширишга қай даражада таъсир кўрсатаётгани билан ўлчанади" [1]. Ушбу ўзгаришлар дастлаб меҳнат муносабатлари орқали намоён бўлиб, меҳнат бозорини шакллантириш ва ривожлантириш заруратини келтириб чиқарди. Ушбу бозор фаолиятини ривожланиши аҳолининг иш билан бандлик муаммоларини ечишда муҳим аҳамият касб этади.

Бу борада мамлакатимизда меҳнат бозорини шакллантириш жараёнида "Аҳолининг иш билан бандлиги тўғрисида"ги қонун [2] ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси [3] муҳим ҳуқуқий асос ҳисобланади. Келтириб ўтилган меъёрий ҳужжатлар аҳоли турмуш фаровонлигини оширишда уларнинг бандлигини таъминлашнинг муҳим асосини ташкил этади.

Аммо, келтириб ўтилган қонун ва кодексда белгиланган кафолатга қарамай 2017 йилда "Юртимизда йилига 1,5 миллион одамни ишга жойлаштиришга эҳтиёж бўлса-да, ўтган йили Бандликка кўмаклашиш марказлари атиги 248 минг кишини ёки 16,5 фоизини ишга жойлаштирган. Бунинг асосий сабаби иш фаолиятидаги эскирган шакл ва усуллар ҳамда бандлик муаммоларини ҳал этишдаги расмиятчилик билан боғлиқ" [4]. Ушбу келтириб ўтилган ҳолат мамлакатимизда меҳнат бозори мутаносиблигини ва инфратузилмаси ривожланишини таъминлаш, ишсизлик даражасини камайтириш масаласига алоҳида эътибор қаратишни тақозо этиб, танланган мавзунинг долзарблигини белгилаб беради.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Олиб борилган тадқиқот ишлари хамда адабиётлар таҳлили асосида уларни уч гуруҳга бўлиб ўрганиш мақсадга мувофиқдир. 1). Совет даврида нашр қилинган адабиётлар, 2). Мустакиллик йилларида амалга оширилгантадқиқотлар, нашр этилган адабиётлар, 3). Мавзуга оид хорижда чоп этилган адабиётлар.

Мавзу доирасида ишчи кучларини миграцияси, уларга яратилиши лозим бўлган шарт шароитлар (яшаш ва ишлаш ҳуқуқлари) ва қисқа, ўрта ҳамда узоқ муддатли шартномаларнинг, иш стажи, кадрлар айланмаси даражасининг ишлаб чиқаришга таъсири бўйича S.Altorjai[5] томонидан олиб борилган тадқиқотда кўриш мумкин. Меҳнат бозори сифат хусусиятининг энг муҳим мезони уни инфратузилмасининг ривожланиш даражаси эканлиги, меҳнат бозори инфратузилмасининг ижтимоий-иқтисодий моҳияти, таркибий қисмлари элементлари, асосий вазифалари ва функцияларининг айрим жиҳатлари борасида Қ.Х.Абдурахмонов[6] томонидан тадқиқ этилган.

Иш билан бандлик хизматлари шаклланиши ва ривожланишининг асосий йўналишлари Ш.Р.Холмўминов, Н.У.Арабовлар[7] нинг тадқиқотларида ўз аксини топган.

Шунингдек, А.Эгамбердиев, Р.Убайдуллаева, Л.П.Максакова, А.Мель- ннкова, Р.Ризаев. С.К.Зиядуллаев, И.Исхаковларнн тадқиқотларида[8] меҳнат ресурсларини жамият тараққиётидаги ўрни, унинг жойлашпши масалалари ўрганилган.

Юқорида келтириб ўтилган изланишлардаги фикр-мулоҳазалар, олиб борилган тадқиқот натижалари ва улардан чиқарилган хулоса ҳамда таклифлардан

фойдаланган ҳолда, меҳнат бозорининг амал қилиш механизмини чуқур таҳлил этишга турли назарий ва амалий ёндашувлар асосида тадқиқотлар олиб боришни тақозо этади.

Таҳлил ва натижалар

Меҳнат бозори ҳам, барча бозорлар каби талаб ва таклиф асосида шаклланади. Бунда талаб, бўш иш ўринларини эгаллашга бўлган эҳтиёж, таклиф эса - банд қилинмаган ишчи кучининг мавжудлиги ёки иш ўрнини ўзгартириш истаги сифатида майдонга чиқади.

Бу борада меҳнат бозорларини чуқур ўрганиш, илмий тадқиқотлар олиб бориш ва унга таъсир этувчи омиллар таҳлилини ўтказиш талаб этилади. Меҳнат бозорига таъсир кўрсатувчи ташқи ва ички омилларни алоҳида кўрсатиб ўтиш зарур.

Аҳоли бандлигини тартибга солиш ва ишчи кучини самарали тақсимлашнинг янги механизмларини шакллантиришнинг бозор тамойиллари ва ижтимоий-меҳнат муносабатларининг трансформацияси меҳнат соҳасида янги тенденцияларни пайдо қилмоқда. Бу борада бир қатор тадбирларни:

- меҳнат бозорида ишчи кучига бўлган талаб ва таклифга таъсир этувчи омилларни аниқлаш, уларнинг тутган ўрнига баҳо бериш;
- Ўзбекистон Республикасида давлатнинг аҳолини бандлигини ошириш соҳасидаги чора-тадбирларини таҳлил қилиш ва ишчи кучини самарали тақсимлашга эришишга қаратилган механизмини эконометрик моделини ишлаб чиқиш;
- Ўзбекистонда ёшлар меҳнат бозорини тадқиқ қилиш ва унинг самарадорлигини оширишга қаратилган амалий тавсиялар ишлаб чиқишни ҳамда уни амалиётга жорий этишни талаб этилади.

Миллий хусусиятларимизга боғлиқ равишда маҳаллий аҳолининг ўтроқ ҳолда яшаши туфайли, мамлакатимизда ҳудудий меҳнат бозорларини ривожлантиришга уриниш ўзига хос аҳамият касб этади. Бу борада авваламбор, республика аҳолисининг ёш таркибига аҳамият қаратиш лозим (1-жадвал).

1-жадвал

Ўзбекистон Республикаси доимий аҳолисининг ёш таркиби тўғрисида маълумот

Кўрсаткичлар	1991 й.	2011 й.	2017 й.	2017 йилнинг 1991 йилга нисбатан ўзгариши %
Жами аҳоли сони	20607,7	29123,4	32120,5	155,9
Меҳнатга лаёқатли ёшдан кичиклар	8883,7	9099,3	9665,7	108,8
Меҳнатга лаёқатли ёшдагилар	10122,5	17804,7	19440,8	192,1
Меҳнатга лаёқатли ёшдан катталар	1601,5	2219,4	3014	188,2

Жадвал маълумотларига эътибор қаратадиган бўлсак, 1991 йилга нисбатан 2017 йилда аҳоли сони 55,9 фоизга ўсганлигини кўриш мумкин. Бу албатта, Ўзбекистон Республикасида меҳнатга лаёқатли ёшдагиларни ошишига олиб келиб, аҳоли бандлигини таъминлаш муаммосини келтириб чиқаришга сабаб бўлди. Чунки, статистик маълумотлар ушбу кўрсаткични 2017 йилда 1991 йилга нисбатан 92,1 фоизга ўсиб 19440,8 минг кишига етганлигини кўрсатмоқда.

Бу эса, талаб ва таклиф ўртасидаги нисбатга салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Турли меҳнат бозорлари ўртасидаги фарқни тенглаштириш, меҳнат ресурслари етарли даражада бўлган ҳудудларда ишлаб-истиқомат қилувчиларнинг ижтимоий ҳимояланганлигини таъминлаш мақсадида маҳаллий миқёсдаги меҳнат ресурсларини иқтисодий тармоқлар ўртасида тақсимотини тўғри ташкил этиш бўйича бандлик дастурларини ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқдир. Ўзбекистон Республикасида аҳоли ўсиши билан корхоналар сони ҳам ўсиб бормоқда. Аммо, бу борада аҳоли сонига нисбатан пропорционалликни таъминлаш лозим.

Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, ҳозирги кунда аҳолини иш билан бандлигини таъминлашда на фақат ўрта махсус ва олий ўқув муассасалари битирувчиларини балки, ўрта ёшдаги яъни 40-50 ёш атрофидаги ишга лаёқатли аҳоли қатлами ўртасида ҳам ишсизлар сонини (айниқса, аёлларўртасида) кўплигини эътиборга олиш мақсадга мувофиқдир. Чунки, ушбу ёшдагиларни ўз мутахассисликлари бўйича маълум даражада тажрибага эгалиги ва нафақа ёшигача қўнимлилиги ҳамда ёшларга ўз тажрибаларини ўргатишдек имкониятларга эгалиги бу қатлам аҳолисининг ютуғидир. 40-50 ёшгача бўлган меҳнатга лаёқатлилар ўртасидаги аҳоли сони 1991 йилганисбатан 2017 йилдаўсиб 3693,8 мингкишигаетибундан 1868 мингиниаёлларташкилэтади (2-жадвал).

2-жадвал

Ўзбекистон Республикаси доимий аҳолисининг 15-50 ёшгача таркиби (минг киши)

Ёши	1991 йил1 январь ҳолатига		2017 йил 1 январь ҳолатига		2017 йилнинг 1991 йилга нисбатан ўзгариши	
	эркаклар	аёллар	Эркаклар	аёллар	эркаклар	аёллар
40-49	614,4	614,3	1825,8	1868	3,0	3,0
15-24	1970,1	1964,7	2981,8	2852,6	1,5	1,5

Жадвал маълумотларига кўра, 2017 йилда 1991 йилга нисбатан 40-49 ёшгача бўлган меҳнатга лаёқатли аҳоли сони 3 баробар, 15-24 ёшдагиларэса 1,5 мартага ўсган бўлиб, бу ўз навбатида, республика бўйича 1991 йилда аҳолининг ўртача ёши 23,3 ёшни ташкил этган бўлса, 2017 йилга келиб бу кўрсаткич 28,5 ёшни ташкил этмоқда, яъни республика аҳолисининг ўртача ёши 5,2 ёшга кексайганлигини кўриш мумкин. Бу борада янги корхоналарни ташкил этиш ҳамда ишўринларини яратишга эътиборни қаратиш лозим.

Хулоса

Хулоса қилиб айтганда, иш билан банд бўлганлар сонининг камайиши, иқтисодиёт тармоқларида иш билан бандлик таркибининг жиддий равишда ўзгариши, иш билан норасмий бандлик кўламларининг кенгайишида ўз ифодасини топади. Ушбу жараёнлар шаклланишининг қонуниятларини аниқлаш ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш истиқболларини белгилашда маҳаллий миқёсдаги меҳнат ресурсларини иқтисодий тармоқлар ўртасида тақсимотини тўғри ташкил этиш, янги ташкил этиладиган корхоналарни режалаштиришда аҳоли сонига нисбатан пропорционалликни таъминлаш аҳолининг иш билан бандлигини таркибий жиҳатдан ўзгартириш дастурларини ишлаб чиқиш ниҳоятда муҳимдир. Келтирилган вазифаларни амалга оширилиши ўз навбатида мамлакат аҳолиси бандлигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. (Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришиш тантанали маросимига бағишланган Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги нутқ) -Т.: "Ўзбекистон", 2016. -Б 15-16.

2. Ўзбекистон Республикасининг "Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида" ги қонуни. (янги таҳрири) . -Тошкент:Шарқ, 1998 й.

3. ЎзбекистонРеспубликасиМеҳнаткодекси. -Т.: Адолат, 1996. -256 б.

4.Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий якунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузаси // Халқ сўзи, 2017 йил 16 январ, №11 (6705).

5. Altorjai, S. (2013). "Over-qualification of immigrants in the UK", Institute for Social and Economic Research. University of Essex. https://www.iser.essex.ac.uk/research/publications/workingpapers/iser/2013-11.pdf

6. Roger Lowenstein. An excellent description of the academic debate over how to measure the labor market impact of immigration and how this discussion has influenced the U.S. policy debate. "The Immigration Equation," New York Times Magazine, 2006 July 9.

6. АбдурахмоновҚ.Х. Меҳнат иқтисодиёти (дарслик). -Т.:Меҳнат. - 2009. -512б.

7. Холмўминов Ш.Р., Арабов Н.У. Меҳнат бозори инфратузилмаси. Ўқув қўлланма. -Т.: Фан ва технологиялар, 2016. 150-155 б.

8. Эгамбердиев А. Воспроизводство трудовмх ресурсов сельской местности Ўзбекистана. -Ташкент, 1972. -С.11; Убайдуллаева Р.А. Трудовмересурсм и эффективность использования. -Ташкент, 1979. -С.12; Убайдуллаева Р. Женский труд в сельском хозяйстве Ўзбекистана. -Ташкент. 1969. -С.21; Убайдуллаева Р. Демографические проблемм занятости в Ўзбекской ССР. -Ташкент, 1989. -С.11; Мельникова А.М. Формирование промишленнмх кадров в Ўзбекистане. -Ташкент, 1959. -С.8; Ризаев Р. Социалистическое хозяйство Ўзбекистана. -Ташкент, 1978. -С.28; Зиядуллаев С.К. Планирование и развитие экономики Узбекской ССР. -Ташкент, 1972. -С.12; Исхаков И. Использование трудовихресурсов и подготовка рабочих кадров в народном хозяйстве Ўзбекской ССР. -Ташкент, 1969. -С.17.

Дармонова Машкура Адилжон қизи
ЎзР ФА Тарих институти таянч докторанти

ТОШКЕНТ ШАҲАР ДАВЛАТ АРХИВИДАГИ СОВЕТ ДАВРИГА ОИД ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ ЖАМҒАРМАЛАРИ ХУСУСИДА

http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2019-1-17

АННОТАЦИЯ

Тошкент шаҳар давлат архиви республикадаги энг йирик ҳудудий архивлардан бири саналиб, мазкур мақолада архивда сақланаётган совет даврига оид олий таълим муассасалари фондлари таҳлил қилинган. Шунингдек, Туркистон халқ университети, Тошкент давлат педагогика жаҳон тиллари университети, Тошкент кечки педагогика институти, Тошкент қишлоқ хўжалиги институти, Тошкент тўқимачилик институти, Тошкент давлат бирлашган педагогика ва ўқитувчилар институтининг ташкил этилиши тарихи ҳақида маълумотлар берилган.

Калит сўзлар: архив, йиғмажилд, архив фонди, ҳужжатлар, Миллий архив фонди (МАФ), архив атамаси, ислоҳот, олий таълим муассасалари , педагогика.

Дармонова Машкура
Базовый докторант Институт Истории АН РУз

ОБ АРХИВНЫХ ФОНДАХ ВЫСШИХ УЧЕБНЫХ ЗАВЕДЕНИЙ СОВЕТСКОГО ПЕРИОДА ТАШКЕНТСКОГО ГОСУДАРСТВЕННОГО АРХИВА

АННОТАЦИЯ

Государственный архив города Ташкента является одним из крупных региональных архивов в республике. В данной статье анализируются архивные фонды высших учебных заведений советского периода. Также приводится информация об истории создания высших учебных заведений как: Туркестанский народный университет, Ташкентский государственный педагогический институт иностранных языков, Ташкентский вечерний педагогический институт, Ташкентский сельскохозяйственный институт, Ташкентский текстильный институт, Ташкентский государственный объединенный педагогический и учительский институт.

Ключевые слова: архив, дело, фонд, документ, Национальный архивный фонд (НАФ), реформирование, архивная терминология, университет, педагогика.

Darmonova Mashkura
Republic of Uzbekistan Academy
of sciences Institute of History

ABOUT ARCHIVAL FUNDS OF HIGHER EDUCATIONAL INSTITUTIONS AT THE STATE ARCHIVE OF THE TASHKENT CITY

ANNOTATION

Tashkent city state archive is one of the large regional institutions in Uzbekistan. In the article, analyzed founds of higher educational establishments of Soviet period Besides, there is given information about the establishment of Turkestan National University, the Tashkent state pedagogical Institute of Foreign Languages, Tashkent Evening Pedagogical Institute, Tashkent Agriculture Institute, Tashkent Textile Institute, Tashkent State United Pedagogical and Teaching Institute.

Key words: archive, file, fund, documents, national archive fund (NAF), reformation, archival terminology, university, pedagogical.

Бугунги кунда шаҳар архивида совет даврига оид 20 га яқин университет ва институтларнинг жамғармалари мавжуд бўлиб, ушбу жамғармаларда Миллий архив фондининг 80 мингдан ортиқ доимо сақланувчи ҳужжатлари сақланади.

Архив манбалари таҳлилига кўра, Тошкент шаҳрида дастлабки университет 1917 йилда ташкил этилган.

Шаҳар архивининг С-0038-жамғармасида Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетининг 1917 йилдан то ҳозирги кунгача бўлган ҳужжатлари сақланади. Жамғармада 1917-1998 йилларга оид 18669 сақлов бирлигида йиғмажилдлар мавжуд. Ушбу ҳужжатларда қайд этилишича, 1917 йил Тошкент шаҳрида Туркистон халқ университети ташкил этилган[1]. Дастлаб университетда қуйидаги йўналишларда таълим берилган:

1. Тиббиёт факультети
2. Физика-математика факультети
3. Техника факультети
4. Тарих-филология факультети
5. Ижтимоий-иқтисод факультети
6. Ҳарбий факультет
7. Қишлоқ хўжалиги факультети
8. Агрономия факультети[2].

Туркистон халқ университети замирида 7 сентябрь 1920 йил Туркистон давлат университети вужудга келган. 1922 йил 22 ноябрдаги РСФСР совет халқ комиссарларининг махсус қарори асосида Туркистон давлат университети тизими қуйидаги тартибда мустаҳкамланган:

1. Физика-математика факультети
2. Умумий фанлар факультети
3. Қишлоқ хўжалиги факультети
4. Ҳарбий факультет
5. Ишчи факультет
6. Мелиоратив-муҳундислик факультети
7. Тиббиёт факультети[3].

19 июль 1923 йил Туркистон давлвт университети Ўрта Осиё давлат университети деб номланган[4]. 1960 йил 20 апрелдан[5] Ўрта Осиё давлат университети Тошкент давлат университети деб номланган[6].

Тошкент давлат университетида (1989 йилда) факультетлараро 17 та кафедра, 15 та факультет ва факультетларнинг таркибида эса 112 та кафедралар фаолият юритган.

1. Биология-тупроқшунослик факультети (12 та кафедра);

2. Геология факультети (7та кафедра);
3. География факультети (6 та кафедра)
4. Физика факультети (11 та кафедра);
5. Математика факультети (8 та кафедра);
6. Амалий математика ва механика факультети (8 та кафедра);
7. Кимё факультети (9 та кафедра);
8. Ўзбек филологияси факультети (8 та кафедра);
9. Рус филологияси факультети (7 та кафедра);
10. Роман-герман факультети (4 та кафедра);
11. Тарих факультети (5 та кафедра);
12. Фалсафа-иқтисод факультети (5 та кафедра);
13. Ҳуқуқшунослик факультети (11 та кафедра);
14. Шарқшунослик факультети (5 та кафедра);
15. Журналистика факультети (3 та кафедра);
16. Чет эллик талабалар учун тайёрлов факультети (3 та кафедра) каби

факультетлардан ташқари талабалар аспирантура йўналишида ҳам таҳсил олганлар[7].

Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги қошидаги университетлардан яна бири Ўзбекистон жаҳон тиллари давлат университети ҳисобланади. Ушбу университетнинг 1948-2005 йилларга доир 2314 та ҳужжатлари С-0039-жамғармада сақланади[8].

II жаҳон урушидан сўнг дастлабки йиллари мактабларда чет тиллари бўйича ўқитувчиларга кучли тарзда эҳтиёж сезилди. Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институти ва Тошкент кечки педагогика институти ҳам ушбу кадрларни тайёрлаб берса-да, лекин мактабларни етарли даражада чет тиллари бўйича ўқитувчилар билан таъминлай олмади. Сабаби, олий таълим муассасаларида чет тиллари бўйича профессор-ўқитувчиларнинг камлиги, чет тилларида илмий-ўқув қўлланмалари ва бадиий адабиётларнинг ҳамда ўқув-кўргазма қуролларининг йўқлиги, чет тиллари бўйича кадрларни тайёрлайдиган муассасаларда илмий-педагогик ишлар жуда ҳам суст даражада эканлиги эди.

1948 йил 15 январь ЎзССР Министрлар совети юқоридаги камчиликлардан келиб чиқиб қарор қабул қилган. Қарорга мувофиқ Низомий номидаги Тошкент давлат институтининг чет тиллари факультетлари ва Тошкент кечки педагогика институти чет тиллари факультетлари негизида 1948 йил 1 октябрдан Тошкент давлат педагогика жаҳон тиллари институти ташкил этилган. Талабаларнинг умумий контингенти 600 та этиб белгиланган, шундан 150 таси 1948-1949 янги ўқув йилида қабул қилинган талабалардир[9].

Шу билан бирга янги ташкил этилган Тошкент давлат педагогика жаҳон тиллари институтига юқори малакали профессор-ўқитувчиларни жамлаш мажбурияти белгиланган. Ўқув аудиториялари, хоналарини ўқув қуроллари ва жиҳозлари билан таъминлаш, институт кутубхонасини чет тилларидаги адабиётлар билан тўлдириш вазифалари юклатилган.

ЎзССР Министрлар совети СССР олий таълим министрлар советидан жаҳон тиллари институтининг инглиз тили, француз тили ва немис тили кафедраларини бошқариш учун 3 та прфессор-ўқитувчи ҳамда талабаларга дарс бериш учун 6 та доцент юборишларини сўраган[10].

1949 йил 1июлда Тошкент давлат педагогика жаҳон тиллари институтида сиртқи бўлим очилган. Сиртқи бўлимнинг 1-курсига 300 нафар талаба қабул қилинган[11].

Жамғарма ҳужжатларида 1949 йил 9 декабрдан институтда аспирантура бўлими ташкил этилганлиги ҳақида ҳам маълумотлар бор[12].

Институтда дастлаб роман-герман филологияси кафедраси, рус тили ва ўзбек тили кафедраси, инглиз тили кафедраси, француз тили кафедраси, немис тили кафедраси, марксизм-ленинизм кафедраси, педагогика кафедраси, адабиётлар кафедраси, мустақил фанлар соҳаси кафедралари иш олиб борган[13]. 1951 йил 1 сентябрдан институтда Чет тилларини ўқитиш методикаси кафедраси ташкил этилган.

С-0040-жамғармада Белинский номидаги Тошкент кечки педагогика институтининг 1929-1961 йиллардаги иш фаолияти давомида шаклланган 637 дона ҳужжатлар сақланади[14]. Институтнинг асосий фаолиятига доир йиллик ҳисобот ҳужжатларида қайд этилишича, Тошкент кечки педагогика институти 1929 йилда ташкил этилган.

Ҳужжатларда ЎзССР Олий ва ўрта махсус таълим министрлигининг 1960 йил 27 декабрдаги 532-сонли қарори асосида Белинский номидаги Тошкент кечки педагогика институти 1961 йил 1 январдан Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институтига бирлаштирилганлиги тўғрисида материаллар мавжуд.

Архив жамғармаларида Тошкент қишлоқ хўжалиги институтининг фаолиятига доир ҳужжатлар эътиборга лойиқ. Ушбу институтнинг 1930-1996 йилларга оид 11943 та ҳужжатлари С-0041-жамғармада сақланади[15].

Манбаларда маълумот берилишича, Ўрта Осиё қишлоқ хўжалиги институти 1930 йил 26 майда (40-сонли қарорасосида) ташкил этилган . 1931 йилда Ўрта Осиё қишлоқ хўжалиги институти (САГУ)нинг фаолияти тугатилган ва унинг негизида 4 та институт ташкил этилган. Ўрта Осиё пахтачилик институти ва Ўрта Осиё ипакчилик институти Тошкент шаҳрида, Мевачилик институти Лининободда (Тожикистон), Зооветеринария институти эса Ашхобод (Туркманистон) шаҳрига кўчирилган[16].

1934 йил сентябрь ойида Ўрта Осиё пахтачилик институти ва Ўрта Осиё ипакчилик институти бирлаштирилиб, унинг негизида Тошкент қишлоқ хўжалиги институти ташкил этилган.

ЎзССР Марказий ижро совети ҳузуридаги Совет қурилиш ва ҳуқуқ институтининг 1932-1955 йилларга доир 425 та ҳужжати С-0044-жамғармада сақланади[17].

Архивнинг доимий фондлар ва ҳужжатлар ҳисоби тўғрисидаги маълумотларига кўра, С-0045-жамғармада СССР енгил саноат халқ коммисарлигига қарашли Тошкент тўқимачилик институтининг ҳужжатлари сақланади. Жамғармада жами 4705 дона ҳужжат мавжуд бўлиб, ҳужжатларнинг даврий чегараси 1931-2001 йилларни ўз ичига олади[18].

Архив ҳужжатларида қайд этилишича, СССР Халқ Маорифи коммисарлари советининг 1932 йил 26 июлдаги 90-сонли қарорига биноан Тошкент тўқимачилик институти ташкил этилган. 1932 йил 1 сентябрдан институт ўз фаолиятини бошлаган. 1933 йили тўқимачилик институти 1931 йилда ташкил этилган Бауман номидаги техника-технология институти билан қўшиб юборилган.

Тошкент тўқимачилик институти 1932-1939 йиллар СССР Енгил саноат Халқ Коммисарлари тасарруфида бўлган бўлса, 1939 йилдан эса СССР Тўқимачилик

саноати Халқ Коммисарлари тасарруфига ўтган. 1946-1963 йиллар давомида СССР Олий таълим Министрлиги таркибида бўлган.

Ҳужжатларда ёзилишича, дастлаб институтда 2 та факультет ва 12 та кафедра фаолият олиб борган. 1983 йилга келиб, факультетлар сони 7 та, кафедралар сони эса 36 тага етган.

ЎзССР Халқ Маорифи Коммисарлари Халқ таълими ходимларининг малакасини ошириш институтига қарашли Тошкент ўқитувчилар малакасини ошириш институтининг 1940-1941йилларга оид 131 та ҳужжатлари С-0046-жамғармада сақланади[19].

ЎзССР Халқ Маорифи Коммисарларининг 1940 йил 5 августдаги 1424-В-сонли буйруғига асосан, Халқ таълими ходимларининг малакасини ошириш институти негизида Тошкент ўқитувчилар малакасини ошириш институти ташкил этилди.

ЎзССР Халқ Маорифи Коммисарларининг 1940 йил 16 октябрдаги 1783/б-сонли буйруғи билан, бир йиллик ўқув курси асосида миллий ўрта мактаблар учун ўқитувчилар тайёрлаб берилган.

Манбалар таҳлилига кўра, Малака ошириш институти бир йилгина фаолият олиб борган. ЎзССР Халқ Маорифи Коммисарларининг 1941 йил 18 октябрдаги 1479-сонли буйруғига асосан институт фаолияти тугатилган.

Тошкент ўқитувчилар малакасини ошириш институтининг ҳужжатлари 1975 йилда Тошкент шаҳар давлат архиви сақловига топширилган. С-0046-жамғармада институт директорининг буйруқлари, институт йиғилиш баённомалари, йиллик ҳисоботлар ва шахсий йиғмажилдлар мавжуд[20].

Тошкент шаҳридаги нуфузли институтлардан бири бўлган Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети 1935 йил 14 сентябрда ЎзССР Халқ Маорифи Коммисарлигининг 1964-сонли қарорига асосан Ўрта Осиё давлат университетининг педагогика факультети негизида ташкил этилган ва ҳозирги кунда ҳам ўз фаолиятини олиб боради. Институтнинг 6949 та ҳужжатлари 1935-1998 йиллар давомидаги иш фаолиятига тегишли ва ушбу ҳужжатлар С-0093-рақамли жамғармада сақланади[21].

Ҳужжатлардаги маълумотларга кўра, 1935 йил 14 сентябрда Тошкент давлат бирлашган педагогика ва ўқитувчилар институти ташкил этилган. Пеагогика институтида 6 та йўналиш ва ўқитувчилар институтида эса 8 та йўналишда мутахассислар тайёрлаб берилган. 1935 йил 19 ноябрдан институтга А. Икромов номи берилган бўлиб, ушбу вақтда 7 та кафедра фаолият юритган. 1937 йил февралдан А. Икромов номи олиб ташланиб, яна Тошкент давлат бирлашган педагогика ва ўқитувчилар институти деб юритилган.

Манбаларда 1943 йил 1 сентябрдан Тошкент хотин-қизлар педагогика ва ўқитувчилар институти, 1946 йил декабрдан эса Тошкент давлат педагогика ва ўқитувчилар институти мақоми берилганлиги ҳақида маълумотлар берилган. 1940-1947 йиллар давомида институтда 7 та факультет ва 12 та кафедра фаолият олиб борган.

Жамғармадаги институтнинг 2-жаҳон урушидан кейинги йиллардаги фаолиятига доир ҳисоботларига кўра, институт 1948 йил январдан Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика ва ўқитувчилар институти деб юритилганлиги қайд этилган. 1953 йил 1 сентябрь ойида Ўқитувчилар институти фаолияти тугатилган ва Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институти мақоми берилган. Ушбу йилда 24 та кафедра иш юритган бўлса, 1958 йилда кафедралар сони 27 тага етган.

Мазкур жамғарманинг 1960-1982 йиллар учун тузилган Доимо сақланадиган йиғмажилдлар 1-сон рўйхати (давоми)га киритилган ҳужжатлардаги маълумотларда қайд этилишича, 1961 йил институт таркибида 10 та умумий факультетлараро кафедра, 11 та факультет ва ушбу факультетлар негизида 39 та кафедра фаолият юритган[22].

1982 йилга келиб, институтда қуйидаги факультет ва кафедралар бўлган:

13 та умумий факультетлараро кафедра;

1. Математика факультети (6 та кафедра);
2. Физика факультети (4 та кафедра);
3. Табиий-география факультети (9 та кафедра);
4. Тарих факультети (7 та кафедра);
5. Филология факультети (6 та кафедра);
6. Рус-татар филологияси факультети (5 та кафедра);
7. Мактабгача таълим факультети (3 та кафедра);
8. Бошланғич таълим методикаси факультети (3 та кафедра);
9. Мусиқа-педагогика факультети (6 та кафедра);
10. Саноат-педагогика факультети (5 та кафедра);
11. Рассомчилик-графика факультети (5 та кафедра);
12. Дефектология факультети (3 та кафедра) [23].

Бундан ташқари, архивда Ўрта Осиё пахтачилик ирригация политехника институти Ишчилар факультети (С-0257), Ўрта Осиё молия институти (С-0309), Ўзбек давлат жисмоний маданият институти (С-0353), Тошкент давлат театр санъати институти (С-0360), Олий мусиқа мактаби-Тошкент давлат консерваторияси, Тошкент электротехника алоқа институти (С-0364), Тошкент ирригация муҳандислиги ва қишлоқ хўжалик механизацияси институти (С-0373), Республика рус тили ва адабиёти педагогика институт (С-0588)ларининг ҳам жамғармалари мавжуд ва архив жамғармаларида ушбу институтларнинг 30 мингдан зиёд ҳужжатлари сақланади[24].

Умуман олганда, Тошкент шаҳар давлат архиви жамғармаларидаги олий таълим муассасалари ҳужжатларининг тарихий аҳамиятини таҳлил этиш асосида, ушбу ҳужжатлар совет давридан то бугунги кунгача бўлган университет ва институтларнинг ривожланиш тарихи, уларнинг фаолияти, олий таълим соҳасидаги ўзгаришлар ва ислоҳотларни ўрганишда муҳим манба ҳисобланади.

Фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати

1. ТШДА. С-0038- жамғарма. Тошкент давлат университети 1-сон рўйхати. 1917-1964 йиллар учун. 19-варақ.

2. Ўша ерда. 10-йиғмажилд. 98-варақ.

3. ТШДА. С-0038- жамғарма. 1-сон рўйхат. 11-йиғмажилд. 18-варақ.

4. Ўша ерда. Доимо сақланадиган йиғмажилдлар 2-сон рўйхати. 1989-1998 йиллар учун. 47-варақ.

5. ЎзССР Министрлар Советининг 1960 йил 20 апрелдаги "Ўрта Осиё университетини Туркистон давлат университети деб номлаш тўғрисида"ги 366-сонли қарори.

6. ЎзР МДА. Р-25-жамғарма. 1-сон рўйхат. 1028-йиғмажилд. 228-варақ.

7. ТШДА. С-0038- жамғарма. Доимо сақланадиган йиғмажилдлар 2-сон рўйхати. 1989-1998 йиллар учун. 54-варақ.

8. Справочник по фондам государственного архива г. Ташкента. Редактор Д.Г. Остроумова. УзНИИНТИ. - Ташкент, 1990. - 42. С.

9. ТШДА. С-0039- жамғарма. Доимо сақланадиган йиғмажилдлар 1-сон рўйхати. 1948-1967 йиллар учун. 1-варақ.
10. ТШДА. С-0039- жамғарма. 1-сон рўйхат. 3-йиғмажилд. 73-варақ.
11. Ўша ерда. 12-йиғмажилд. 98-варақ.
12. Ўша ерда. 13-йиғмажилд. 5-варақ.
13. Ўша ерда. 12-йиғмажилд. 40-варақ.
14. ТШДА. С-0040- жамғарма. Доимо сақланадиган йиғмажилдлар 1-сон рўйхати. 1936-1960 йиллар учун. 1-варақ.
15. ТШДА. С-0041- жамғарма. Доимо сақланадиган йиғмажилдлар 1-2-сон рўйхати. 1930-1966 йиллар учун. 10-варақ.
16. ТШДА. С-0041- жамғарма. 1-сон рўйхат. 90-йиғмажилд. 10-варақ.
17. ТШДА жорий архиви. Тошкент шахар давлат архивининг доимий фондлар ва ҳужжатлар ҳисоби тўғрисидаги маълумот. 4-варақ.
18. ТШДА. С-0045- жамғарма. Доимо сақланадиган йиғмажилдлар 1-сон рўйхати. 1931-1963 йиллар учун. 1-варақ.
19. ТШДА. С-0046- жамғарма. Доимо сақланадиган йиғмажилдлар 1-сон рўйхати. 1940-1941 йиллар учун. 1-варақ.
20. Ўша ерда. Доимо сақланадиган йиғмажилдлар 1-сон рўйхати. 1940-1941 йиллар учун. 5-10 варақлар.
21. ТШДА. С-0093- жамғарма. Доимо сақланадиган йиғмажилдлар 1-сон рўйхати. 1935-1960 йиллар учун. 1-варақ.
22. ТШДА. С-0093- жамғарма. Доимо сақланадиган йиғмажилдлар 1-сон рўйхати (давоми). 1960-1982 йиллар учун. 2-3-варақлар.
23. ТШДА. С-0093- жамғарма. Доимо сақланадиган йиғмажилдлар 1-сон рўйхати (давоми). 1960-1982 йиллар учун. 6-9-варақлар.
24. ТШДА жорий архиви. Тошкент шахар давлат архивининг доимий фондлар ва ҳужжатлар ҳисоби тўғрисидаги маълумот. 4-20-варақлар.с

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ
LOOK TO THE PAST
ЎТМИШГА НАЗАР

Азизов Икромжон Шадибаевич,
ЎзР ФА тарих институти
Кичик илмий ходими

ТОШКЕНТДАГИ БИРИНЧИ ЭРКАКЛАР АМБУЛАТОР ШИФОХОНАСИНИНГ ТАШКИЛ ЭТИЛИШИ

http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2019-1-18

АННОТАЦИЯ

Туркистон ўлкасида замонавий европа усулидаги тиббиёт муассасалари фаолият юрита бошлаганлиги сабабли беморлар врачлар назорати остида даволаниш имконияти пайдо бўлди. Беморлар ушбу имконият натижасида бир неча врачлар назоратида бир неча касаллик билан даъволаниши ва аниқ ташхис натижаларини билиши мумкин эди.

Калит сўзлар: тиббиёт, табиб, врач, бемор, касаллик, даволаш, шифохона.

Азизов Икромжон Шадибаевич
Институт истории АН РУз

СОЗДАНИЕ ПЕРВОЙ МУЖСКОЙ АМБУЛАТОРНЫЙ ЛЕЧЕБНЫЦИ В ТАШКЕНТЕ

АННОТАЦИЯ

В Туркестанском крае были открыты современные медицинские учреждения в европейском стиле, в результате этого у пациентах появилась возможность лечиться под надзором врачей. Пациенты смогли лечиться под контролем нескольких врачей с несколькими болезнями и смогли узнать несколько диагнозам нескольких болезни.

Ключевые слова: медицина, знахарь, врач, больной, болезнь, лечение, лечебница

Azizov Ikram Shadibaevich
Republic of Uzbekistan Academy
of sciences Institute of History

OPENING OF THE FIRST MALE OUTPATIENT TREATMENT IN TASHKENT

ANNATATION

Modern European-style medical facilities were opened in the Turkestan region, as a result, patients had the opportunity to be treated under the supervision of doctors. Patients were able to be treated under the supervision of several doctors with several diseases and were able to recognize several diagnoses of several diseases.

Key words: medicine, healer, physician, sick, disease, therapy, clinic

XIX асрнинг сўнгги чорагида Туркистон ўлкасида турли касалликка мансуб беморларни табиблар анъанавий тиббиёт усулида даволашда давом этар эди. Баъзи касалликларни даволаш бўйича анъанавий тиббиёт усули натижа берса-да, аммо, баъзи касалликларни хусусан жарроҳлик муолажасига ва лаборатор ташхисга муҳтож беморларга хизмат кўрсатиш европа усулидаги шифо муассасаларидан орқада қолаётган эди. Ундан ташқари табиблар уйларида, бозорларда ва кўчаларда ўз фаолиятларини олиб боришган. Беморларни врачлар назорати остида даволовчи шифо муассасалари деярли бўлмаган.

XIX асрнинг сўнгги чорагига келиб, Туркистон ўлкасида фаолият олиб бораётган бир гуруҳ шифокорлар Тошкентда эркаклар амбулатор шифохонасини ташкил этиш масаласида шаҳар думасига мурожаат қилганлар. Бу таклифни ижобий қабул қилган шаҳар думаси вакиллари маблағ ажратишга қарор қилганлар. Ташаббускор врачлар маҳаллий аҳолининг табибларга мурожаатлари кўп ҳолларда кўнгилдагидай натижа бермаганлигини, маҳаллий аҳоли вакилларининг европа тиббиётидан хабардор қатламининг кўнгли тўлмаётганини эътиборга олиб, илмий ёндашилган охирги тиббий-техник ашёлар билан хизмат кўрсатувчи шифохона очишни мақсад қилишган эди. Манбада қайд этилишича, улар бундай шифохонанинг барчага ёрдам кўрсатадиган маскан бўлишини назарда тутганлар. Шифохонага мурожаат қилган, шаҳар чеккасида яшайдиган беморларга тиббий ёрдам кўрсатиш учун шифохона врачлари, ўз вақтларини аямасдан, уларнинг уйларига борганлар.

"Туркестанские ведомости" газетасида 1886 йил 15 майда Қатортерак маҳалласида Муҳаммад Юсуф Мулла Зиёев уйида эркаклар учун бепул ёрдам кўрсатадиган шифохона очилгани эълон қилинади. Бу шифохонага 1886 йилдан 1899 йилгача 99 887 киши 250 372 марта мурожаат қилган[1, 96-97].

Врачлар жамоаси шаҳар думаси шифохона қурилишига маблағ ажратмаган тақдирда уни ўз маблағлари ҳисобидан қуришни, беморлардан тиббий маслаҳат ва дори учун 20 коп. дан хизмат ҳақи олишни режалаштирган эдилар. Аммо, шаҳар думаси уларнинг бу ташаббусларини инобатга олганлиги учун шифохона тўлиқ шаҳар думаси маблағи ҳисобидан қуриб битказилган[2, 201].

Бундай шифохонага мурожаат қилувчиларнинг кўпчилиги маблағи етарли бўлмаган фуқаролар бўлганлиги учун шаҳар думаси нафақат бирламчи шифохона таъминотини, балки керакли тиббий ашёлар, хирургик асбоблар, боғлов анжомлари ва дориларни ҳам бепул етказишни мақсад қилган эди. Амбулатория маъмуриятининг фаолияти, ҳуқуқи ва мажбуриятларини, уларнинг шаҳар жамоатчилик бошқармаси билан муносабатларини тартибга солиш мақсадида 1886 йил 2 сентябрда ўлка бош бошлиғи томонидан амбулатория маъмуриятининг ҳолати тасдиқланган. Унга кўра, амбулатор шифохона врачлари уларга эҳтиёжи борларга тиббий маслаҳат беришни ва зарурий ёрдам кўрсатишни мақсад қилишлари лозим эди. Шифохона врачлари ҳафтанинг беш кунида - душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва шанба кунлари беморларни қабул қилиши белгилаб берилди. Жума куни мусулмонлар томонидан, якшанба куни эса насронийлар оламида байрам қилингани учун шифохонада ушбу кунлари беморлар қабул қилинмаган.

Статистик маълумотларни билиб бориш учун беморларнинг мурожаатлари махсус дафтарга қайд қилиб борилган. Ушбу дафтарга беморларнинг кунлик, ҳафталик, ойлик ва йиллик мурожаатлари, шу билан бирга, маҳаллий аҳолининг касалликка чалиниш сабаблари, касаллик кўринишлари, касалликнинг юқиш

усуллари, унинг кўпайиши ва камайиши сабаблари илмий мақсадларда қайд қилиб борилган. Юқорида кўрсатилган иш кунларида бир нафар врач, бир нафар фельдшер ва икки нафар маҳаллий аҳоли вакилларидан бўлган фельдшер шогирдлар навбатчилик қилишган. Ушбу навбатчилар мурожаатга қараб хонадонларга борганлар ва беморларга ташхис қўйиб, керакли маслаҳатлар бериб, дори-дармон тавсия қилганлар, зарур ҳолларда жарроҳлик усулини қўллаганлар. Навбатчи врач ўта жиддий касаллик билан мурожаат қилинган ҳолларда ўз касбдошлари бўлган врач-олимларни маслаҳат учун таклиф қилган. Врачлар жамоасининг келишувига биноан, жарроҳлик амалиёти бир нафар врачнинг қарорига кўра эмас, балки, кўпчилик врачларнинг чуқур ўрганишлари натижасида беморга тузалиб кетиш кафолатини берган ҳолда амалга оширилган. Жиддий тиббий амалиётлар тўғри келган шароитда амалга оширилмасдан, замонавий европа талаблари даражасида амалга оширилган.

Тиббиёт маскани учун ашёлар ва амбулатор даволаш учун зарур бўлган жарроҳлик асбоблари, врач кўрсатмасига биноан, шаҳар маҳкамасида тайёрланган. Шифохона таркибида тайёрлашнинг имкони бўлмаган дори-дармонлар ва боғлов ашёлари шаҳар дорихоналаридан истеъмол учун тайёр ҳолатда керакли миқдорда шифохона учун бериб борилган. Амбулатория врачлари ишлаб чиқилган низом асосида иш юзасидан ёки бошқа сабаб туфайли Тошкентдан кетишларига тўғри келса, ўзларининг ўрнига ихтиёрий ишга келишни хоҳловчи врачларни ишга таклиф қилишни мажбурият сифатида қабул қилишган. Ушбу мажбуриятга итоат қилган ҳолда Палиенко, Ришковский, Рожденственский, кейинчалик Юрасов ва Бентковскийлар ўз хизмат вазифаларини тарк этганлар. Уларнинг ўрнига доктор Околов, Бейнер, Шафалович сўнгра Волянский ва Добромисловлар ишга келганлар. Беш нафар врач ҳафтанинг беш иш кунида беморларни қабул қилган. Шифохонага янги ишга келган врачлар малакаси ва мавқеидан қатъий назар, ишга келган вақтларидан бошлаб, Сирдарё вилоят врачи, тиббиёт фанлари доктори Околов билан ёнма-ён туриб, ишга киришиб кетганлар.

Шифохонанинг қуйи ходимлари икки фельдшердан иборат бўлиб, йилига 480 руб. дан маош олишган. Маҳалий аҳоли вакилларидан икки фельдшер шогирд фаолият юритган. Уларнинг бири таржимон вазифасини бажариб, йилига 240 руб. маош олган. Иккинчиси эса 180 руб. маош олган. Шифохонада фаррош йилига 120 руб. маош олган. Шифохона ўзига зарур иморат учун шаҳарнинг Шайхонтоҳур қисмидаги Қатортерак махалласидаги уйни ижарага олиб, биринчи йили 360 руб. иккинчи йили эса 240 руб. ижара ҳақи тўланган. Шифохонанинг бирламчи жарроҳлик асбоблари ва хўжалик анжомлари таъминоти учун шаҳар ижтимоий бошқармаси 400 руб. ажратган. Ундан ташқари, муқаддам шаҳар врачига тегишли бўлиб, сўнгра унга эҳтиёжи қолмаган жарроҳлик асбоблари ва бўғма эпидемияси сабабли ажратилган асбоблар ҳам эркаклар шифохонасига фойдаланиш учун берилган. 1887 йилда шифохонага тегишли анжом ва асбобларининг қиймати 700 руб.дан иборат бўлган. Эркаклар амбулаторияси фаолияти учун шаҳар думаси йилига 1750 руб. ажратган. Шаҳар дорихонасидан берилган дорилар бундан мустасно бўлиб, дорихонанинг берган дорилари 1500 руб. дан 2000 руб. гача бўлган маблағни ташкил қилган. Умумий миқдорда эркаклар шифохонасига йилига 3250 руб. дан 3750 руб. гача миқдорда пул ажратилган[2, 202].

1886 йил 15 майдан бошлаб беморлар бир қанча касалликлар билан мурожаат қилганлар. Ушбу касалликлар беморларни қайд қилиш дафтарига ёзиб борилган.

Масалан, 1,5 йил ичида қичима касаллиги билан 1976 нафар, қўзғалиб турадиган безгак билан 511 нафар, темиратки билан 422 нафар, бод касаллиги билан 217 нафар, чипқон билан 172 нафар, кўз шиллиқ пардасининг одатий яллиғланиши билан 159 нафар, ошқозон ва ичак пардаларининг яллиғланиши касаллиги билан 131 нафар, нафас йўлларининг яллиғлаиши касаллиги билан 119 нафар, одий яра чиқиши билан 109 нафар, ичбуруғ касаллиги билан 97 нафар, томоқ яллиғланиши билан 72 нафар, захм касаллиги билан 71 нафар, қулоқ касаллиги билан 64 нафар, жароҳатларни кестириш юзасидан 63 нафар, суяк пардаларининг яллиғланиши касаллиги билан 54 нафар, ширинча касаллиги билан 49 нафар, милк касаллиги билан 46 нафар, лат ейиш билан 44 нафар, суяк синиши билан 43 нафар, лимфа тўқималарининг яллиғланиши билан 40 нафар, бурун шиллиқ пардасининг яллиғланиши билан 38 нафар, жароҳатларнинг лат ейиши билан 38 нафар, кўз чаноғи шиллиқ пардасининг яллиғланиши билан 38 нафар, асаб тизимининг касалланиши билан 34 нафар, қуйиш билан 34 нафар, мояк ва думғаза яллиғланиши билан 28 нафар, қонли ичбуруғ билан 28 нафар, пай узилиши билан 21 нафар, сурункали яралар билан 21 нафар, ўпка шамоллаши билан 18 нафар, маҳаллий яралар билан 18 нафар, юрак хуружи билан 17 нафар, суяк чириши касаллиги билан 14 нафар, истисқо билан 6 нафар, сариқ касаллиги билан 5 нафар, буқоқ билан 5 нафар, сийдик пуфагининг яллиғланиши билан 4 нафар, тиззи қисминнг яллиғланиши билан 3 нафар, ўпка пардасининг яллиғланиши билан 3 нафар, тизза қисминнг яллиғланиши билан 3 нафар, камқонлик билан 2 нафар, қовурға ости ўпка пардаси яллиғланиши билан 2 нафар, фалаж билан 2 нафар, оёқнинг яллиғланиши билан 2 нафар, сарамас касаллиги билан 2 нафар ва ўпка яллиғланиши, ришта, сийдик пуфагига тош йиғилиши, умуртқа синиши, чурра, умуртқа суягининг синиши билан бир нафардан беморлар мурожаат қилишган[2, 202].

Эркаклар шифохонасининг врачлари ўз билим ва меҳнатлари билан жуда кўп сонли беморларга самарали ва беминнат тиббий ёрдам кўрсатганлар. Ушбу муддат ичида 4853 нафар бемор 25 137 марта шифохонага мурожаат қилган. Шифохонага дума томонидан қилинган харажатлар ва врачларнинг илмий ёндашувлар орқали маҳаллий аҳолининг европача тиббиётга нисбатан фикрини ижобий томонга ўзгартиришни рус маъмурияти ўзининг вазифаси деб билган. Шаҳар думаси шифохонани ташкил қилганлиги ва шифохонадаги беминнат меҳнатлари учун врачларнинг меҳнатини қадрлаб, уларга ўз миннатдорчилигини ўлка маъмурияти орқали маълум қилган[2, 202].

1906 йилга келиб, эркаклар шифохонасига 9473 нафар аёл беморлар ҳам шифо излаб мурожаат қилганлар. Шаҳар думаси йиғилишида маҳаллий аҳоли томонидан сайланган номзодлар аёлларнинг эркак врачларга мурожаат қилиши шариатга кўра ножоизлиги масаласини кўтариб чиққанлар. Шаҳар думасидаги бошқа номзодлар эркаклар шифохонасида эркаклар ва аёллар бўлими фаолият юритишини, шунингдек, аёллар бўлимида аёллар ва болалар врачи ишлашини билдирган. Думадаги рус номзодлари йиғилишда маҳаллий аҳолининг эътирозини эътиборга олиш лозимлигини таъкидлаб, масаланинг ижобий ечим топиши учун эркаклар шифохонасидан аёллар бўлимини ажратиб чиқариш таклифини беришган. Шу билан бирга, болалар бўлимини эркаклар шифохонасида қолдириш муаммонинг ижобий ҳал бўлишига сабаб бўлишини таъкидлаганлар[3,732].

Шу тариқа, Туркистон ўлкасига келган рус шифокорларининг ташаббуслари билан шаҳардаги илк эркаклар шифохонасига асос солинган. Ушбу шифохона нафақат маҳаллий эркаклар, балки аёллар ишончини ҳам қозонган. Бу эса, ўлка аҳолисининг замонавий тиббиёт муассасалари ва бошқа миллатларга мансуб шифокорларга ишончи ошиб борганлигидан далолат беради. Шифохоналарда беморлар врачлар назорати остида даволаниш имкониятлари бўлган. Ушбу усулда даволаш касалликни бартараф қилишда самарали натижа берган.

Адабиётлар рўйхати:

1. О народном врачевании сартов и киргиз Туркестана. Медицинская помощь инородцам Туркестана и их отношение к русским врачам. - СПб., 1903.
2. Ташкентская мужская амбулаторная лечебница // Туркестанские ведомости. 1887. №51.
3. В думе // Туркестанские ведомости. 1906. №119.

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ
LOOK TO THE PAST
ЎТМИШГА НАЗАР

Юсупова Севара Низамитдиновна
Андижон давлат университети катта ўқитувчиси

ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ ЎЗГАРИШЛАРНИНГ ФАРҒОНА ВОДИЙСИ АҲОЛИСИ ТУРМУШИДА АКС ЭТИШИ

http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2019-1-19

АННОТАЦИЯ

Мақолада Фарғона водийси ижтимоий ҳаётидаги ўзгаришларнинг демографик жараёнларга таъсири масаласи хусусида фикр юритилган.Шунингдек, Фарғона водийси таркибига кирадиган Андижон, Наманган, Фарғона вилоятлардаги демографик жараёнларни бир - бирига қиёсий таққослаш орқали таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: демография, аҳолишунослик, минтақа, туғилиш, табий ўсиш, ўлим, турмуш тарзи, инсон омили.

Юсупова Севара Низамитдиновна
старший преподаватель
Андижанского государственного университета

СОЦИАЛЬНО - ЭКОНОМИЧЕСКИЕ ПРЕОБРАЗОВАНИЯ В ЖИЗНИ ФЕРГАНСКОЙ ДОЛИНЫ

АННОТАЦИЯ

В данной статье рассматриваются социально - экономические ситуации и развития демографического процесса в Ферганской долины в период независимости. А также демографические тенденции в Андижанской, Наманской и Ферганской областях.

Ключевые слова: демография, народонаселения, регион, рождаемость,естественный прирост, смертность, социальная жизнь, человечская фактор.

Yusupova Sevara Nizamitdinovna,
Andijan State University senior teacher

SOCIO-ECONOMIC CHANGES IN THE LIFE OF THE POPULATION OF THE FERGHANA VALLEY

ANNATATION

The article analyzes the demographic processes in the Ferghana Valley through the demographic process of Andijan, Namangan and Ferghana provinces, which are part of the Fergana valley, comparatively comparable to each other.

Key words: demography, population area, birth, natural growth, death, lifestyle, human factor.

One of the priorities of the state policy is the social, economic reforms in Uzbekistan, the modernization of the economy in the natural, socio-economic and demographic development of the regions, in particular, the issue of the human factor and the way of life. In the words of President of the Republic of Uzbekistan Sh.Mirziyoev, "... we understand well that the economic power of the country, the level and quality of life of the population, especially in rural areas, is determined primarily by the complex and consistent development of the regions of our country. This is our task, both in the near future and in the long-term. "(1.72) Indeed, depending on the country's specificity, scientists divide up to six regions as provincial or district-level administrative units: Tashkent (Tashkent city and Tashkent region); Mirzachul (Syrdarya and Jizzakh regions); Ferghana (Andijan, Namangan, Fergana Provinces); Zarafshon (Samarkand, Bukhara and Navoi regions); KuyiAmudarya (Khorezm province and QQR); South (Kashkadarya and Surkhandarya regions) (2.24).

Historically, Uzbekistan is one of the countries where the birth rate and natural population growth are high. The rapid population growth has long been a feature of Uzbekistan. For instance, in 1991, the population of the republic was 20607,7 thousand, in 2006 it was 26312,7 thousand (3,58), in 2011 it was 28453,8 thousand people (4.8), and by 2017 this figure exceeded 32,120.5 thousand people 5.8). In the short period of history, the population of the country increased by almost 12 million or 55.9 percent. Hence, the population growth in Uzbekistan in 1991-2016 was 153.2%, average annual increase was 1.7%. Over the next two decades, the population growth rates have dropped dramatically as a result of the birth and natural increase rates and the negative migration flows. In particular, the average annual population growth in the country has dropped by 2.40 percent in 1985-1990, 2.15 percent in 1990-1995, and 1.70 percent in 2010-2015, 6.17. Although the country's population and the size of the rural population have grown significantly over the years, its annual average annual rate of decline is gradually decreasing. Of course, the majority of ethnic Uzbeks and locals tend to be more populous, more than half of the population lives in rural areas, and the gender composition is positive. Unlike other peoples, Islam, which is believed to belong to Uzbeks, has been shaping for centuries. Traditions also support many children. Our people consider marriage to be sacred, and their desire to marry and have a family is one of the factors that contribute to a high level of birth in Uzbek families (7.122)

All regions of the country gained economic independence and economic recovery in the first years of independence. The improvement in the living standards of the population has resulted in an increase in revenues, which is reflected in a positive change in the situation of material well-being, and ten years after the increase in living standards - from demographic stabilization or sustainable demographic growth since 2005 (8.49) The changes in the indicator have been linked to the growth of demographic potential.

The Ferghana Valley is the most populated area in the country (5555.4 thousand in 1991). Indeed, in Uzbekistan, one of the three million populations was Samarkand, another Fergana, with a population of over two million in the highly developed Andijan and Namangan provinces. Fergana region's population is four times the population of the Syrdarya region, 3.5 times the population of Navoi region. The population of Andijan and Namangan provinces is three times the population of the Syrdarya region, 2.7 times the population of Navoi region, twice the population of Jizzakh Province (9.58). However, in the Navoi region of the desert, 3.1% of the country's population lives in the steppes, while the smallest area in Andijan region is 9.0% of the country's population (8.13)

The region, covering only Andijan, Ferghana and Namangan provinces, occupies only 28.5% of the country's population, occupying only 4.1% of the total area of the country (8), which is due to the rapid growth of the population in the valley regions, and, in general, the size of the demographic dimension.

Fergana in the eastern part of Uzbekistan is located in the Naryn, Karadarya and Syrdarya basins, between the Kurama, Ferghana, Turkistan and Alay mountain chains, and from the West to Tashkent, Syrdarya and Jizzakh regions. The region borders on neighboring states - Kyrgyzstan and Tajikistan.

Population potential can be divided into the following groups:

1. Districts with high demographics: (170,0-222,0 thousand people) - Shahrihon, Chust, Andijan, Kuva, Asaka, Izboskan, Uzbekistan, Uychi, Fergana, Uchkuprik districts;

2. The demographic potential of the region is as follows: (122.3-169.7 thousand people) - Namangan, Besharik, Turakurgan, Buvayda, Oltiariq, Pop, Yangi-Korgon, Bagdod, Kurgantepa, Rishton, Chortoq, Kosonsoy, Toshloq, Baliqchi, Pakhtaabad, Jalaquduk, Akhunbabaev, Dangara, Uchkuprik, Oltinko'l, Marhamat, Norin districts;

3. Low population areas: (46.0- 107.5 thousand people) - Bulakboshi, Mingbuloq, Furkat, Hojobod, Yozyovon, Sokh, Ulugnor districts.

Some of the demographic potential of the population is due to the fact that the former regime was formed as a result of the policy of land acquisition. In addition, as a result of the demographic policy of the Republic during the years of independence, the division of a district into two parts, based on the needs of the population and the capacity of the regions, is reflected in the population of the district. In particular, on April 9, 1992, the request of the Andijan regional hokim of the people's deputies was satisfied and Bulakboshi district was established in the administrative center of the Hojaabad district of Andijan region. It included the Bulakbashi, Kulla, Mayariq, Nayman and Shirmonbulok villages in Khujand district.

Together with the data given above, the Ferghana Valley is one of the most difficult regions of Uzbekistan in terms of its geographical location, its nature, demographic, socioeconomic and ecological state, where many economic and social problems are emerging. A lot of work has been done to address these problems. Particularly, with the rapid development of industrial and service infrastructure, new jobs are created and the needs of the population are met. At the same time, the socio-economic situation has become more severe as some regions and districts of the region are not paying great attention to this urgent problem.

Taking this into account, the President of the Republic of Uzbekistan, adopted on February 7, 2017, in the Decree No. PF-4947 "On the Strategy for the Further Development of the Republic of Uzbekistan", outlined in the Fourth of the five major principles of the Strategy for the development of the social sphere, the development of the Republic of Uzbekistan: ... During the period of our century of independent development, in order to improve human life and create favorable conditions in our country, The hose was carried out. A system of democratic civil society building, in which social protection of the population and its health has been secured, has been based on a global and national experience. "(7.122) The market economy has been steadily advancing, with the exception of a strong mechanism of social protection and guarantees, can be provided. However, in the early stages, changes in the economic sphere have been reflected in the socio-demographic development of children and

families with low income, such as the privatization of property and its liberalization, living conditions, poverty, the growth of certain types of illness, the unemployment problem.

The socio-economic changes in the Ferghana Valley have affected demographic processes, in particular, the population, as well as in all spheres. Serious reforms are under way in this area. Many laws, decrees, decisions, programs have been developed and put into practice in the socio-economic sphere. As a result of these measures, the living standards of the residents of the valley have improved, and the mortality rate, including the mortality rate of children and maternal mortality, has been decreasing, which, in turn, also contributed to an increase in the life expectancy in the country.

Literature list:

1. MirziyoevSh.M. Interethnic friendship and solidarity - aliveliest source of peace and prosperity of our people // We will continue our path of national development with determination and bring it to a new level. Volume 1. -Tashkent: NMIU, 2018. - B.72.

2. Qodirov R.B. Population and labor resources in the Ferghana region. - Tashkent: "Navruz", 2016. - B.24.

3. History of Uzbekistan. State Statistical Committee of Uzbekistan. Stat.sbor.-Tashkent. 2007.-S. 58.

4. Ethnocentral Atlas of Uzbekistan. State Committee of the Republic of Uzbekistan on Land Resources, Geodesy, Cartography and State Cadastre. -Tashkent: State Committee of the Republic of Uzbekistan "Ergeodezkadastr", 2011.- B. 8.

5. Demographic Yearbook of Uzbekistan. - Tashkent, 2017. - B. 18.

6. Tojieva Z.N. Demographic processes in the Republic of Uzbekistan and their regional characteristics. Avtoref. diss ... geographical sciences (DSs). - Tashkent, 2017. - B.17.

7. Bobojonova D. Socio-economic relations in Uzbekistan (70-80 years) .- Tashkent: East, 1999. -122 b.

8. Statisticheskiy ejegodni kregionov Respubliki Uzbekistana.
-Tashkent, 2006. -S.13.

9.Scientific-methodological booklet on the study of the State Program on implementation of the five priority directions of development of the Republic of Uzbekistan in the period of2017-2021 on the implementation of the State Program "Year of Human Rights and Human Interest." - Tashkent.Manaviyat, 2017.-B 291.

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ
LOOK TO THE PAST
ЎТМИШГА НАЗАР

Якубова Мухтарам Бакаевна
Самарқанд давлат университети мустақил тадқиқотчиси

НЕМИС ОЛИМИ ЭДУАРД ЭВЕРСМАННИНГ МАРКАЗИЙ ОСИЁ ТАБИАТШУНОСЛИГИГА ОИД ТАДҚИҚОТЛАРИ

http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2019-1-20

АННОТАЦИЯ

Мақола XIX аср бошларида Туркистонга келган немис олими Эдуард Эверсманнинг табиатшуносликка оид илмий фаолиятига бағишланади. Муаллиф немис тилидаги манбалар асосида ўлкадаги ботаника, зоология, энтомология каби табиатшунослик соҳаларини ўрганишда Эверсманн илмий меросининг аҳамиятини очиб беришга ҳаракат қилади.

Калит сўзлар: Туркистон, европаликлар, табиий фанлар, илмий коллекциялар, Марказий Осиё.

Якубова Мухтарам Бакаевна
Соискатель Самаркандского государственного университета

ЕСТЕСТВОЗНАНИЕ ЦЕНТРАЛЬНОЙ АЗИИ В ИССЛЕДОВАНИЯХ НЕМЕЦКОГО УЧЁНОГО ЭДУАРДА ЭВЕРСМАННА

АННОТАЦИЯ

Статья посвященаестественно-научной деятельности немецкого учёного Эдуарда Эверсманна, побывавшего в Туркестане в начале XXвека.На основе немецкоязычных источников автор пытается раскрыть значение научного наследия Эверсманна в изучении таких естественных наук региона как ботаника, зоология, энтомология и др.

Ключевые слова: Туркестан, европейцы, естественные науки, научные коллекции, Центральная Азия.

Yakubova Muhtaram Bakayevna
Researcher Samarkand State University

THE NATURAL RESEARCH OGGERMAN SCIENTIST EDUARD EVERSMANN IN CENTRAL ASIA

ANNATATION

The article is devoted to the natural scientific activity of german scientist Eduard Eversman, who visited Turkestan in early XX centuries. Author tries to reveal signisicance scientific inheritance of Eversmann in studying such natural scientific brunches as botany, zoology, entomology of region in german source.

Key words: Turkestan, the Europeans, natural science,scientific collection, Central Asia

XIX асрда Европа олимлари учун Марказий Осиё минтақасини ўрганиш ва уни Европа учун янгидан кашф қилиш, ҳудуднинг табиий ҳамда геостратегик ресурсларидан фойдаланиш истиқболлари муҳим аҳамият касб этган. Ушбу давргача европаликларга Ўрта Осиё ҳақида ўрта аср саёҳатчилари маълумотлари асосий манба вазифасини бажарган. XIX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб Россия ва Британия империяларининг Марказий Осиёга қараб кенгая бориши географик ва этнографик маълумотларга нисбатан эҳтиёжларни юзага келтирди. Айнан шу даврдан бошлаб Марказий Осиё қизиқарли саёҳатлар ва илмий экспедициялар объектига айлана борди. Илм-фан ва ҳарбий ҳаракатлар стратегиясининг биргаликда олиб борилиши минтақани забт этишга катта йўл очиб берди. Натижада, Марказий Осиё рус ва британ экспедициялари томонидан катта қизиқиш билан ўрганила бошланди.

XX аср адабиётлари ривожланишга йўналтирилган империализмнинг бошланиши сифатида характерланади.Ер шарининг кашф этиб бўлинган аксарият қисмларига коммуникация лойиҳалари кенгайтирилган.Лекин, ҳали тўлиқ кашф қилинмаган ҳудудлар ҳам мавжуд бўлиб, Туркистон шундай минтақалар қаторига кирган. Бу борада Европа тадқиқотчилари қаторида немис олимлари ҳам анча фаол бўлганлар. Шундай тадқиқотчилардан бири Марказий Осиё, хусусан Туркистон ўлкаси ҳақида бой маълумотлар ёзиб қолдирган немис олими Эдуард Фридрих Эверсманндир (Eduard Friedrich Eversmann,1794-1860).Эверсман Вестфалия яқинида туғилган,1816 йилдан бошлаб узоқ йиллар давомида Россияда яшаган.

Табиатшунослик ва медицина соҳалари бўйича йирик мутахассис бўлган тадқиқотчи форс ва татар тилларини ҳам ўрганган. Кейинчалик зоология фани билан ҳам қизиқиб, Марказий Осиё ва Урал ҳудудлари табиатини ўрганишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган.

1820 йил Оренбургдан Бухорога жўнатилган А.Негри бошчилигидаги элчилик таркибига Пандер ва Эверсман сингари табиатшунослар ҳам ҳамроҳлик қилишган. А.Негри элчилиги таркибида Эверсман Бухорога татар савдогари кўринишида келган. XIX арс немис олими Г.Хелмерзиннинг маълум қилишича, Эверсманнинг мусулмон савдогари эмаслиги бир бухоролик савдогар томонидан аниқланади ва Бухоро амири ҳукуматига фош этилмасдан бурун муқаррар қатлдан омон қолиш мақсадида зудлик билан Оренбургга жўнаб кетади [1].1825 йилда Берг ва Эверсман томонидан Каспий ва Орол денгизи ўртасидаги ҳудудлар ҳақида муҳим маълумотлар тақдим этилиб, Оролнинг Каспий денгизига қараганда юқорироқда жойлашганлиги илк бора ушбу немис тадқиқотчилари томонидан исботланган.

Туркистон ўлкаси табиатшунослигига оид йиғилган материаллар Эверсман томонидан Берлинга жўнатилган [2]. Шунингдек, Бухорога уюштирилган экспедиция натижалари бир вақтнинг ўзида, яъни 1823 йили Берлин [3] ва Лондонда[4] нашр қилинган асарларда ўз ифодасини топган. Лихтенштейннинг ушбу китобга ёзган кириш сўзидан маълум бўладики, китоб нашр этилган йилларда (1822-1823)ҳам Эверсманн Оренбургда амалиётчи шифокор сифатида ишлаб,ўз кузатувларини давом эттирган.

Эверсман Берлиндаги "Леопольдина" табиатшунослар Герман академияси аъзоси бўлган, ундан ташқари Афина,Лотос,Прага, Москва табиатшунослар жамияти, Рус географик жамияти, Франкфурт-Майндаги Зенкенберг жамияти, Штеттинг энтомологик, Берлин хаваскор-табиатшунослар жамияти, Санкт-

Петербург Фанлар Академияси, Эрфуртдаги Академиянинг фахрий аъзоси бўлганлиги олимнинг табиий фанлар соҳасида етук мутахассис эканлигидан далолат беради. 1845 йил Демидов мукофоти билан тақдирланган.

1825 йил полковник Ф.Ф.Берг бошчилигидаги харбий экспедицияда шифокор сифатида иштирок этади. Умрининг охиригача Қозон университети зоология ва ботаника кафедраси профессори лавозимида ишлаган. 1842 йил Петербург Фанлар академияси мухбир аъзоси этиб сайланган.Эверсманнинг коллекцияларини ўрганиш натижасида Туркистоннинг ҳайвонот ва наботот оламига оид фан учун янгилик бўлган бир неча юзлаб янги турлар кашф этилган.

Тадқиқотчи Э.Эверсман саёҳатлари давомида Туркистон ҳайвонот оламининг сутэмизувчилар, қушлар ва ҳашаротлар турларига доир бой коллекциялар тўплашга муваффақ бўлган. Турли хил ҳайвонларнинг систематикасини, биологиясини, тарқалишини батафсил ёритиб берган, бир қанча янги турлар тавсифини келтирган. Э.Эверсман 30 йилдан ортиқ давр мобайнида зоологик коллекциялар тўплаб, асосан ҳашаротларга эътибор қаратган. Унинг коллекциясида 11 252 турдаги 50 420 экземпляр ҳашарот мавжуд бўлган [5].

Туркистон энтомологик коллекциясида 3852турда қўнғизлар, 2828 турдаги капалаклар ўрин олган. Эверсманнинг вафотидан кейин ушбу коллекция Рус энтомология жамияти томонидан сотиб олинади. Ҳозирда Россия Фанлар акдемияси Зоология музейида (Санкт-Петербург) сақланади. Қозон университети зоология музейи коллекциясида мавжуд бўлган экспозиция шахсан Э.Эверсман томонидан 1841-1859 йилларга тўпланган. Унда балиқларнинг кўплаб турлари, амфибияларнинг 3 тури, қушларнинг 20 ва сутэмизувчиларнинг 2 хил тури ўрин олган.

Эверсман даврида музей тўпламлари амфибия ва рептилияларнинг 18 турига (жумладан, филсимон ва яшил тошбақа), қушларнинг 619 турига (жумладан, 12 хил лайлаксимон, 11 турдаги лочинсимон, калибрининг қарийб барча турлари) ҳамда сутэмизувчиларнинг 106 тури (улардан 20га яқин тури табиатни муҳофаза қилиш Бутунжаҳон Иттифоқининг Қизил китобига киритилган) билан бойитилган.

Эверсман тадқиқотларида ўлка табиатидаги сутэмизувчилар ҳақида қимматли илмий маълумотлар жамланган. Тадқиқотчи бу борада қуйидагиларни изоҳлайди:

"Ўлкада паст бўйли тўртпанжалиларкенг тарқалган. Улар ерости уяларда паноҳ топиб, илдизлар билан озиқланади. Сичқонлар бу ерда ҳақиқий ватанини топган. Суғурлар, юмронқозиқлар, олмахонлар, қўрсичқонлар,каламушлар, узуноёқ сичқонлар ернинг қаттиқлиги, қуруқлиги ва чуқурлигига қараб навбати билан жой алмашади. Олмахон, жайра, дарё ва ботқоқликни севувчи сув кундузлари, қуёнлар кўп. Серўт юқори тоғли жойларда ҳам Туркистон фаунаси жуда хилма-хил.Бу ҳудудда тулкиларнинг кўплаб турлари, сувсарлар, латча-ариқ сичқони(сувсарларга мансуб кичкина йиртқич ҳайвон), сассиқкузан, бўрсиқ, типратиканлар кенг тарқалган. Ёввойи чучқалар асосан сичқонлар ва уларнинг захиралари билан озиқланади. Ушбу ҳудуднинг сутэмизувчилар фаунаси шулардан иборат"[6].

Бундан ташқари, Эверсман Туркистон сутэмизувчилари каталогини тузган. Тадқиқотчи ўлкамизга оид ҳайвонот, ўсимлик, қушларнинг лотинча номлари ва характеристикасини ҳам ўрганиб чиққан [7].

Рус тадқиқотчиси В.И.Гаранин Эверсман илмий асарларининг тўлиқ рўйхатини

келтирган [8]. Марказий Осиё зоология ва энтомологиясига оид асарлари илм аҳли орасида жуда машҳур [9]. 2005 йилдан бошлаб Россияда энтомологик жамият томонидан Эверсман шарафига "Эверсманния" илмий журнали чиқа бошлади. Немис тадқиқотчиси Э.Эверсман Туркистон ўлкасининг табиатини ўрганиб, зоология ва энтомология каби фанларнинг ривожига сезиларли ҳисса қўшган.

Хулоса қилиб айтганда, Эверсман қатор ҳудудларини ўрганиб, зараркунандаларга қарши курашишнинг биологик чораларини биринчилардан бўлиб таклиф этган. Тадқиқотчи Россия ва Европадаги мутухассислар билан доимий алоқада бўлган. Хусусан, Берлин музейида фаолият юритган устози Г.Лихтенштейн Эверсманнинг Бухоро сафари материалларини,яъни 1823-1825 йиллар тўпламларини нашр эттирган.

Literature list:

1. Lehmann A. Alexander Lehmann's Reise nach Buchara und Samarkand in den Jahren 1841 und 1842 (Nach den hinterlassenen Schriften desselben bearbeitet, und mit Anmerkungen versehen von G. v. Helmersen. Nebst einem zoologischen Anhaenge von J.F.Brandt. Berlin,1852, 19-S.

2. EversmannE. Reise von Orenburg nach Buchara. Berlin: Verlag von E.H.G. Christiani, 1823. - 8 S.

3. EversmannE. Reise von Orenburg nachBuchara. -Berlin:1823.

4. EversmannE. Russian Missions into the interior of Asia.London, 1823.

5. https://bigenc.ru/world_history/text/1935556 09.08.2018г.18:30

6. EversmannE. Reise von Orenburg nach Buchara. Berlin: Verlag von E.H.G. Christiani, 1823. 100- s.

7. EversmannE. Reise von Orenburg nach Buchara. Berlin: Verlag von E.H.G. Christiani, 1823. 110-150 s.

8. Гаранин, В.И. Жизнь и деятельность Э.А. Эверсманна. Казань.2002

9. Insecta Wolgam fluvium inter et Montes Uralenses observata a Dr. E.Eversmann. Casani 1836 // Bu.II. - Annee. 1837. - № 1. - P. 33 - 39 (списки Rynchota, Orthoptera, Libellulinae). 2. Lumbriculus nocticulus (von dem Herrn Professor Eversmann) // Уч. записки Казанск. ун-та. - 1838. - Кн. 1. - С. 156 -157. 3. Gomphocerusrufus, Thunb. descriptus et iconeillustratus a Professore Casaniensi Eduardo Eversmann // Bull. Ann. - 1839. - № II. - P. 139 -140. 4. Речь о пользе наук естественных и в особенности зоологии (Сочинил орд. проф. Зоологии Еверсманн) // Обзор. преподаваний в И. Казанск. ун-те за 1839 - 1840 учебный год. - Казань, 1839. - P. 1 -10. 5. Mittheilungen ueber einige neue und einige weniger gekannte Sdugethiere Russlands. Von Dr.EduardEversmann, Professor der Zoologie an der Universitdt zu Kazan // Bu.II. - Annee 1840. - № 1. - P. 3 - 59. 6. Естественная история Оренбургского края. Сочинение Эдуарда Эверсманна, Доктора Философии, Медицины и Акушерства,коллежского советника, профессора Естественной Истории при императорском Казанском университете и Члена разных ученых обществ. Часть первая. - Вступление в подробную естественную историю Оренбургской губернии, или общий взгляд на край Оренбургский в отношении к произведениям природы. Оренбург: В типографии штаба отдельного Оренбургского корпуса, 1840. С. V+199.7. Fauna entomologica, quam pervigintifereannosinprovincias Volgam fluvium inter etmontes Ural enses observavitet description ibusillustravit Eduardus Eversmann, Dr. Phil., Med. et. Art. Obst. Prof. Od. Univers. Caesar. Casanens., a consiliis collegior. etplur. Societ. erudit. Sodalis. Tomus primus. Lepidoptera. Casani. Ex Universitat isoffici natypographica. - 1841. - P. I - XIV, 1 - 190.

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ
LOOK TO THE PAST
ЎТМИШГА НАЗАР

Ширинова Наргиза Фахритдинбек қизи
ЎзФА Тарих институти, кичик илмий ходими

XIX АСР ОХИРИ XX АСР БОШЛАРИДА ТИББИЁТ ВА ХАЛҚ ТАБОБАТИГА ОИД ТОШБОСМА АСАРЛАР

http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2019-1-21

АННОТАЦИЯ

Мақолада XIX аср охири XX аср бошларида ёзилган тиббиётга оид тошбосма асарлар ҳақида маълумотлар берилган. Унда ЎзРФА Шарқшунослик институтида сақланаётган шу даврга оид тиббий тошбосма асар намуналари келтирилган. Шунингдек, Ўрта Осиё ҳудудида учраган касалликлар маҳаллий манбалар асосида ёритилган.

Калит сўз: тошбосма, босмахона, рисола, асар қисқартмаси, муолажа, юқумли касалликлар

Ширинова Наргиза
Институт истории АН РУз

ЛИТОГРАФИЧЕСКИЕ ПРОИЗВЕДЕНИЯ ПО МЕДИЦИНЕ, НАПИСАННЫЕ В КОНЦЕ XIX - НАЧАЛЕ XX ВЕКАХ

АННОТАЦИЯ

В статье приводятся сведения о литографических произведениях, по медицине, написанные в конце XIX - начале XX вв. хранящиеся в Институте востоковедения имени А.Р. Беруний АН РУз. На основе анализа проанализированы материалы, отражающие болезни, распространенные на территории Средней Азии.

Ключевые слова: литография, издательство, произведение, комментария, медицина, лечение, инфекционные болезни

Shirinova Nargiza
Republic of Uzbekistan Academy
of sciences Institute of History

THE LITHOGRAPHIC WORKS ON MEDICINE WHICH WRITTEN AT THE END OF XIX - THE BEGINNING OF XX CENTURY

ANNATATION

The article illustrates information about lithographic works, which were written at the end of XIX - the beginning of XX century. There have been given some examples of lithographic books on medicine that are kept at the Institute of Oriental Studies named after Al Beruniy of the Academy of Sciences of Uzbekistan. Moreover, some diseases that were found in territory of Central Asia have been disclosed basing on local sources.

Key words: lithography, publishing house, work, comment, medicine, treatment, infectious ills.

Бизга маълумки, тиббиёт фани неча асрлардан буён ривожланиб, тараққий этиб келмоқда. Айниқса Шарқ табобатининг бутун жахон медицинасидаги тутган ўрни беқиёсдир. Абу Абдуллоҳ ал Хоразмий, Абу Бакр ар Розий, Абу Райхон Беруний, Абу Мансур Бухорий, Абу Али Ибн Сино каби кўпгина алломаларимиз бу соҳада фаолият олиб борганлар ва тиббиётга оид нодир асарлар ёзиб қолдирганлар. Алломаларимизнинг асарларидан шогирдлари, улардан кейинги авлодлар қайта қайта нусхалар кўчирганлар, халқ ўқиб улардан фойдаланишлари учун уларни қисқартириб, асарларга қисқартмалар ва шархлар ёзганлар. Улардан илхомланиб ўзларининг асарларини яратганлар. Маълум бир асардан биргина нусха олиш бир неча босқичдан иборат бўлган машаққатли мехнат хисобига амалга оширилган. Бу иш хаттоки санъат даражасига етиб, китобат санъати деб атала бошлади. Бу жараёнда бир неча кишидан иборат жамоа, хунарманд, қоғозрез, хаттот, лавҳоқ, музаҳҳиб, мусаввир, саҳҳоф(муқовасоз) ва бошқалар меҳнат қилишар эди[1]. Бунинг натижасида китоблар кўз қорачиғидек асралган ва шу сабабли бир неча аср бурун кўчирилган ноёб қўлёзмалар бизгача етиб келган.

XIX асрнинг охирларига келиб Туркистон ҳудудида дастлабки тошбосма (литографик)[2]. асарлар пайдо бўла бошлайди. Эндиликда хаттотлар биргина асар устида ойлаб, йиллаб ўтиришлари шарт эмас эди. Бир неча кунда маълум бир асарнинг бир нечта нусхалари чоп этилишига имкон туғилади. 1874 йилда Хива хони Муҳаммад Раҳимхон II (Феруз) нинг ташаббуси билан илк босмахона иш бошлайди. 1920 йилга келиб, Тошкентда 15 та, Самарқандда 8 та, Каттақўрғон, Қўқон, Фарғона ва бошқа шахарларда 3 тагача босмахоналар бўлган [3]. Бугунги кунда араб, форс, туркий тилларда яратилган тошбосма асарлар Ўзбекистоннинг турли китоб фондларида сақланиб келинмоқда [4].

Уларнинг асосий қисми ЎзР ФА Абу Райҳон Беруний номли Шарқшунослик институтида сақланади. Хазинада сақланаётган тошбосма ва нашр китоблар Марказий Осиёдаги йирик фондни ташкил қилади. Бундай китоблар ҳозир 39000 жилддан иборат бўлиб, 20 мингга яқин мустақил асарларни ўз ичига олган. Шулардан, XIX-XX аср бошларида нашр қилинган тиббиётга оид тошбосма асарлар ҳам салмоқли ўрин эгаллайди. ЎзРФА Шарқшунослик институтида 40 га яқин бу даврга оид тошбосма асарларни кўрамиз. Улар бизгача қўлёзма ҳолатида етиб келмаган баъзи бир асарларнинг нашр этилган даврларда мавжуд эканлигидан далолат беради [5].

Уларни ичида ноёб нашрлардан Муҳаммад ибн Юсуф ат-Табиб ал-Ҳаравийнинг (XVI аср) "Тибби Юсуфий" ("Юсуфий табобати") асарининг форс тилидан ўзбек тилига таржимаси, Маҳмуд Ҳаким Яйфоний Хўқандийнинг "Тариқ ал-илож" ("Даволаш усули") асарини, машхур "Тибби туркий" асарларини учратишимиз мумкин.

XIX аср охири XX аср бошларида нашр этилган ва бизгача етиб келган тиббиётга оид асарларнинг мазмуни хам хилма-хилдир. Асарлар турли хил касалликлар, зарарли одатлар, уларнинг олдини олиш, даволаш ва гигиенага қоидаларига бағишланади. Масалан, нафас йўллари касалликларига бағишланган рисолалар, ички аъзо касалликлари, бош касалликлари, юқумли касалликлар, қутуриш касалиги (қутурган ит тишлиганда) ҳақида, шунингдек сурги, ҳомиладор аёллар парвариши, ҳайвон тана аъзолари истеъмолининг инсон аъзоларига даволари тўғрисидаги рисолалар ҳам мавжуд. Бу асарлар туркий тилда ёзилган ёки бошқа тиллардан туркий тилга таржима қилингандир.

Бу даврда Ўрта Осиё ҳудудида энг кўп нашрдан чиққан таржима асар шубхасиз, умумий касалликларга оид Мухаммад ибн Юсуф ат- Табибийнинг "Тибби Юсуфий" ("Юсуфий табобати") ёки "Жомиъ-ул-фавоид ("Фойдалар мажмуаси")" асаридир. Даставвал Юсуфий бошдан оёқ касалликларни даволашга бағишланган рубоий жанри воситасида ёзилган "Илож-ул-амроз" ("Касалликлар давоси") асарини ёза бошлади. Бу китоб фойдаланишга жуда қулай бўлиб, ҳар бир рубоийда касаллик номи, белгилари, унга қарши ишлатиладиган дорилар, ейиладиган овқатлар ўз ифодасини топган эди. Бу асар кўпчиликга ёқади, бироқ Юсуфийнинг ёзишича, баъзи номдор фозиллар бу рубоийларга шарҳ ёзиб беришни ундан илтимос қиладилар. Юсуфий бу ишга қўл уриб, уни 1512 йилда ёзиб тугатади ва "Жомиъ-ул-фавоид ("Фойдалар мажмуаси") деб атайди.

Бу асарни биринчи бўлиб, ўзбек тилига 1882 йили хоразмлик Муҳаммад Амин ал-Ҳусайний ал-Хоразмий таржима қилган. 1897 йили тошкентлик Муҳаммад Шоҳхўжа валади Файзуллоҳхўжа уни иккинчи марта ўзбек тилига таржима қилади ва литографик усулда чоп эттиради. Ушбу асар Ўрта Осиё ва Ҳиндистонда кенг шуҳрат топган. Мазкур асар Туркистон ҳудудида нашр қилиниши билан баробарига, 1870 йилдан 1908 йилгача Ҳиндистонда "Тибби Юсуфий" номи билан 11 марта нашр этилган [6]. ЎзР ФА Шарқшунослик институтида унинг 30 дан ортиқ қўлёзма нусхаси ва кўпгина тошбосма нусхалари сақланмоқда.

Туркий тилда ёзилган ва қайта қайта чоп этилган яна бир асар "Тибномае туркий" (Туркий тибнома) [7] асаридир. Рисоланинг муаллифи кўрсатилмаган, асар халқ табобатига оид бўлиб аждодлардан ёдгорлик бўлиб келаётган асарлардан биридир. Рисолада мижоз нима эканлиги, унинг турлари, бу турларнинг белгилари, инсоннинг вужуди қандай бўлаклардан ташкил топганлиги, касалликларнинг келиб чиқиш сабаблари ва аломатлари, хамда уни бартараф этиш чоралари ёритилган. Асарда бош касалликлари яъни қулоқ, кўз, бурунда бўладиган касалликлар, турли шамоллашларнинг давоси, ичакда бўладиган муаммолар, уларнинг аломатлари ва уларни даволаш йўллари батафсил баён қилинган. Бундан ташқари аёллар масалалари ва ит тишлаганда қилинадиган даволар келтирилган. Даволаш учун қандай ўсимлик, ёғ, маъданлар ва ҳайвонот оламидан дорилар тайёрлаш усуллари ва қўллаш йўллари берилган.

Кейинчалик аҳоли ўзига қулайлик яратиш мақсадида туркий тибномани маълум бир қисмларини ажратиб, тўлдириб алоҳида нашрлар ҳам қилинган. Бунга сабаб асарда жуда кўп касаллик ва муаммоларга осон даво чоралари кўрсатилган. Хаттоки, маълум бир махсулотларни истеъмол қилиш кишининг иши юришиши учун, ғам чекмаслиги, юраги сиқилмаслиги, бақувват бўлиши, душманлардан омонда бўлиши, асло хато қилмаслиги учун хизмат қилишини келтириб ўтган.

Масалан, 1909 йилда нашр қилинган, "Тибби туркий мунтахаб фавоид" [8] ("Тибби туркийнинг танланган фойдали қисмлари") номи билан ёзилган асарни учратамиз. Асар 52 та фаслдан иборат. Ҳар бир фасл маълум бир касалликга бағишланиб, уларни даволаш йўлларини кўрсатиб беради. Масалан, "Кўзда бўладурғон иллатлар" деб номланган фасл кўз касалликларини даволаш чоралари ҳақида ёзилган. Бундан ташқари, "Фалаж иллатининг баёни", "Бурун ва томоқ касалликлари баёни", "Қулоқда пайдо бўладиган иллатлар баёни" "Бурунда бўладиргон иллатлар" каби бир қанча фаслларга бўлинади. Шу билан бирга асарда қон олдириш, унинг қоидалари, балғам, савдо,сафро ҳақида ҳам батафсил баён қилинган.

Бу даврда аёллар ва болалар саломатлиги хам долзарб мавзу эканлигини нашр эттирилган асарлардан кўришимиз мумкин. Аёллар айниқса ҳомиладор аёллар парваришига оид бир қанча китобларни учратамиз. Масалан, 1911-йилда нашр қилинган, "Баёни асар валадот" [9] ("Аёлнинг таваллуд қилмоғи баёнида") рисоласини келтиришимиз мумкин. Бу китоб "Тибби Юсуфий"нинг бир қисмидан кўчирма эканлигини кўрамиз. Унда хомиладор аёлларнинг туғруқ вақти ва ундан кейинги даврда қиладиган муолажалари баён қилинган. Туғруқнинг тўғри ва осон кечиши учун қандай малҳам ёки ёғлардан фойдаланиш, нималар тановул қилиши, тўғри нафас олиши кабилар ёритилган.

Яна бири "Фасле дар асри валадот" [10] ("Аёлнинг машаққат бирла таваллуд қилмоғи фасли") деб номланиб, бу рисолада ҳомиладор аёлларни парвариш қилиш ва уларнинг парҳезларига бағишланган. Унда кишининг тўлғоқ вақтида қилинадиган муолажа ва тадбирлари ёзилган. Асарда аёл қандай тадбирлар қилса ва унга қандай муолажалар бажарилса туғруқ енгил кечиши ёзилган.

Тибби Юсуфийнинг яна бир бўлимига оид литографик асарлардан бири "Ихрож [11] ва сургини баёни" [12] номли асарини кўришимиз мумкин. Асар сурги қилишнинг фойдаси ва унинг инсон танаси учун зарурияти хақидадир. Бу асарда сурги қилишнинг сабаблари, қандай ҳолатларда сурги қилмоқ зарурлиги ва унинг қандай фойдалари борлиги ҳақида ёзилган. Шунингдек сургининг инсон танаси учун зарурлиги тўғрисида айтиб ўтилган. Сургининг бажарилиш йўллари ҳам ёритилган.

Яна бири шу асар асосида ёзилган қизик рисолалардан бири "Саки девони казиде" [13] ("Қутурган ит қопғоннинг давоси") асаридир. Рисола қутурган ит тишлаган кишида қандай ўзгаришлар бўлиши ва қутуриш аломатлари хамда уни даволаш йўлларига бағишланади. Масалан, инсоннинг сувдан қўрқиб қолиши, ўзини ёмон тутиши, рангларнинг ўзгариши кабилар ёзилган.

Бу даврда ёзилган асарлар орасида нашрлари яхши сақланган йирик асарлардан бири машхур ўзбек олими ва табиби 1851 йилда туғилган Маҳмуд ҳаким Яйфоний Хўқандийнинг "Тариқ ал-илож" ("Даволаш усули")асаридир. Табиб ўз давригача Шарқ табобати қўлга киритган ютуқларга шахсий тиббий тажрибаларини қўшган ҳолда иккита катта китоб ёзиб қолдирди[14].

Улардан бири мазкур асар бўлиб, уни муаллиф 1910 йилда ёзиб тугатган ва 1913 йилга келиб тош босмада нашр қилдирди.

"Тариқ ал-илож" 4 мақоладан иборат, аммо уни учинчи ва тўртинчи мақоласи бизгача етиб келган. III-мақола 14 бобдан ташкил топган бўлиб, унда қуйдаги касалликларнинг баёни, даволаш усуллари ва дорилари айтиб ўтилган. 1-боб ўпка касалликлари, 2-боб юрак касалликлари, 3-боб кўкрак касалликлари, 4-боб меъда касалликлари, 5-жигар касалликлари, 6-сариқ касаллиги, 7-ичак касалликлари, 8-орқа тешик касалликлари, 9-буйрак касалликлари, 10-қовуқ касалликлари, 11-эркакларга хос касалликлар, 12-хотинларга хос касалликлар, 13-бел, қўл, оёқ касалликлари ва 14-истма касалликлари ҳақида.

IV - мақола бадан сиртидан билинадиган касалликлар ҳақида бўлиб, у 6 бобдан иборат. 1- боб шишлар баёнида, 2-тошмалар баёнида, 3-соч, мўй ва тирноққа оид касалликлар, 4-жарохат ва яралар ҳақида, 5 ва 6-боблар суяк синиши, заҳарлар, заҳарли ҳайвон чақиб олганини даволаш ва баъзи русча дорилар ҳақидадир.

Бундан ташқари алоҳида юқумли касалликларга бағишланган асарларни ҳам учратамиз. Масалан, бугунги кунда ҳам долзарб касаллик хисобланувчи қизилча

касаллигига оид "Хифзи сиххат мажмуаси" (Саломатликни сақлаш тўплами) асардир. Рисолада қизилча хасталиги ва ундан сақланиш йўллари хақида маълумотлар келтирилган. Унда касалликнинг белгилари, аломатлари, касалликдан сақланиш йўллари, унга қарши курашиш усуллари хамда касалликни хар кунлик кечиш жараёнлари батафсир ёзилган. Асарда қуйдагича ёзилади:

"Ушбу китобда скарлатина хақида ёзилғанларнинг қисқачаси:

Скарлатина юқумли хам қўрқунчли орудир. Скарлатина оруси кишидан, унинг нарсаларидан, ётқон бўлмачасидан, хам ёнунда юрувчи кишилардан юғодур. Ору бек тез бошланиб, юқғонудан ору бошланғунча бир кундан етти кунга қадар ўтадур. Скарлатина ё енгил бўлар ё ору бўладур [15].

Асарда қизилча касаллиги 9-10 кун давом этиши ва хар бир кунда беморда бўладиган ўзгаришлар кунма кун батафсил ёзилган.

Ушбу тошбосма асарлар тиббиёт соҳасини равнақига ўз хиссасини қўшган ва бугунги кунда ҳам фан мутахасислари учун мухим манбалар бўлиб хизмат қила олади.

Шунинг учун мамлакатимизнинг турли фондларида сақланаётган қўлёзма ва тошбосма асарлар бугунги кунда ҳам ўзининг аҳамиятини ёқотмаган.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Муродов А. Ўрта Осиё хаттотлик саньати тарихидан. Т., 1971 й.
2. Литография- ясси босма усули. Махсус литография қоғозига хаттотлар ва наққошлар ишлаган саҳифалар махсус тош плиткалар сиртига кўчириб ўтказилган. Матн ўтказилган тошга махсус кимёвий ишлов берилгандан кейин ундаги тасвир тушган ерлар ёғли бўёқни ўзида тутиб қоладиган бўлиб қолишга асосланган.
3. Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси. 2 том. 2000 йил.
4. ЎзР ФА Абу Райҳон Беруний номли Шарқшунослик институти, Алишер Навоий Миллий Кутубхонаси Тошкент Ислом Унверситети манбалари хазинаси, Мусулмонлар диний идораси фонди, Бухоро давлат бадиий-меъморий қўриқхонаси фонди, Хоразм вилояти "Ичан - қалъа" давлвт музей қўриқхонаси фонди ва бошқалар.
5. Ўзбек тилидаги тошбосма китоблар каталоги. 1 жилд. Масъул мухарир: т.ф.д.,проф., Д. Юсупова. Тузувчилар: ф.ф.н. Б.Қосимхонов. т.ф.н. Ҳ. Лутфиллаев. к.и.х. Ш.Исломов
6. Табобат дурдоналари. // тузувчи-таржимон, изоҳ ва қўрсаткичларни тайёрловчи М.Ҳасаний; Т.: Ибн Сино номидаги нашриёт-матбаа бирлашмаси, 1993.-400б.
7. "Тибномае туркий" (Туркий тибнома). Тошкент шахри. "Ғулом Хасан Арифджанов" босмахонаси. Ношири: Мирза Ахмад Мирза Карим ўғли. (ЎзРФАШИ 7245/2)
8. "Тиб туркий мунтахаб фавоид" ("Тибби туркийнинг танланган фойдали қисмлари"). Ташкент. "Лит. Арифджанова", 1327/1909-10 й.25 б. (ЎзРФАШИ 587/1)
9. Баёни асар валадот (Аёлнинг таваллуд қилмоғи баёнида). Ношир: Абдурауф бин Абдунаби. Ташкент, "типо литография В.М.Ильина", 1330/1911,12. Б.1.(46).
10. "Фасле дар асри валадот". ("Аёлнинг машаққат бирла таваллуд қилмоғи фасли") (ЎзРФАШИ 9546/6).
11. Чиқариш, ич қотганини ва шунга ўхшаш нарсаларни даволаш йўллари.
12. "Ихрож ва сургини баёни". Тошкент шахри, Г.Х. Арифджанов босмахонаси. (ЎзРФАШИ 482\4)
13. "Саки девони казиде" ("Қутурган ит қопғоннинг давоси"). Тошкент. "О.А.Порцева " босмахонаси. 1327/1909- 10 йил. (ЎзРФАШИ 9546/7)
14. Шарқ табобати. Нашрга тайёрловчи, таржимон, мақолалар ва шарҳлар муаллифи Ҳамидулла Ҳикматуллаев. Т., А.Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 1994. 288 бет.
15. "Хифзи сиххат мажмуаси" (Саломатликни сақлаш тўплами). Казанъ "Типо Литография, Т - го Д- ма, Братья Каримовы", 1908. - 23 б.; (ЎзРФАШИ 1466)

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ
LOOK TO THE PAST
ЎТМИШГА НАЗАР

Ҳайдаров Ғайратбек Мирзапўлатович
Тарих фанлари номзоди, доцент,
Андижон давлат университети

ЎЗБЕКИСТОННИНГ РОССИЯ ФЕДЕРАЦИЯСИ БИЛАН ҲАМКОРЛИК АЛОҚАЛАРИ (1992 – 2013 йй.)

http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2019-1-22

АННОТАЦИЯ

Мақолада Ўзбекистон Республикасининг Россия Федерацияси билан ижтимоий-иқтисодий, маданий-маърифий ҳамда сиёсий ҳамкорлик алоқалари таҳлил қилинган.
Калит сўзлар: Иқтисодий, ижтимоий, сиёсий, битим, инвестиция, ҳамкорлик, қўшма корхона, ишлаб чиқариш, маҳсулот.

Хайдаров Гайратбек Мирзапулатович
Кандидат исторических наук, доцент
Андижанского государственного университета

ОТНОШЕНИЯ О СОТРУДНИЧЕСТВЕ МЕЖДУ УЗБЕКИСТАНОМ И РОССИЙСКОЙ ФЕДЕРАЦИЕЙ (1992–2013 гг.)

АННОТАЦИЯ

В данной статье отражено и проанализировано сотрудничество Республики Узбекистан с Российской Федерацией в социально-экономической, культурно-просветительской и политической сфере.
Ключевые слова: Экономическая, социальная, политическая, договор, инвестиция, сотрудничество, совместное предприятие, производство, товар.

Haydarov Gayratbek Mirzapulatovich
Andijan State University

THE COOPERATION RELATIONS BETWEEN UZBEKISTAN AND RUSSIAN FEDERATION (1992–2013)

ANNATATION

In this article has been analyzed of relationships between Republic of Uzbekistan and Russian Federation of the spheres social-economic, cultural-educational and political as well.
Key words: Economic, social, political, agreement, investment, relation, composite organization, produce, product.

XX асрнинг сўнгги ўн йиллигига келиб Совет режимининг емирилиши натижасида мустақил суверен республикалар вужудга кела бошлади. Бинобарин, ўз мустақиллигини қўлга киритган Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш, аҳолининг фаровонлигини оширишда ҳамкорлик алоқаларини янада кенгайтириш мақсадида, аввало минтақадаги мамлакатлар билан тенг ҳуқуқли асосда самимий дўстлик ва аҳил қўшничилик муносабатларини ўрнатишга эътибор қаратилди. Жумладан, Ўзбекистон ва Россия Федерацияси ўртасидаги дипломатик алоқалар ҳам 1992 йил 20 мартдан ўрнатилган бўлса, ушбу йилнинг 30 май ойида эса Давлатлараро муносабатлар, дўстлик ва ҳамкорлик асослари тўғрисидаги битим тузилди. Россия ва Ўзбекистон ҳамкорлик алоқаларининг эртанги тараққиётига баҳо бериб ўтган Ўзбекистон республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримов қуйидаги фикрларни баён этади ".... демократик, иқтисодий ва сиёсий жиҳатдан соғлом ҳамда равнақ топиб бораётган Россия барча янги суверен давлатларнинг, шу жумладан Ўзбекистон республикасининг ҳам мустақиллигини мустаҳкамлаш учун ниҳоятда зарурдир".[1] Россия ва Ўзбекистон ўртасида алоқаларни тартибга солувчи 200 дан ортиқ битимлар ва келушувлар имзоланган бўлсада, уларнинг баъзилари шароитларнинг ўзгариши натижасида ўзининг аҳамиятини йўқотди.

Ўзаро дипломатик алоқалар натижаси ўлароқ Россия Федерацияси Президенти ва Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти И.А.Каримов 1994-2009 йиллар оралиғида бир неча бор учрашувлар ташкил қилиб, ушбу ташрифлардан кўзланган мақсад икки томонлама ҳамкорликни янада ривожлантиришга қаратилган ижтимоий-иқтисодий, маданий-маърифий ва сиёсий соҳалардаги битимларни амалга оширишга йўналтирилди. 2003 йил август ойида Россия Федрацияси Президенти Владимир Путиннинг Ўзбекистонга ташрифи икки томонлама муносабатларга катта туртки бўлди. Бинобарин, мулоқотлар чоғида савдо-иқтисодий, инвестициявий ҳамкорликни янада фаоллаштириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилиб, Ўзбекистон билан Россия ўртасидаги товар айирбошлаш ҳажми 1 миллиард 149 миллион АҚШ[2] долларига етганини маълум қилди. Жумладан, Ўзбекистон Республикасидан Россия Федерациясига пахта толаси, енгил автомобиль, мева-сабзавот каби маҳсулотлар экспорт қилинган бўлиб, Россия Федерациясидан эса мамлакатимизга механик ва электр машина-ускуналари, транспорт воситалари, қора металл, пластмасса ва ундан тайёрланган маҳсулотлар импорт қилинди. Икки мамлакат ишбилармонларининг ҳамкорлиги туфайли Ўзбекистон Республикасида 520 та қўшма корхона барпо этилган. Ўз навбатида, ушбу корхоналар орасида Россиянинг 100% сармояси эвазига қурилган ўнлаб қўшма корхоналар ҳам мавжуд. Мазкур корхоналар асосан озиқ-овқат, тўқимачилик, ёғочни қайта ишлаш, дори-дармон, ишлаб чиқариш, машинасозлик ҳамда қишлоқ хўжалик махсулотларини қайта ишлашга ихтисослаштирилган. Россиянинг 40 дан ортиқ компанияси, жумладан, "Аэрофлот", "Автоваз", "Зарубежнефтгаз", "ЛУКОЙЛ", "Техмашимпекс" ва бошқа компаниялар ўз ваколатхоналарига эга. Россия Федерациясида эса ўзбек резидентлари иштирокида ташкил этилган 167 корхона, шу жумладан, 72 қўшма корхоналар фаолияти йўлга қўйилган. Ишлаб чиқариш соҳасида, айниқса авиасозликда аввалги кооперация алоқалари сақланиб қолган.[3] 2004 йил апрел ойида Ўзбекистон республикаси Биринчи Президенти И.А.Каримовнинг Россияга қилган давлат ташрифи натижалари бўйича муҳим келишувларга эришилиб, икки

давлат раҳбарлари савдо-иқтисодий ҳарбий-сиёсий ва гуманитар соҳаларда ҳамкорликнинг устувор йўналишларини белгилаб олган ҳолда 2004 йил 16 июнда Тошкент шаҳрида ШҲТ саммити доирасида имзоланган Стратегик шериклик тўғрисидаги шартнома имзоладилар. Шунингдек, Марказий Осиё минтақасида хавфсизликни мустаҳкамлаш, ташқи сиёсат, мудофаа ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ва махсус хизматлар орқали маслаҳат механизмларини шакллантириш масалалари бўйича томонлар ўртасида яқин ҳамкорликни назарда тутади.

2005 йилнинг 14 ноябр ойида икки мамлакат президентлари ўртасида Иттифоқчилик муносабатлари тўғрисидаги шартнома имзоладилар.[4] Шартнома Россия Федерацияси ва Ўзбекистон Республикаси ўртасида халқаро ҳуқуқий ҳамкорлика қаратилган бўлиб, унда томонлар миллий, минтақавий ва халқаро хавфсизликни таъминлаш, тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлашда, терроризмга қарши кураш, оммавий қирғин қуроллари тарқалиши, гиёҳванд моддаларнинг ноқонуний айланиши ва бошқа таҳдидларга қарши курашиш чораларини ўз зиммаларига олдилар. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги тамонидан 2006 йил 19 июлда Шартномани ратификация қилиш тўғрисидаги сертификатлар билан алмашиши натижасида ҳужжат расмий равишда кучга кирди.

Бинобарин, Ўзбекистон умумий ташқи савдосида Россия Федерациясининг улуши таҳминан 29 фоизини ташкил этади. Россия ва Ўзбекистон ўртасидаги савдо-иқтисодий алоқаларни тартибга солувчи асосий ҳужжат 1992 йил 13 ноябрдаги Савдо алоқалари тўғрисидаги шартнома ҳисобланади. Россия МДҲ мамлакатлари орасида мамлакатимизнинг энг муҳим савдо-иқтисодий ҳамкори ҳисобланади. Жумладан икки мамлакат ўртасида 1995-2009 йилларда товар айрибошлаш ҳажми 1,713 миллион доллардан 2,540 миллион долларга ошди.[5] Россия Федерацияси билан Ўзбекистон ўртасидаги иқтисодий алоқалари янада ривожланиб, тараққий топишида, аввало 1998-2007 йиллар оралиғида белгиланган ҳамкорлик дастурини амалга оширилиши бўлди. Ўз навбатида, давлатлар ўртасида иқтисодий ҳамкорлик бўйича ҳукуматлараро қўшма комиссия мавжуд бўлиб, унинг тўққизинчи йиғлиши 2007 йил март ойида бўлиб ўтган.

2000 йил май ойида имзоланган Россия Федерацияси субъектлари ва Ўзбекистон Республикаси маъмурий-ҳудудий тузилмалари ўртасидаги ҳамкорликни кенгайтириш тўғрисидаги ҳукуматлараро битим асосида ҳудудлараро муносабатлар тобора такомиллашиб бормоқда. Жумладан, минтақавий савдода етакчи ўринларни эгаллаган Москва, Олтой ўлкаси, Сведловск, Иваново, Оренбург ва Челябинск вилоятларини эгаллаган бўлса, Россия компанияларининг ҳам йилдан йилга Ўзбекистонга қизиқиши ортиб бормоқда. Қизиқишнинг ортиб бориши эса Ўзбекистон иқтисодиётининг яхшиланишига ўз таъсирини кўрсатмоқда. Айниқса, икки мамлакат ўртасидаги ҳамкорликнинг истиқболли йўналиши нефт ва газ сектори - углеводородларни, айниқса табиий газни қидириш, қазиб олиш, ташиш ва қайта ишлаш соҳаси ҳисобланади. Газ қазиб олиш бўйича Ўзбекистон МДҲ мамлакатлари орасида Россия ва Туркманистондан кейин учинчи ўринни эгаллаб турибди ва дунёдаги энг йирик газ қазиб олувчи ўн мамлакат қаторига кирадиган Ўзбекистон Республикаси 2002 йил декабрь ойида Россиянинг "Газпром" компанияси ва "Ўзбекнефтгаз" миллий холдинг компанияси ўртасида битим имзоланиб стратегик ҳамкорлик йўлга қўйилди. Ҳамкорликда 2003-2012 йилларда Ўзбекистон газини, шунингдек, Россия

компаниясининг мамлакат ҳудудида табиий газни қазиб олиш соҳасидаги лойиҳаларга қўшилиши ҳақида сўз юритилган. Ўзбекистонда газ қазиб олиш лойиҳасига асосан, 2006 йилда "Газпром" Устюрт худудида янги майдонларни ўзлаштирмоқда. Россиянинг 2006-2013 йилларда геологик қидирув ишларига инвестициялар ҳажми 383,3 миллион долларни ташкил қилади.[6] Ўз навбатида, ўзбек газини Россия орқали ўзга давлатларга ўтказиш, шунингдек, янги нефть ва газ манбаларини қидириб топиш, уларни қазиб олиш ва қайта ишлаш соҳасида ўзаро ҳамкорлик назарда тутилган.

Ўзбекистонда газни қазиш ва ўзлаштириш бўйича иш олиб бораётган Россия Федерациясининг яна бир компанияси "Лукойил" бўлиб, ушбу компаниянинг 2004 йилда "Ўзбекнефтигаз" билан ҳамкорликдаги Кандым-Хаузак-Шады-Кунгирад" лойҳаси бўйича шартномаси қарийиб 35 йиллик муддадга эга.[7] Россия Федерацияси ва Ўзбекистон вилоятлари ўртасида минтақавий ҳамкорлик муносабатларини янада кенгайтириш бўйича 2000 йил 19 майда ҳукуматлараро битим имзоланди. Ушбу имзоланган битим асносида икки мамлакат ҳудудлари ўртасида 80 ортиқ савдо-иқтисодий келишувлар мавжуд. Хамкорликнинг энг фаол алоқалари Москва, Санкт-Петербург, Воронеж, Челябинск, Иркутск, Свердловск вилоятлари, Татаристон республикалари, Сибирь ва Урал регионларининг ишбилармон доираларидан Ўзбекистон Республикасига делегациялар келиб туради, улар Ўзбекистоннинг хўжалик юритувчи субъектлари билан ўзаро манфаатли шартномалар тузилди. Чкалов номидаги авиация заводи, "ЎзДЭУ - авто", "Ўзавтойўл" билан тузилган шартномалар шулар жумласидандир.[8] Ўзбекистон ва Россия ўртасидаги муносабатларида иқтисодий-ижтимоий алоқалар билан бир қаторда ҳарбий-техникавий ҳамкорлик ҳам ривожланиб келмоқда. Ушбу соҳадаги асосий икки томонлама ҳужжат 1999 йил декабр ойида имзоланган ҳарбий ва ҳарбий-техникавий соҳаларда ҳар томонлама ҳамкорликни янада чуқурлаштириш тўғрисида Шартнома ҳисобланади. 2001 йил май ойида чегара масалалари бўйича давлатлараро шартнома имзоланган бўлса, ушбу йилнинг июн ойида ҳарбий-техникавий ҳамкорликни мувофиқлаштириш мақсадида Россия ва Ўзбекистон ўртасида ҳарбий техникавий ҳамкорлик бўйича ишчи гуруҳи тузилди. 2001 йилнинг октябрида эса Россия ҳаво кучлари, ҳаво мудофаси кучлари ва Ўзбекистон Республикаси Ҳаво кучларининг биргаликда фойдаланиш тўғрисидаги давлатлараро шартнома икки мамлакат авиация хавфсизлигини таъминлаш бўйича келишувга эришилди. 2001 йил июн ойида тузилган Россия, Ўзбекистон ишчи гуруҳининг саккизинчи йиғилиши 2007 йил май ойида Москва шаҳрида ўтказилди. 2007-2009 йиллар давомида икки давлат ўртасида товар айланмаси 4 млрд. АҚШ долларидан кам бўлмаган бўлса, 2010 йилга келиб мазкур кўрсатгич 6 млрд. АҚШ долларидан ошди. Айни пайтда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида Россия сармояси иштирокида 848 та корхона фаолият олиб бормоқда. Устав капиталининг ташкил этаётган Россия инвестицияларининг умумий ҳажми тахминан 500 млн.долларни ташкил этади. Ўз навбатида, Россия Федерацияси ҳудудида Ўзбекистон Республикаси резидентлари иштирокида 443 та корхона ташкил этилган.[9]

2012 йил 12-13 декабр кунларида маданият, фан ва техника, таълим, соғлиқни сақлаш, ахборот, спорт, туризм, ёқилғи энергетика, савдо-иқтисодий ва сармоявий ҳамкорлик масалалари бўйича Россия Федерацияси ва Ўзбекистон республикаси ўртасида ҳукуматлараро комиссия фаолияти Тошкент шаҳрида бўлиб

ўтди. Россия Федерацияси таълим ва фан вазирлиги ва Олий ва Ўрта махсус таълим вазирлиги ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги битим доирасида ҳар йили Ўзбекистон умумий таълим муассасалари битирувчилари Россия Олий ўқув юртларига тажриба алмашиш учун ўқишга юборилади. Бундан ташқари, М.В.Ломоносов номидаги Москва давлат университети, Г.В.Плеханов номидаги Россия иқтисодиёт академияси, И.М.Губкин номидаги Россия давлат нефть ва газ университет филиаллари Тошкент шаҳрида муваффақиятли фаолият юритмоқда. Россия-Ўзбекистон ҳамкорлигининг устувор йўналишларининг маданият, илм-фан, таълим соҳаларида, спорт ва туризм Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ва Россия Федерацияси Ҳукумати ўртасидаги 2013-2015 йилларга мўлжалланган маданий-гуманитар ва илмий-техникавий соҳадаги ҳамкорлик дастури билан белгиланади.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, хозирги кунда ривожланиб бораётган Ўзбекистон давлати дунё ҳамжамиятида ўз ўрни ва салоҳиятига эга бўлиб бормоқда. Мамлакатни ҳар томонлама тараққий этиришда, аввало минтақадаги қўшни республикалар ва ривожланган давлатлар билан тенг ҳуқуқли асосда дипломатик алоқаларни ўрнатиш мақсадга мувофиқдир. Бу борада Ўзбекистон ва Россия Федерацияси ўртасида Давлатлараро муносабатлар, дўстлик ва ҳамкорлик асослари тўғрисидаги битимнинг имзоланиши ушбу мамлакатлар ўртасида янги қирраларни очиб берди. 1992-2013 йиллар оралиғида икки мамлакат ўртасида сиёсий-иқтисодий, ижтимоий-маънавий, харбий-техникавий соҳаларда қўплаб битимлар, шартномалар ва норматив ҳуқуқий хужжатлар имзоланди. Ўзбекистоннинг стратегик хамкорига айланиб бораётган Россия Федерацияси мамлакатнинг иқтисодий ривожида ўзига ҳос ўринга эга бўлиб, Ўзбекистоннинг ташқи савдо-иқтисодий алоқаларида салмоқли ўрин эгаллайди.

Адабиётлар:

1. Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари. - Тошкент: Ўзбекистон, 1999. 461 - Б.
2. Ўзбекистон республикаси статистика қўмитасининг маълумотлари 2003 й
3. Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 7- жилд. - Тошкент: Давлат илмий нашриёти , 2004. - 370 Б.
4. Абдурахмонов Қ Ўзбекистонда инсон омили ва манфаатлари-энг олий қадрият. - Тошкент: F.Fулом номидаги нашрит матбаа ижодий уйи 2017. - 170 б.
5. Ўзбекистон республикаси статистика қўмитасининг маълумотлари 2009 й
6. Ўзбекистон республикаси статистика қўмитасининг маълумотлари 2013 й
7. Кариева М Независимость-свободная и блогополучная жизнь. -Тошкент: Шарк 2010. - 50 б.
8. Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 7- жилд. - Тошкент: Давлат илмий нашриёти , 2004. - 370 Б.
9. Ўзбекистон республикаси статистика қўмитасининг маълумотлари 2010 й

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ
LOOK TO THE PAST
ЎТМИШГА НАЗАР

Юлдашева Дилноза Улугбековна
Андижон Давлат Университети тарих факультети
Ўзбекистон тарихи кафедраси ўқитувчиси

ЎЗБЕКИСТОНДА МОДДИЙ-МАДАНИЙ ЁДГОРЛИКЛАРНИНГ МУҲОФАЗА ҚИЛИНИШИ ТАРИХИДАН

http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2019-1-23

АННОТАЦИЯ

Мазкур мақолада совет ҳокимиятининг йилларида Ўзбекистондаги моддий маданий ёдгорликларнинг аҳволи ҳамда уларнинг муҳофазага олиниши жараёнлари бирламчи манбалар ва тарихий адабиётлар ёрдамида таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: моддий-маданий ёдгорликлар, музей, декрет, давлат мулки, вақф мулки, мадраса, масжид, экспозиция.

Юлдашева Дилноза Улугбековна
Преподаватель кафедры истории Узбекистана, АнДУ

ИЗ ИСТОРИИ ЗАЩИТЫ МАТЕРИАЛЬНО - КУЛЬТУРНЫХ ПАМЯТНИКОВ УЗБЕКИСТАНА

АННОТАЦИЯ

В этой статье было выражено состояние материально-культурные памятники в Узбекистан в годы советского правительство, а также их процессы сохранения при помощи архивных материалов и историческими литературами.

Ключевые слова: материально-культурные памятники, музей, декрет, государственный имущество, вакуфное имущество, медресе, мечеть, экспозиция.

Yuldasheva Dilnoza
Senior teacher of the Department of History of Uzbekistan

FROM THE HISTORY OF THE PROTECTION OF MATERIAL AND CULTURAL MONUMENTS OF UZBEKISTAN

ANNATATION

In this article has been expressed condition of material culture memorials in Uzbekistan during the years of Soviet government and also their guarding processes by the helping archive materials and historical literatures as well.

Key words: material culture memorials, museum, decree, state property, waqf property, madrasah, mosque, exposition.

Совет ҳокимиятининг дастлабки йилларида Туркистон моддий-маданий ёдгорликларини сақлаш ва муҳофаза қилиш борасида кўплаб ҳужжатлар ишлаб чиқилди. Бироқ октябрь ойида большевиклар томонидан Россияда амалга оширилган давлат тўнтариши бу жараёнга ўз таъсирини ўтказди. Шу йил 25-26 октябрида большевикларнинг Петроградда Бутунроссия Советларининг II съезди бўлиб ўтди. Унда В.И.Ленин бошлиқ совет ҳукумати - Халқ Комиссарлар Совети тузилди[1]. Шу билан бирга, 1917 йил 27 октябрда Тошкентда бошланган қўзғолон натижасида мазкур йил 1 ноябрига келиб, Муваққат ҳукуматнинг Туркистон қўмитаси тўлалигича ағдарилди. Таъкидлаш ўринлики, шу йил 2 ноябрдаги РСФСР Халқ Комиссарлар Советининг қабул қилган "Россия халқлари ҳуқуқлари Декларацияси"[2]да Россия халқларининг, шу жумладан, Туркистон ўлкаси маҳаллий аҳолисининг озодлиги, эрк ва ҳуқуқлари расман эътироф этилди. Бироқ амалда эса большевиклар ҳукуматининг улуғ давлатчилик сиёсати олиб борилди.

Шу йилнинг 15-22 ноябрь кунларида бўлган Туркистон ўлкаси ишчи, солдат ва деҳқон депутатлари Советларининг III съезди большевистик ҳукумат (Колесов бошчилигида) - Туркистон ўлкаси Халқ Комиссарлар Советини сайлади[3]. Унинг таркибига 7 та большевик ва 8 та сўл эсер вакиллар киритилди. Бу таркибга бутун ўлка аҳолисининг 95 фоизини ташкил этувчи ерли миллат аҳолисидан бирорта ҳам вакил киритилмади. 22 ноябрда Халқ Комиссарлар Совети "Россия ва Шарқнинг барча мусулмон меҳнаткашларига" деб номланган мурожаатнома қабул қилди. Унда шундай дейилган эди: "Сизнинг дин ва урф-одатларингиз, сизнинг миллий ва маданий муассасаларингиз бундан буён эркин ва дахлсиз деб эълон қилинади. Ўз миллий турмушингизни эркинлик билан ва баҳузур туза беринг из. Шундай қилишга ҳақлисиз. Билингизки, сизнинг ҳуқуқингиз ҳам Россиядаги барча халқларнинг ҳуқуқи каби ҳимоя қилинади". Таассуфки, амалда эса большевиклар ҳокимият тепасига келган дастлабки кунлардан бошлабоқ ўлка маҳаллий аҳолиси миллий ва маънавий қадриятларини топташга, йўқ қилишга астойдил ҳаракат қилди.

Совет даврининг дастлабки даврларида моддий-ашёвий буюмларга ва санъат асарларига бошчилик қилиш Маориф халқ комиссарлиги ҳузурида ташкил этилган музейлар, ўтмиш ёдгорликлари ва санъатни муҳофаза қилиш ишлари бўйича Бутуниттифоқ коллегияси зиммасига берилди. Бир оз фурсат ўтгач, 1918 йилнинг 1 майидан бошлаб мазкур коллегия барча музейлар фаолиятини бирлаштирувчи Маориф халқ комиссарлигининг музей бўлимига айлантирилди. Туркистон АССР Маориф халқ комиссарлиги ҳузурида ҳам айнан мазкур вазифани бажаришга доир бўлган бўлим ва бўлинмалар ташкил қилинди. Моддий бойликларни давлат хазинасига ўтказиш борасида совет ҳукумати томонидан махсус декретлар чиқарилди. Хусусан, Советларнинг Бутунроссия II съездида қабул қилинган "Ер тўғрисида"ги декретга асосан 1917 йилнинг 26 октябридан бошлаб барча ерлар, шу жумладан, монастир, черков, вақф, маданий муассасаларга тегишли ерлар умумхалқ мулки деб эълон қилинди[4]. Декрет ўз навбатида ТАССР маҳаллий аҳолисининг маънавий-маданий ҳаётига ҳам таъсир ўтказди. Ана шу тариқа ўлкада илгари хайрия жамғармалари асосида тўпланган вақф мулклари ва шахслар ихтиёридаги моддий-ашёвий буюмлар ҳам национализация қилинди.

Совет ҳукумати ўз ҳукмронлиги даврида ўлкадаги миллий маданиятни ва моддий-ашёвий бойликларни йўқ қилишга ҳамда динни чеклашга доир кураш олиб борди. Динга оид дастлабки чекловлар ҳамда совет давлати билан черковнинг

ўзаро муносабати тамойиллари РСФСР Халк Комиссарлар Советининг 1918 йил 23 январдаги "Черковни давлатдан ва мактабни черковдан ажратиш тўғрисида"ги декретида белгилаб берилди. Мазкур ҳужжат 13 моддадан иборат бўлиб, унда динни давлатдан ажратилиши таъкидланган эди [5]. Декрет эълон қилингандан сўнг асрлар давомида хайрия ҳисобидан сақланиб келинган қўплаб моддий-ашёвий буюмлар, ноёб санъат асарлари ва маданий муассасаларга тегишли хазиналар давлат ихтиёрига ўтказилди.

Ўз ўрнида декретнинг эълон қилиниши маҳаллий аҳоли диний ҳис-туйғуларини топташга кенг йўл очиб берди. Масалан, Тошкент Советининг ижроия қўмитаси Туркистон ўқув юртларининг бош инспекторига ўлканинг барча ўқув муассасаларида "диний ва ақоид предметлар ўқитишни тўхтатиш тўғрисида"[6] фармойиш беришни таклиф этди. Унга асосан барча мактаблар черковдан ажратилди. Ҳатто хусусий ўқув юртларида ҳам диний таълимотларни ўқитиш ва уларда таълим олиш таъқиқлаб қўйилди. Мактабларда дин ўқитиш учун барча кредитлар ёпиб қўйилди ва диний таълимотдан дарс берувчи ўқитувчилар ҳар қандай таъминотдан маҳрум қилинди. Барча динларга мансуб ўқув юртларининг бинолари халқ мулки сифатида маҳаллий советларнинг ёки Маориф халқ комиссарлигининг ихтиёрига ўтди [7]. Шу билан бирга, миллий-маданий ҳамда маърифий ташкилотлар мулкларини давлат ихтиёрига ўтказиш ишлари кескин равишда авж олди. Хусусан, Туркистон Халқ Комиссарлар Совети (ХКС) нинг 1918 йил 19 апрелдаги буйруғига асосан князь Николай Константинович Романовнинг Тошкентдаги турар-жой мажмуалари давлат мулкига айлантирилди, унинг уйида Туркистон халқ университети музейига асос солинди [8]. Музей ташкил қилинган даврдан бошлабоқ бу ерда тасвирий санъат ҳамда адабиёт намуналари, санъат ва монументал асарлари, чиннидан ясалган буюмлар мавжуд бўлган. 1918 йил 1 июлидан бошлаб илгари Халқ кутубхонасининг бир қисми сифатида фаолият юритган музей бевосита Туркистон халқ университетининг ташаббуси билан мустақил муассаса сифатида иш бошлади. Музей ишларини ривожлантиришда Н.А.Зарудний, А.А.Диваев, К.Ф.Федоровлар фаол қатнашди. Мазкур музей фаоллари шу йил август ойида экспонатларни тизимлаштирдилар ва сентябрь ойидан Туркистон халқ музейи иш бошлади. Янги ташкил қилинган музейга биринчи марта орнитолог (паррандашунос) Н.А.Зарудний мудир этиб тайинланди. ТАССР Маориф халқ комиссарлиги тасарруфига берилган мазкур музей дастлабки даврларда халқ университети, 1920 йилдан эса давлат университети таркибида бўлди.

Алоҳида таъкидлаш жоизки, юқорида эълон қилинган декретларга кўра, маданий ёдгорликларнинг ҳам бир қисми давлат муҳофазасига олинди, бироқ аксарият ҳолларда улар халқ қўлида номигагина ушлаб турилди, холос. Бир оз вақт ўтгач, совет ҳукумати томонидан маданий ёдгорликларни асраш ва муҳофаза қилиш бўйича халқларга мурожаатномалар, махсус декретлар яна эълон қилинди. Мазкур ҳужжатларда маданий хазиналарни айнан халқларга тегишли эканлиги таъкидланди. Жумладан, 1918 йил 5 октябрда РСФСР Халқ Комиссарлар Совети "Айрим шахслар, жамият ва муассасалар ихтиёридаги санъат ва қадимги ёдгорликлар рўйхатини тузиш, уларни ҳисобга олиш ва қўриқлаш ҳақида"[9]ги декрет чиқарди. Мазкур декретга мувофиқ барча маданий-тарихий ёдгорликлар кимга тегишли бўлишидан қатъий назар давлат муҳофазасига олинди.

Айнан шу йилда РСФСР "Музей ишлари, қадимги ёдгорликлар, санъат ва табиатни муҳофаза қилиш Бош қўмитаси" ташкил этилди. Қўмитанинг асосий вазифаси маданий ва тарихий ёдгорликларни муҳофаза қилиш, санъат асарларини сақлашдан иборат эди. Бундай саъй-ҳаракатлар Туркистон ўлкасида ҳам ўзига хос тарзда олиб борилди. Айнан шу йилда тарихий ва маданий меросни тадқиқ этиш мақсадида Тошкентда Туркистон Шарқ институти очилди. 1918 йил 8 ноябрда ТАССР Маориф халқ комиссарлиги эса бу ҳақида Низом ишлаб чиқиб, тасдиқлади [10]. Институтда асосан тарихчилар, археологлар, этнографлар ва филологлар фаолият кўрсатди.

Туркистонда тарихий ва маданий ёдгорликларга раҳбарлик қилувчи ташкилотни тузиш тўғрисидаги масала даставвал 1919 йилда РСФСР Маориф халқ комиссарлигининг "Музей ишлари ва қадимий ёдгорликларни сақлаш" бўлими мажлисида кўриб чиқилди ва унда Туркистонда маҳаллий бўлим ташкил этишга келишилди. 1919 йилнинг бошида Самарқанд вилояти Маориф халқ комиссарлиги ҳузурида ўлкашунослар ва рассомларнинг бевосита ташаббуси билан махсус Археологик комиссия тузилди ҳамда бу ерда ёдгорликларни сақлаш, муҳофаза қилиш тадбирлари бошланди.

Қадимий-маданий ёдгорликларни излаш ва уларни топиш ишларида археологларнинг ўрни каттадир. Жумладан, археолог М.Е.Массон, рассом М.В.Столяров ҳамда В.Л.Вяткин иштирокида ташкил этилган Афросиёбдаги қазишма ишлари самара бериб, ноёб ёдгорликларни топилишига сабаб бўлди. Бу ердаги дала ишлари 1919 йил 29 августда якунланиб, бир неча қутига жойлашган ўймакор ёғочлар намунаси Самарқанд музейига олиб келинди. XII аср ёдгорлиги Тамғочхон Иброҳим саройига тегишли бўлган ёдгорликлар катта шов-шувга сабаб бўлди. Маълумотлардан маълум бўлишича, совет ҳокимиятининг дастлабки йилларида ёдгорликларни сақлаш ва муҳофаза қилишга доир бир қатор тадбирлар амалга оширилди.

Маданий ёдгорликларни сақлаш ишида муҳим ўрин тутган Туркистон халқ музейининг низоми ва дастури 1919 йилнинг 29 августида тасдиқланди. Музей ўлканинг марказий илмий-оқартув муассасаси сифатида иш бошлаб, у маҳаллий аҳолини тарихий билимларини шакллантиришда муҳим ўринга эга бўлди. Мазкур муассасанинг экспозицияларидан тарих, этнография ҳамда маданиятга доир материаллар ўрин олди. Музей экспозицияларидан ташқари, бу ерда кўчма кўргазмалар ва музей аквариумлари, ботаника ва ҳайвонот боғлари мавжуд бўлган. Музей учун зарурий бўлган намуналарни тўплаш, муайян мавзу юзасидан илмий экспедициялар уюштириш, турли мазмундаги экскурсиялар ташкил қилиш асосий ишга айланди. Аста-секин мазкур тадбирлар Ўрта Осиё давлатлари бўйлаб амалга оширилди, археологик қазишмалар даврида топилган моддий-ашёвий буюмлар музейга топширилди. Тарихий ва илмий асарларни умумлаштириш иши мазкур муассасалар олдига вазифа қилиб қўйилди. Бу ердаги ишларни музей бўлими раҳбарлигидаги бўлим бошлиқларидан иборат коллегия бошқарди, 1919 йилда музейда 8 нафар илмий ходим ва 11 нафар хизматчилар фаолият юритди [11].

Туркистон халқ музейи ўлкашунослик характерига эга бўлиб, унда тарих бўлими (география ва нумизматика бўлинмаси кирарди), этнография, антропология ва ботаника бўлими, шунингдек, геология, саноат ҳамда бадиий бўлимлар ҳам мавжуд эди [12]. Ҳар бир бўлимга тегишли вазифалар юклатилиб, улар доимий тарзда амалга ошириб келинди. Хусусан, асосий бўлим ҳисобланган тарих бўлими

зиммасига Туркистон, қолаверса Ўрта Осиё тарихига оид ёзма маълумотларни ҳамда қадимий ёдгорликларнинг тасвирларини жамлаш вазифаси қўйилди. Музейда шу билан бирга дин ҳамда маданият соҳаларини ўрганишда қимматбаҳо манбалар, яъни нумизматик буюм (танга) ларни тўплашга ҳам алоҳида эътибор қаратилди.

1919 йилда музей ходимлари жойлардаги барча муассасаларни назорат қилиш ҳамда икки нусхадан иборат экспонатларни Туркистон халқ музейига олиб келиш мақсадларида Самарқанд вилоятига ташриф буюрди. Бу ердан эса тарихий мис тангалар олиниб, мазкур музейга тақдим этилди. Шу йил февраль ойида собиқ Туркистон генерал-гебернаторлиги қароргоҳи музейга берилди ва ундан янги экспозиялар, коллекциялар ўрин олди. Унда зоология, этнография, археология ва нумизматика каби бўлимлар фаолияти йўлга қўйилди. 1920 йилда Туркистон халқ музейи жамғармасидаги экспонатлар сони анча кўпайди. Хусусан, шу йил "музей жамғармасида қарийб 10 минг экспонат бор эди, шундан этнография бўлимида - 895, зоология бўлимида-798, нумизматика бўлимида - 2464, археология бўлимида - 3550, ботаника бўлимида - 66, ҳарбий-тарихий бўлимда - 958, бадиий бўлимда - 31, геология бўлимида-250 нафар экспонат мавжуд эди"[13].

1919 йил 11 ноябрда ТАССР Марказий Ижроия Қўмитаси Совети қадимий ёдгорликлар ва санъат асарларини сақлаш ва ўрганиш мақсадида "Қадимий ёдгорликлар ва санъатни муҳофаза этиш тўғрисида"[14] махсус декрет чиқарди. Унга кўра, барча ҳужжатли ва ашёвий буюмлар, тарихий ва санъат ёдгорликлари кимда бўлишидан қатъий назар зудлик билан уларни давлат рўйхатидан ўтказиш ҳамда тузиш, ҳисобга олишни ташкил қилиш зарурий эканлиги белгилаб қўйилди. Шунингдек, "Музей ишлари, санъат ва қадимий ёдгорликларни муҳофаза қилиш коллегияси"[15] рухсатисиз мавжуд ёдгорликларни бир жойдан бошқа жойга кўчириш, уларни таъмирлаш ва тузатиш ишлари таъқиқланди.

1920 йил 31 июлда юқоридаги декретга (1918 йил 5 октябрь) мувофиқ тарзда ТАССР ХКС томонидан "Туркистон Республикасидаги айрим шахслар ва жамиятлар ихтиёрида бўлган санъат асарлари ва қадимги ёдгорликларни рўйхатдан ўтказиш, ҳисобга олиш ҳамда қўриқлаш тўғрисида"[16] ги махсус қарор қабул қилинди. Қарорга кўра, музейлардаги расмийлаштириш ва ҳисобга олиш тартиби махсус йўриқнома асосида жорий этиладиган бўлди. Шунингдек, қайта рўйхат ўтказилгандан кейин ташкилот ҳисобида қолдирилган мажмуа ҳолидаги ва алоҳида санъат ёдгорликлари давлат назоратига ўтказилди. Айрим шахсларга тегишли бўлган маданий ёдгорликларни рўйхатга олишга катта эътибор қаратилиб, уларга махсус муҳофаза ёрлиқлари берилган [17].

Туркистондаги ноёб архитектура иншоотлари - мадраса ва масжидларга тегишли вақф мулкларини давлат ихтиёрига ўтказиш тадбирлари аста-секин сусайди. Масалан, Туркистон АССР Советларининг X съезди (1921 йил) ер сиёсати ҳақидаги қароридан мадраса ва масжидларга тегишли вақф масаласи ҳам ўрин олганди. Унда вақф мулкининг икки шакли белгилаб берилди. Жумладан, масжид ва мозорларга қарашли диний аҳамиятга молик вақф мулклари; мадраса, мактаб ва бошқа маданий муассасаларга тегишли маданий-маърифий аҳамиятли вақфлардан иборат бўлди [18]. Мазкур бўлиб ўтган съездда диний мақсадлардаги вақф ерларини умумдавлат жамғармасига олишдан воз кечишга қарор қилинди.

1921 йил 20 апрелда ТАССР Маориф халқ комиссарлиги ягона давлат музейлари тармоғини тузиш ва музей қурилишига раҳбарлик қилишни янада

марказлаштириш учун "Музей ишлари, санъат ва табиат ёдгорликларини муҳофаза қилиш Бош қўмитаси - "Главмузей" тўғрисидаги Низом"[19]ни тасдиқлади. Мазкур музей зиммасига характери ҳамда аҳамияти қандай бўлишидан қатъий назар РСФСР ҳудудидаги барча музейлар фаолиятини мувофиқлаштириш ҳамда йўналтириш вазифалари берилди. Ўз навбатида мазкур музейга ўлкадаги барча музейлар фаолиятини текшириш ва йўналишлар бериш ваколати ҳам юклатилди.

1925 йилда Ўрта Осиё миллий-ҳудудий давлат чегараланишининг ўтказилиши ҳамда Ўзбекистон ССРнинг ташкил топиши муносабати билан "Туркомстарис" ташкилоти шу йилнинг 16 январидан бошлаб Музей ишлари, қадимги ёдгорликлар, санъат ва табиат обидаларини муҳофаза қилиш бўйича Ўрта Осиё қўмитаси - "Средазкомстарис" сифатида ўзгартирилди. Қўмитанинг асосий вазифаси этиб, конструктив-мустаҳкамлаш ишлари олиб борилиши муҳим бўлган тарихий ва маданий ёдгорликларни муҳофаза қилишдан иборат бўлди. Шунингдек, музей қурилиши ва ҳар бир музейнинг ички тузилиши, уларнинг ихтисосини аниқлаш, музейларни қайта ташкил қилиш ишларига ҳам қўмита етакчилик қилди.

1928 йилда Тошкентда Санъатшунослик илмий-тадқиқот институти ташкил этилиб, у умумий халқ санъати қаторида меъморчилик тарихи масалалари билан ҳам шуғулланди. Жумладан, Айритом ёдгорлигида ҳайкалтарошлик намуналарининг топилиши, Хоразм ва Бухородаги археологик янгиликлар ўзбек меъморчилиги тарихида алоҳида эътиборга молик бўлди. 1930-1940 йиллар мобайнида Л.Воронин, Б.Засипкин, Л.Ремпель, Б.Бакланов, В.Воронина, Г.Гаганов ва бошқа этнограф, археолог ҳамда санъатшунос олимлар томонидан Ўрта Осиё меъморчилиги ва обидалар тарихи бўйича махсус изланишлар олиб борилди. 1938-1939 йилларда Фарғона водийсидаги меъморчилик ёдгорликларини архитектор В.Л.Воронина ҳамда этнограф А.К.Писарчиклар томонидан ўрганилди[20].Шу билан бирга, мазкур масала археологлар И.Аҳроров, Н.Г.Горбунова, Ю.А.Заднепровскийнинг илмий тадқиқотларидан алоҳида ўрин олди. Айнан шу даврда муҳофаза рўйхатида бўлган водийнинг турли туманларида жойлашган XVI-XIX аср Фарғона меъморчилик санъатига доир юздан ортиқ ёдгорликлар қайд қилинган.

Меъморчилик ёдгорликларини кенг қўламда ўрганиш 1950-йиллардан бошланди. Хусусан, Тупроққалъа, Варахша, Афросиёб, Қува, Холчаён, Далварзинтепа каби археологик ёдгорликларининг ўрганилиши натажасида қадимги меъморчилик ва ҳайкалтарошлик санъатининг ноёб намуналари фанда маълум бўлди.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, Ўзбекистон ССРда моддий-маданий ёдгорликларни сақлаш ва уларни муҳофазага олиш ишлари Маориф халқ комиссарлиги томонидан амалга оширилди. Маданий ёдгорликларни давлат ихтиёрига ўтказиш тўғрисида турли хил мазмундаги декретларнинг эълон қилиниши натижасида илгари хусусий мулкдорлар қўлида бўлган моддий-ашёвий буюмлар давлат ихтиёрига ўтказилди. Бу эса ўз навбатида совет ҳукуматининг ўзбек миллий маданиятини чеклашга доир амалга оширган сиёсати негизида амалга оширилди.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон тарихи / Р.Ҳ.Муртазаева умумий таҳрири остида.-Тошкент: Янги аср авлоди, 2003.-Б.303.

2. Ражабов С. Ўзбекистонда совет мактаби тарихига доир.-Тошкент: Ўқувпеддавнашр, 1957. -Б.16.

3. Победа Октябрской революции в Узбекистане: Сборник документов.-Ташкент: Изд-во АН УзССР, 1963. Т.1.-С.572.

4. Съезды Советов (в документах). Сборник документов в 3-х томах. 1917-1936 гг.-Москва: Госюрлитиздат, 1959. Т.1.-С.11-13.

5. Адҳамов О. Дин ҳам шўролар ҳукумати.-Самарқанд-Тошкент: Ўздавнашр, 1929.-Б.39.

6. ЎзР МДА, Р.34-жамғарма, 1-рўйхат,122-йиғма жилд, 1-варақ.

7. ЎзР МДА, Р.34-жамғарма, 1-рўйхат, 41-йиғма жилд, 123-варақ.

8. Культурное строительство в Туркестанской АССР (1917-1924). Сборник документов. Т.1.-Ташкент: Узбекистан, 1973.-С.417.

9. ЎзР МДА, Р.394-жамғарма, 1-рўйхат, 5-йиғма жилд, 7-варақ.

10. Мирзаев М.А. Ўзбекистонда тарихий ва маданий ёдгорликларни муҳофаза этиш ва ўрганиш ишининг ташкил топиши ва ривожланиши (1917-1941 йй.): Тарих фан. номз. ... дис.-Тошкент, 1994. -Б.25.

11. ЎзР МДА, Р.396-жамғарма, 1-рўйхат, 18-йиғма жилд, 6-варақ

12. ЎзР МДА, Р.396-жамғарма, 1-рўйхат, 12-йиғма жилд, 9-варақ.

13. Содиқова Н.С., Буряков Ю.Ф. Тарихий ёдгорликлар хазинаси.-Тошкент: Фан, 1976.-Б.28.

14. Нечкин Д.И. Задачи и ближайшие цели Комитета по делам музеев и охраны памятников старины, искусства и природы в Средней Азии // Известия Средазкомстариса.-Т., 1926.-№ Вып.1.-С.4.

15. ЎзР МДА, Р.394-жамғарма, 1-рўйхат, 5-йиғма жилд, 6-варақ.

16. ЎзР МДА, Р.394-жамғарма, 1-рўйхат, 5-йиғма жилд, 8-варақ.

17. ЎзР МДА, Р.394-жамғарма, 1-рўйхат, 13-йиғма жилд, 18-варақ орқаси.

18. ЎзР МДА Р.34-жамғарма, 1-рўйхат, 2723-йиғма жилд, 7-варақ.

19. ЎзР МДА, Р.396-жамғарма, 1-рўйхат, 19-йиғма жилд, 38-варақ.

20. Азимов И. Фарғона водийсининг архитектура ёдгорликлари.-Тошкент: Ўзбекистон, 1986.-Б.18.

ISSN 2181-9599
DoiJournal 10.26739/2181-9599

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ

LOOK TO THE PAST

ЎТМИШГА НАЗАР

№1 (2019)

Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz
ООО Expert Lawyers город Ташкент, Сергели 6, улица Мехригиё, 1-А.
www.tadqiqot.uz Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz
Expert Lawyers LLC The city of Tashkent, Sergeli 6, Mehrigiyo Street, 1-A.
Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000